ҚУРИЛИШ МЕЪЁРЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

ЗИЛЗИЛАВИЙ ҲУДУДЛАРДА ҚУРИЛИШ

ҚМҚ 2.01.03-96

РАСМИЙ НАШР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ

Ташкент

УДК 699.841.001.2(083.75)

ҚМҚ 2.01.03-95 «Зилзилавий ҳудудларда қурилиш» ЎзР Даварҳитектқурилишқўм – Тошкент Ибн-Сино номидаги ТНМБ.1995 - 59 бет.

Мазкур меъёрларни ТАЙЁРЛАГАНЛАР: Х.Асомов номидаги ЎзЛИТТИ АЖ - техника фанлари докторлари В.А.Ржевский, И.Ф.Ципенюк-мавзу раҳбарлари, техника фанлари номзоди Ш.А.Ҳакимов - мавзунинг масъул ижрочиси, техника фанлари номзодлари Х.Асамов, Ю.А.Гамбург, А.М.Комилов, Р.С.Ибрагимов, К.А.Плахтий, С.Т.Узлов, В.Н.Филявич, муҳандислар Л.А.Мухамедшин, В.В.Ширин; ЎзР ФА МИСМИ - ЎзР ФА нинг академиги Т.Р.Рашидов (4 қисм раҳбари), техника фанлари доктори Г.Х.Хожметов (4 қисм масъул ижрочиси); академик Я.И.Мубораков, техника фанлари докторлари В.Т.Рассказовский, И.Х.Алиев, техника фанлари номзодлари В.А.Омельяненко, З.Р.Тешабаев, А.Юсупов; ЎзР ФА СИ - физика-математика фанлари доктори Т.У.Ортиқов, физика-математика фанлари доктори К.Н.Абдуллабеков, геол.минер. фанлари доктори Р.Н.Ибрагимов, геол.минер, фанлари номзодлари В.А.Исмоилов, Т.С.Валиев, А.Д.Жўраев, муҳандис Р.П.Фадина; Олий таълим вазирлиги ТАҚИ - техника фанлари доктори К.С.Абдурашидов, техника фанлари номзоди С.А.Саидий, ЎзР ФА ГГИ - физ.-мат. фанлари номзоди С.С.Сейдузова.

Х.Асомов иомидаги ЎзЛИТТИ АЖ томонидан ТАҚДИМ ЭТИЛГАН.

МУҲАРРИРЛАР: Ф.Ф.Бакирхонов, В.Э.Сташис (ЎзР Даварҳитектқурилишқўм), С.А.Хўжаев, Л.А.Мухамедшин, А.М.Комилов, В.А.Ржевский, И.Ф.Ципенюк, Ш.А.Хакимов, Ю.А.Гамбург, К.А.Плахтий, Р.С.Ибрагимов - Х.Асомов номидаги ЎзЛИТТИ АЖ; Т.Р.Рашидов, В.Т.Рассказовский, Г.Х.Хожметов - ЎзР ФА МИСМИ, Б.А.Хобилов - Олий таълим вазирлиги, ТАҚИ.

ТАСДИҚЛАШ УЧУН лойиҳа ишлари Бошқармаси - А.Х.Ибрагимов ва фан бошқармаси -К.М.Жумаев томонидан ТАЙЁРЛАНГАН.

Ўзбекистон Республикасида “Зилзилавий ҳудудларда қурилиш” ҚМҚ 2.01.03-95 ни жорий этилиши муносабати билан СНиП II-7-81* нинг 1,2,3 қисмлари ва 1,2 иловалари ўз кучини йўқотади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (Давархитектқурилишқўм)	Қурилиш меъёрлари ва қоидалари	ҚМҚ 2.01.03-96
	Зилзилавий ҳудудларда қурилиш	СНиП II-7-8* нинг 1,2,3 қисм, 1,2 иловалари ўрнига

1 АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур меъёрлар сейсмиклиги 7,8,9 ундан ортиқ бўлган ҳудудларда қуриладиган ёки таъмирланадиган бино(иншоот)ларни лойиҳалаштириш ва қуриш жараёнида уларга қўйиладиган талабларни белгилайди.

Сейсмиклиги 9 баллдан юқори бўлган икки турга бўлинади:

- 9 баллдан катта бўлган ҳудудлар (1.1 жадвалга кўра 9 баллик зоналарда сейсмик хоссалари бўйича III тоифадаги грунтлар);
- 9*баллик ҳудудлар (7,1 ва ундан ортиқ бўлган магнитудали зилзила манбаи ҳосил бўлиши эҳтимоли бўлган (ЗМЭБ) зоналар.

Мазкур меъёрларни талаблари транспорт ва гидротехника иншоотлари, шунингдек атом электр станциялари қурилишига тааллуқли эмас.

1.2. Сейсмик фаол ҳудудларда бинолар(иншоотлар) ҳисобий фойдаланиш муддати давомида муддати давомида зилзилабардошлик талабларига жавоб бериши зарур:

- ҳисобий куч доирасида зилзилалар содир бўлганда одамларнинг ҳавфсизлигини, конструкциялар ва қимматбаҳо жиҳозларнинг, шунингдек шикастланиши атроф муҳитнинг ифлосланишига ҳамда аҳолини ҳавф остида қолишига олиб келувчи объектлар бутлигини таъминлаши;
- ҳисобийга нисбатан кичикроқ куч билан зилзила содир бўлганда бинолардан одатдагидек фойдаланишни, конструкцияларнинг таъмирлашга яроқлилигини таъминлаши лозим.

1.3. Биноларнинг зилзилабардошлигини таъминлашга қаратилган тадбирлар:

a) сейсмик юкларни камайтиришга;
b) сейсмик таъсирларга бўладиган қаршиликни оширишга йўналтирилган бўлиши даркор.

* Бундан кейин бинолар.

Сейсмик юклар миқдорини камайтириш учун:

- кутилажкак зилзилаларнинг спектрал-вақт тавсифига мос равишда сейсмик юкларнинг энг кичик қийматини берадиган конструктив тархлардан фойдаланиш;
- масса ва бирлик марказлари орасидаги елка (эксцентриситет)ни кичрайтириш эвазига буралма тебранишларнинг пайдо бўлиши

эҳтимолини камайтириш;

- енгил ашё ва конструкциялар қўллаш;
- оғир жиҳозларни иложи борича иншоотнинг пастки қисмига жойлаштириш лозим.

Сейсмик таъсирларга қаршиликни ошириш учун:

- сейсмик юкларга яхши бардош берадиган ашё ва кокструкциялар (металл, ёғоч, темирбетон, кучайтирилган ғишт-тош девор)лардан фойдаланиш;
- иншоотни ягона фазовий система сифатида ишлашига шароит яратиб, сейсмик юкларни барча юк кўтарувчи элементларга тақсимланишини таъминлаш;
- йиғма элементларнинг уланиш ерларини максимал зўриқишлар зонасидан узоқроққа жойлаштириб, барча системанинг яхлитлиги ва биржинслигини таминлаш;
- зўриқишларни элементлараро тақсимланишини таъминлай оладиган, кўп маротаба статик ноаниқ конструкцияларга кенг ўрин бериб, конструкцияларнинг айрим элементларида ноэластик деформацияларни ривожланишига шароит яратиш.

Конструкция элементларининг ҳамда улардаги бирикмаларнинг кесими иккинчи қисмга мувофиқ сейсмик таъсирлар ҳисоби натижаларига қараб белгиланади.

Учинчи қисмда кўзда тутилган конструктив тадбирлар, сейсмик таъсирлар ҳисоби натижаларига боғлиқ бўлмаган ҳолда белгиланади.

1.4. Мазкур меъёрларда кўзда тутилган, сейсмик таъсирларнинг ҳисобий миқдори ва конструктив тадбирлар, 1.2. модданинг талабларига кўра биноларнинг зилзилабардошлигини таъминлайди. Зилзила чоғида шикастланиш даражасини камайтириш учун буюртмачи билан келишилган ҳолда бинога таъсир этадиган сейсмик юкнинг миқдори оширилиши мумкин.

1.5. Янги биноларни лойиҳалаштириш ва мавжуд биноларни таъмирлаш жараёнида қурилиш ҳудудини сейсмологик ҳолати параметрлари:

а) сейсмик таъсирнинг кутилажак кучи ва замин тебранишлари тезланиши;

б) сейсмик таъсирларнинг такрорийлиги;

в) замин сейсмик тебранишларининг спектрал таркиби ҳисобга олиниши лозим.

Сейсмик таъсирларнинг кучи ва такрорийлиги мажбурий ҳисобланган 1 ва 2 иловалар бўйича қабул қилинади. Биринчи мажбурий иловада келтирилган сейсмик таьсирларнинг кучи ва такрорийлиги ўртача сейсмик хоссага эга бўлган грунтлардан ташкил топган участкаларга тўғри келади, (1.1 жадвалда II тоифали грунтлар).

1.6. Қурилиш майдончасининг сейсмиклиги ихтисослаштирилган илмий-тадбиқот институтлари ёки сейсмика ссҳасидаги ташкилотлар изланишлари натижасида сейсмиклиги 6 балл ва ундан юқори бўлган ҳудудлар учун тузилган сейсмик микротуманлаштириш (СМТ) ҳужжатлари асосида

белгиланади.

СМТ хариталари мавжуд бўлмаган ҳолларда сейсмиклиги туманнинг сейсмиклигига қараб (1 ва 2 иловалар) ва муҳандислик-геологик изланиш натижалари асосида 1.1 жадвалга кўра баҳоланади.

Зилзиланинг эҳтимолий манбаи (ЗЭМ) атрофида жойлашган аҳоли пунктларида сейсмик микротуманлаштириш хариталари бўлмаса, майдон сейсмиклигини аниқлаш юзасидан қўшимча тадқиқотлар бажарилмагунча, қурилиш ишлари олиб боришга рухсат этилмайди.

1.1 жадвал

Грунтнинг сейсмик хоссалари тоифаси	Грунтлар	Туман сейсмиклиги қуйидагича бўлганда қурилиш майдончасининг сейсмиклиги, балларда		
		7	8	9
1	2	3	4	5
I	1. Сувга тўйинган ҳолатда бир ўқ бўйича сиқилганда мустаҳкамлик чегараси Rc >1 МП ёки сейсмик тўлқинларининг тарқалиш тезлиги Vs >1700 м/с бўлган ҳар қандай тошлоқ грунтлар. 2. Сейсмик тўлқинлари тарқалиш тезлиги Vp >2500 ва Vs >900 м/с бўлган йирик синиқтош грунтлар (юмалоқ катта тошлар тош парчалари)	6	7	8
II	1. Сувга тўйинган ҳолатда бир ўқ бўйича сиқилганда мустаҳкамлик чегараси Rc < 1 МП а ёки сейсмик тўлқинларининг тарқалиш тезлиги Vp >1800 ва Vs > 600 м/с бўлган (нураган ва ўта нураган) тошлоқ грунтларнинг барча турлари. 2. Сейсмик тўлқинларининг тарқалиш тезлиги Vp > 800 ва Vs>500 м/с бўлган йирик синиқтош грунтлар (тошқотишмали, шағалли, парчатошли, йирик қумли). 3.Қумлоқ грунтлар: -сейсмик тўлқинларининг тарқалиш тезлиги Vp >500 ва Vs > 350 м/сек, кам намланган, ғоваклилик коэффициенти е <0.7 бўлган йирик ва ўртача йирикликдаги шағалли қумлар; -сейсмик тўлқинларининг тарқалиш тезлиги Vp > 400 ва Vs > 300 м/сек, намлиги кам, ғоваклилик коэффициент е <0,6 бўлган майда ва чангсимон қумлар. 4.Тупроқли грунтлар: - қуюқ-суюқлик кўрсаткичи J_L < 0,5 ёки сейсмик тўлқинларининг тарқалиш тезлиги Vp>900 ва Vs>500 м/сек бўлган тупроқлар; - қуюқ-суюқлик кўрсаткичи J_L < 0,5 бўлганда ғоваклилик коэффициенти	7	8	9

	e < 0,8 ёки сейсмик тўлқинларнинг тарқалиш тезлиги Vp > 500 ва Vs>300 м/с бўлган қумоқ ва қумлоқ тупроқлар; - қуюқ-суюқлик кўрсаткичи J_L<_0,5 бўлганда ғоваклилик коэффициенти e < 0,8 ёки сейсмик тўлқинларининг тарқалиш тезлиги Vp > 500 ва Vs>300 м/с бўлган соғ тупроқли грунтлар (соғ тупроқлар, қумлоқ соғ тупроқлар, қумлоқ тупроқ ва гиллар). 5.Тўкма грунтлар: - сейсмик тўлқинларининг тарқалиш тезлиги Vp > 500 ва Vs > 300 м/с бўлган, ётавериб зичлашиб кетган йирик синиқ тошлар ; сувга тўйинганда умумий деформация модули E_0 >12 МПа ёки сейсмик тўлқинларининг тарқалиш тезлиги Vp > 500 ва Vs > 300 м/с бўлган, ётавериб зичлашиб кетган қумлоқ ва чангсимон-тупроқли грунтлар.			
III	1.Қумлоқ грунтлар: - намлик даражаси Sr ≤0,5 бўлиб кам намланган, ғоваклилик коэффиценти e ≥ 0,7 бўлган йирик ва ўртача йирикликдаги шағалли қумлар; -сейсмик тўлқинларининг тарқалиш тезлиги Vs ≤ 350 м/с, ғоваклилик коэффиценти e <0,7 бўлган нам (Sr> 0,5) ва сувга тўйинган (Sr >0,8) йирик ва ўртача йирикликдаги шағалли қумлар; - сейсмик тўлқинларининг тарқалиш тезлиги Vs ≤ 300 м/с, ғоваклилик коэффициент e<0,7 бўлган нам (Sr>0,5) ва сувга тўйинган (Sr > 0,8) майда ва чангсимон қумлар, кам намланган (Sr ≤ 0.5),ғоваклилик коэффициенти e ≥ 6 бўлган қумлар. 2. Тупроқли грунтлар. -қуюқ-суюқлик кўрсаткичи J_L> 0,5 ёки сейсмик тўлқинларининг тарқалиш тезлиги Vs ≤ 500 м/с бўлган тупроқлар; -қуюқ-суюқлик кўрсаткичи J_L > 0,5 бўлганда ғоваклилик коэффициент e ≥0.8 ва e < 0,8 ёки сейсмик тўлқинларининг ;тарқалиш тезлиги Vs < 300 м/с бўлган қумоқ ва юмалоқ тупроқлар; -қуюқ-суюқлик кўрсаткичи J_L > 0,5 бўлганда ғоваклилик коэффициенти e ≥ 0,8 ва e < 0,8 ёки сейсмик тўлқинларининг тарқалиш тезлиги V < 300 м/с бўлган соғ тупроқли грунтлар (соғ тупроқлар, қумоқ соғ	8	9	> 9

	тупроқлар, қумлоқ тупроқ ва гиллар). 3. Тўкма грунтлар: - сувга тўйинганда умумий деформация модули Ео ≤ 12 МП ёки сеймик тўлқинларининг тарқалиш тезлиги Vs ≤ 300 м/с бўлган, ётавериб зичлашиб кетган қумлоқ, ва чангсимон тупроқли грунтлар.			

Эслатма:*1. Грунт қатламида чўкувчан соғ тупроқсимон жинслар мавжуд бўлса, чўкишга барҳам берувчи тадбирлар ўтказиш тавсия этилади ва ҳисобий сейсмикликни заминга сунъий равишда ишлов берилгандан сўнг аниқланади.*

2. Грунт таркиби бир жинсли бўлмаса, қурилиш майдончаси энг нобоп тоифага киритилади бунда (пойдевор тагидан ҳисобланганда) 10 м қалинликдаги қатламнинг 5 м дан кўпроғи ана шу тоифага тегишли бўлиши зарур.

3. Бинодан фойдаланиш жараёнида ер ости сувларининг сатҳи кўтарилиши ёки сув тошиши кутилса, грунт тоифасини аниқлашда уни сувга тўйинган деб қаралади.

4. Сейсмикдаги 6 балл бўлган туманларда грунт сейсмиклик хоссаси бўйича III тоифага мансуб бўлса, қурилиш майдончасининг сейсмиклиги 7 балл олиниши лозим.

Грунтларнинг муҳандислик-геологик ва сейсмик хоссалари ҳақида тегишли маълумотлар бўлмай, ер ости сувларининг сатҳи 5 м дан юқори бўлса, қумлоқ, сертупроқ ва тўкма (қумлоқ, ва чангсимон тупроқли) грунтлар зилзилавийлик жиҳатидан номақбул саналади. Бундай майдончаларда қурилиш кўзда тутилса, грунтларнинг сейсмиклик хоссаси бўйича тоифасини аниқлаш учун муҳандислик-геологик тадқиқотлар ўтказилиши лозим.

6. Бўйлама Vp ва кўндаланг Vs тўлқинларнинг тарқалиш тезлиги қийматлари майдонча грунтининг сейсмик хоссалар бўйича тоифасини белгилашда қўшимча омил вазифасини ўтайди ва муҳандислик-геофизик изланишлар натижаларига қараб, назарий ёки тажрибавий йўл билан аниқланади.

Қурилиш майдончасининг сейсмиклиги СМТ харитасида мавжуд бўлса, уни 1.1 жадвал ҳамда муҳандислик-геологик изланишлар натижасига асосланиб ўзгартиришга рухсат этилмайди.

1.7. Қурилиш майдончаси нишабининг қиялиги 15° дан ортиқ бўлиб, физик-геологик жараёнлар, тош уюмлари, кўчкилар,суюқ лой ва қумлар, ўпирилишлар, карс ҳодисалари, кон қазилмалари, сел таъсирида кучли емирилган жинслар сейсмик жиҳатдан номақбул ҳисобланади: Пойдевор остидаги 10 м лик қатлам орасида. 3 м дан ортиқ, қалинликда зичлашмаган нам эа сувга тўйинган қумлардан (ғоваклилик коэффициенти е>0,7 бўлган йирик ва ўртача йирикликдаги шағал, ғоваклилик коэффициенти е>0,6 бўлган майда ва чангсимон қум), қумоқ ва қумлоқ тупроқлар балчиқлар, қумлоқ ва чангсимон-тупроқли грунтлардан ташкил топган замин ҳам

зилзила нуқтаи назаридан заиф ҳисобланади.

Шундай шароитда бино қуриладиган бўлса, қўшимча тадбирлар қўллаб конструкцияларни кучайтириш; балчиқ ва ўта нам грунтларни мустаҳкамроқ; грунтлар билан алмаштириш талаб этилади. Бундай майдончаларнинг ҳисобий сейсмиклиги грунтларнинг сейсмик хоссаларини ўзгартириланлигини эътиборга олган ҳолда 1.1 жадвалдан аниқланади. СМТ харитаси мавжуд бўлган майдончаларда эса такрорий сейсмик микротуманлаштириш натижалари асосида белгиланади.

1.8. Сейсмиклиги 9* балл бўлган ҳудудларда сейсмик хоссалари бўйича грунт III тоифага мансуб бўлса, бундай ерларда бинолар қуришга рухсат этилмайди.

1.9. Муҳандислик-геологик шароитлари турлича бўлган майдончаларда қад кўтарадиган янги меъморий-тарх ва конструктив ечимга эга бўлган биноларда Ўздавархитектқурилишқўм розилиги билан муҳандислик-сейсмометрик ҳизмати (МСХ) станциясини ўрнатиш назарда тутилмоғи лозим. МСХ станциясини лойиҳалаштиришда “Руководство по сбору обработке и использованию инженерно-сейсмометрической информации, ЦНИИСК им.Кучеренко, М.,1980” қўлланмасига амал қилиш зарур.

2. СЕЙСМИК ТАЪСИРЛАРГА ҲИСОБЛАШ.

2.1. Зилзилавий ҳудудлар учун лойиҳаланадиган биноларнинг конструкция ва заминлари сейсмик таъсирларни эътиборга олган ҳолда. асосий ва алоҳида юкларнинг жамланган таъсирига ҳисобланади. Юк ва таъсирларнинг асосий жамламаси (сочетание) ҚМҚ нинг “Юклар ва таъсирлар” номли қисмидан сейсмик таъсирлар эътиборга олинган алоҳида жамламалар эса мазкур ҳужжатдан аниқланади. Бунда ҳисобий юкларнинг қиймати 2.1 жадвалдан олинадиган жамлаш коэффициентига кўпайтирилади.

2.1 жадвал

Юк турлари	Жамлаш коэффициенти
Доимий	0,9
Узоқ муддатли муваққат	0,8
Қисқа муддатли (ора ёпма ва том ёпмаси)	0,5

Алоҳида жамламаларга ҳисоблашда эгилувчан илгакларга осилган массалардан ҳосил бўладиган горизонтал сейсмик юклар, иқлимий ҳарорат таъсирлари, шамол юклари, асбоб-ускуна ва транспорт ҳаракати уйғотадиган динамик таъсирлар, кран ҳаракатидан ҳосил бўладиган тормоз ва ёнлама кучлар эътиборга олинмайди. Вертикал сейсмик юкларна аниқлашда краннинг вазни, аравача оғирлиги, шунингдек кран кўтара оладиган юкнинг 0,3 улуши ҳисобга олиниши лозим.

Кранларнинг кўприги ва аравачаси ҳосил бўладиган горизонтал сейсмик юклар кран ости йўлига тик (перпендикуляр) йўналишда ҳисобга олинади.

2.2. Биноларни сейсмик юклар таъсирини эътиборга олиб ҳисоблаганда бутун объектнинг иккита чегаравий ҳолати кўриб ўтилади:

- юк кўтариш қобилиятига кўра (ЧХ-1):
- экспулатацион яроқлилигига кўра (ЧХ- 2).

2.3. Биринчи чегаравий ҳолатлар (ЧХ-1) бўйича ҳисоб, қурилиш олиб бориладиган майдончада уйғониши мумкии бўлган максимал зилзила кучига мос келувчи, ҳисобий сейсмик юк таъсирига бажарилиши лозим.

Зилзиланинг такрорийлик даври бинонинг эксплуатацион муддатидан кичик бўлса, бинолар иккинчи чегаравий ҳолатлар (ЧХ-2) бўйича сейсмик юкларнинг максимал қиймати таъсирига ҳисобланади.

Бинонинг эксплуатацион муддати маълум бўлса ёки зилзилаларнинг минимал такрорланиш даври 1-иловага кўра бинонинг эксплуатацион муддатидан катта бўлса, у ҳолда ЧХ-2 чегаравий ҳолатнинг мавжудлиги ҳисобийдан 1 балл кичик бўлган сейсмик таъсирга текшириш орқали аниқланади.

Объектнинг эксплуатацион муддати лойиҳалаш учун берилган вазифада кўрсатилган бўлиши лозим. Агар қурилиш майдончасининг катта куч билан содир бўладиган зилзилалар такрорийлиги даври (1-илова), объектни эксплуатация қилиш давридан кичик бўлса, биринчи чегаравий ҳолат ЧХ-1 га етиб бормаслигини текширишда кучлар 20% га оширилади.

Сейсмиклиги >9 ва 9* балл бўлган майдончаларга қуриладиган бинолар иккинчи чегаравий ҳолат бўйича ҳисобланмайди.

2.4. Сейсмик кучлар фазода исталган йўналишга эга бўлиши мумкин. Ҳисоблашда биноларнинг илгарилама, зарурат туғилганда айланма тебранишлари кўриб ўтилиши зарур. Якка ўлчамли консол кўринишидаги ҳисоблаш моделида сейсмик таъсирлар бўйлама ва кўндаланг ўқлар йўналишида алоҳида равишда қўйилиб, алоҳида ҳисобланади.

2.5. Қуйидаги:

- ҳисобий сейсмиклиги 7-9, >9 ва 9* балл бўлгунда оралиқ масофаси 24, 18, 12 ва ундан ортиқ бўлган ёпмалар;
- консол конструкциялар;
- оралиқ, масофаси 12 м ва ундан ортиқ бўлган керкили (распорли) конструкциялар;
- иншоотларни ағдарилиши ва силжишга қарши устуворлиги;
- юк кўтарувчи вертикал конструкциялар (тош ва ғишт деворлар, устунлар)ни ҳисобланишда сейсмик таъсирнинг вертикал ташкил этувчиси эътиборга олиниши зарур.

Вертикал ва горизонтал сейсмик юклар бир вақтда таъсир этса, вертикал сейсмик юк 0,7 коэффициент билан олинади, грунтнинг вертикал тебранишларининг тезланиши горизонтал тезланишларнинг 70% миқдорида қабул қилинади (Ғишт деворли бинолар ва каркас устунларининг ҳисоби бундан мустасно. Уларнинг ҳисоби 2.27 бандга мувофиқ амалга оширилади).

2.6. Биноларни сейсмик кучлар таъсирига ҳисоблашда:

а) қурилиш тумани тавсифига мос бўлган реал ёки синтез қилинган

сейсмик таъсирларга ҳисоблашнинг динамик усули;

б) идеал эластик системалар учун (шартли статик) юкларни ҳисоблашда, 2.13-бандга мувофиқ спектрал усулдан фойдаланиш мумкин.

2.7. Услубан янги конструктив ечимга эга бўлган бинолар, баландлиги 40 м дан ортиқ. бўлган бинолар ва иншоотлар мажбурий тарзда, баландлиги 40м гача бўлган ялпи қурилишга мўлжалланган биноларни лойиҳалаштиришда 2.6, а-бандга биноан ҳисоблашнинг динамик усулидан фойдаланиш тавсия этилади.

Биноларнинг конструктив тизимини танлаш, лойиҳалаш ва реал ёки синтезланган сейсмик таъсирларга ҳисоблаш зилзилабардош бинолар қурилишига ихтисослашган илмий-тадқиқот ташкилотлар иштирокида амалга оширилмоғи лозим.

2.8. Ҳисоблашнинг динамик усулидан фойдаланилганда алоҳида регионлар учун сейсмик таъсирлар 2.2 жадвалдан олинади.

Тезланиши берилган сейсмикликка келтириш учун акселерограммаининг-амплитуда қийматлари нормалловчи кўпайтувчи n га кўпайтирилади.

2.2. жадвал

Манзил индекси	Сейсмик манзил	Акселлерограмма шифри	Сейсмиклик бўйича меъёрловчи кўпайтувчи n, балларда				
			7	8	9	>9	9*
1	2	3	4	5	6	7	8
I	Тошкент шаҳрининг 9-балли зонаси	Тошкент,66 Газ-ли СЮ 3-3 Г-53 8-8 Г-18 1В-32Г	0,59 0,16 0,28 0,33 0,61	1,17 0,31 0,56 0,65 1,22	2,34 0,62 1,12 1,30 2,43		
II	Тошкент шаҳрининг 8-балли зонаси	Назарбек Газли1 ВЗ 8-3 Г-38 8-1 Г-33 7-16 Г-40	1,34 0,15 0,41 0,69 1,87	2,68 0,29 0,83 1,38 3,73	5,36 0,58 1,65 2,76 7,46		
III	Тошкент вилояти Фарғона водийси	Газли ВЗ СФер-нанло Г-16 8-8 Г-10I В-29Г IВ-24	0,15 0,10 0,33 0,48 0,53	0,29 0,19 0,65 0,96 1,07	0,58 0,38 1,30 1,92 2,13	0,81 0,53 1,82 2,69 2,98	1,16 0,76 2,60 3,84 4,26
IV	Бухоро, Самарқанд ва бошқа вилоятлар	Газли СЮ Газли В 8-3 Г-52 8-1 Г-33 IВ-35 Г-50	0,16 0,15 0,28 0,69 0,442	0,31 0,29 0,56 1,38 0,90	0,62 0,58 1,12 2,76 1,79	0,87 0,81 1,57 3,86 2,57	1,24 1,16 2,24 5,52 3,58



2.1-расм.

2.9. Грунт тебранишларининг ҳисобий тезланишлари лойиҳалаштирилаётган бинонинг масъуллик тоифаси ва зилзилалар такрорийлигига қараб аниқланиши зарур. Буни ҳисобга олиш учун берилган сейсмикликка мос келувчи акселерограмма тезланишларининг амплитуда қийматларига масъуллик коэффициенти Ко ва такрорийлик коэффициенти Кп киритилади.

Биноларнинг масъуллик тоифаси ва коэффициенти 2.3. жадвалдан, зилзилалар такрорийлигини ҳисобга олувчи коэффициент эса 2.4 жадвалдан аниқланади.

2.3 жадвал

Бино тавсифи	Масъуллик тоифаси	Масъуллик коэффициенти, Ко
1. Зилзила дақиқалари ва унинг оқибатларининг тугатиш даврида ишлаб туриши ҳаётий муҳим бўлган бинолар (шифохоналар, ўт ўчириш масканлари, энергия таъминоти объектлари ва ҳ.қ.).	I	1.04
2. Одамлар гавжум бўладиган жойлар (мактаблар, маданий муассасалар, мажлис заллари ва ҳ.қ.)	II	1.2
3. 1,2 ва 4 бандларга кирмаган бинолар.	III	1.0
4. Масъулияти кам бинолар (қишлоқ хўжалик бинолар, омборхоналар ва ҳ.к.)	IV	0.8

Эслатма: 1. бинонинг масъуллик тоифасини буюртмани белгилайди.

2.6 балли сейсмик ҳудудларда, сейсмик хоссаларига кўра III тоифали грунтларда, масъуллик тоифаси IV бўлган биноларнинг масъуллик коэффициенти Ко 2 марта қисқартирилади.

2.4 жадвал

Такрорийлик оралиғи, йиллар	Такрорийлик коэффициенти Кп	
	7 ва 8 балл учун	9 ва юқори баллар учун
≤ 250	1,20	1,25
300-600	1,0	1,15
050-1000	0,8	1,0
> 1000	-	0,9

2.10. Биринчи чегаравий ҳолат (ЧХ-1)га ўтмаганлигини 2,6 а-банд бўйича текширишда дарз кетишлар, элементларнинг шикастланиши, ашёларнинг пластик оқиши натижасида конструктив система ёки унинг қисмларида ҳосил бўладиган нисбий ноэластик деформацияларнинг энг катта қиймати, 2,5 жадвалда келтирилган қийматлардан ошиб кетмаслиги лозим.

Конструктив система ёки унинг қисмларининг нисбий ноэластик деформацияси Мк зилзила чоғида яхлит системада ёки унинг қисмида ҳосил бўладиган максимал кўчиш $У_к$ ни, бошланғич бирлиги $С_{ок}$ ва берилган чегаравий эластик реакция $R_{тк}$ орқали топиладиган эластик кўчиш $У_{тк}$ га нисбати сифатида аниқланади.

$$Y_k = \frac{Y_k^{\max}}{Y_{tk}} \quad (2.1)$$

$$Y_{tk} = \frac{R_{tk}}{C_{ok}} \quad (2.2)$$

2.5 жадвал

№	Биноларнинг коструктив ечимлари	Чегаравий ноэластик деформация(μ_k)
1	Тош- ғишт деворли бинолар	2,5
2	Комплекс конструкцияли бинолар, шу жумладан аралаш конструкцияли бинолар (3.1 жадв.кар.)	5,0
3	Каркасли системалар -темирбетон -пўлат	 10,0 15,0
4	Йирик панелли, ҳажмий-блокли монолит деворли бинолар	10,0

№	Биноларнинг коструктив ечимлари	Чегаравий ноэластик деформация(μ_k)
5	Рама-боғлагичли системалар -темирбетон -пўлат	 7,5 10,0
6	Монолит темирбетон боғлагичли (бирлик ядросига эга бўлган)системалар	 8,0
7	Биринчи ёки пастки бир неча қавати каркас қолган қаватлари юк кўтарувчи девор ёки диафрагмалардан ташкил топган бинолар.	 3,0
8	Минорасимон консол иншоотлар.	2,0

Эслатма:Ўздавархитектқурилиишқўми розилиги билан тажрибалар ва техник-иқтисодий тадқиқотлар натижасига асосан[μk] нинг қийматларини ойдинлаштиришга рухсат этилади.

2.11. 2.6 а-бандга мувофиқ биноларни биринчи чегаравий ҳолат ЧХ-1 бўйича элементлар мустаҳамлигини текширганда, қиймати чегаравий эластик реакция Rтк га тенг келувчи сейсмик таъсирлардан ҳосил бўлган қиркувчи кучларни эътиборга олган ҳолда алоҳида жамлама (особое сочетание) юклар таъсирига ҳисобланади.

2.12. Иккинчи чегаравий ҳолатлар ЧХ-2 га эришмаганликни текширишда 2.6 а-бандга кўра конструктив системанинг деформацияси 2.6 жадвалда келтирилган қийматлардан ортмаслиги зарур.

2.6 жадвал

№	Деформация тури ва элементлар таснифи	Рухсат этилган қиймат
1.	Юк кўтарувчи конструкцияларга бириккан юк кўтармайдиган мўрт материаллардан ташкил топган бинолар қаватларининг нисбий силжиши Δ_k/h_k; бино тепа қисминиг нисбий кучиши $У_{max}/H$	1/200
2.	Ўшанинг ўзи юк кўтармайдиган элементлар юк кўтарувчи элементлар деформациясидан муҳофаза қилинган.	1/70

Эслатма: *Кабул қилинган белгилар:*
Δ_k – К ва К+1 қаватларнинг ўзаро силжиши;
h_k - К қаватнинг баландлиги;
$У_{max}$ - том ёпма сатҳидаги кўчиш;
Н - пойдевор устки сиртидан том ёпма сатҳигача бўлган баландлик.

2.13. 2.6 а-бандга кўра ҳисоблашда танланган йўналиши бўйича, К нуқтага қўйилган ва бино хусусий тебранишлармнинг і-шаклга мос бўлган ҳисобий сейсмик юк қуйидаги формуладан аниқланади:

$$S_{ik} = K_0 K_n K_{эт} K_p S_{oik} \quad (2.3)$$

$$S_{oik} = \alpha Q_k W_i K_{\delta\eta ik} \quad (2.4)$$

бу ерда S_{oik} - конструкция эластик деформацияланади деб фараз этилганда ҳосил бўладиган инерция кучи;

α-қурилиш майдончасининг сейсмиклигига қараб 2.7 жадвалдан олинадиган коэффициент.

O_k-ҳисоблаш тархида (2.1-расм) К нуқтасига тўпланган бино вазни бўлиб, конструкцияга қўйилган ҳисобий юкларни, 2.1 бандга кўра аниқланади;

W_i-2.14 бандга кўра аниқланадиган спектрал коэффициент;

K_δ-2.16 бандга кўра аниқланадиган диссипация коэффициент;

K_p-2.25 бандга кўра аниқланадиган мунтазамлик (регулярность) коэффициенти;

K_0-2.3 жадвалдан аниқланадиган масъуллик коэффициенти;

$K_{эт}$- 2.17 бандга кўра аниқланадиган бино қаватлари сонига боғлиқ бўлган коэффициент;

η_{ik}-бино і-тон бўйича тебранганда хусусий тебранишлар шаклига ва ҳисоблаш тахрида юкларнинг жойлашган ўрнига боғлиқ бўлган коэффициент бўлиб, 2.18 ва 2.19 бандларга биноан аниқланади;

$K_п$- зилзиланинг такрорийлигини ҳисобга олувчи коэффициент бўлиб, 2.4 жадвалдан аниқланади.

2.7 жадвал

Қурилиш майдончасининг сейсмиклиги, балларда	7	8	9	>9	9*
Коэффициент	0,25	0,5	1,0	1,4	2

2.14. Спектрал коэффициент Wi лойиҳалаштирилаётган объектнинг хусусий тебранишлари даври, 2.2 жадвалда келтирилган регионлар индекси ҳамда грунтларнинг сейсмик хоссалари бўйича тоифасига боғлиқ ҳолда 2.8 жадвалдан ёки 2.2 расмда берилган графиклардан аниқланади.

2.15. Биноларниг динамик тавсифларини аниқлашда заминнинг силжиш ва оғиш бўйича эластик қайишқоқлигини ҳисобга олиш зарур.

2.16. K_δ коэффициенти қуйидаги формуладан аниқланади:

$$K_\delta = e^{\left(0,548 - \sqrt{\delta}\right)\left(0,1 + \frac{0,7}{\sqrt{T_1}}\right)}$$

бу ерда δ-тебранишлар декременти бўлиб, лойиҳалаштирилаётган биноларга ўхшаш биноларни натуравий синаш йўли билан аниқланади, тажриба йўли билан аниқлаш имкони бўлмаса, 2.9 жадвалдан аниқланади;

T_1 - бино тебранишларининг асосий тони бўйича хусусий тебранишлари даври.

2.8 жадвал

Манзил индекси	I		II		III		IV	
Грунт тоифаси	I,II	III	I,II	III	I,II	III	I,II	III
T,c	Спектрал коэффициент Wi							
1	2	3	4	5	6	7	8	9
0	0,40	0,40	0,40	0,40	0,40	0,40	0,40	0,40
0,05	0,87	0,58	0,61	0,48	0,52	0,45	0,92	0,58
0,10	1,11	0,73	0,83	0,55	0,79	0,50	1,13	0,73
0,15	1,21	0,81	1,00	0,63	0,97	0,56	1,21	0,83
0,20	1,24	0,87	1,09	0,70	1,09	0,65	1,24	0,88
0,25	1,22	0,91	1,14	0,75	1,15	0,73	1,22	0,91
0,30	1,17	0,92	1,16	0,80	1,16	0,79	1,18	0,92
0,35	1,11	0,93	1,16	0,83	1,15	0,83	1,13	0,93
0,40	1,04	0,92	1,15	0,86	1,11	0,85	1,07	0,92
0,45	0,97	0,89	1,10	0,87	1,06	0,87	1,01	0,91
0,50	0,89	0,88	1,03	0,88	1,00	0,87	0,94	0,89
0,55	0,82	0,85	0,97	0,88	0,94	0,87	0,88	0,86
0,60	0,76	0,82	0,91	0,87	0,88	0,86	0,82	0,84
0,65	0,69	0,79	0,85	0,86	0,81	0,84	0,76	0,81
0,70	0,63	0,76	0,79	0,85	0,75	0,82	0,71	0,78
0,75	0,58	0,73	0,73	0,83	0,69	0,80	0,66	0,76
0,80	0,53	0,69	0,67	0,79	0,64	0,77	0,61	0,73
0,85	0,49	0,66	0,62	0,76	0,59	0,74	0,57	0,70
0,90	0,45	0,63	0,58	0,74	0,54	0,72	0,53	0,67
0,95	0,42	0,60	0,54	0,71	0,50	0,69	0,50	0,64
1,00	0,38	0,57	0,52	0,68	0,47	0,66	0,47	0,62
1,05	0,36	0,54	0,49	0,65	0,43	0,63	0,44	0,59
1,10	0,33	0,51	0,48	0,63	0,40	0,60	0,41	0,57
1,15	0,31	0,49	0,47	0,60	0,38	0,57	0,39	0,54
1,20	0,29	0,46	0,46	0,57	0,35	0,55	0,36	0,52
1,25	0,27	0,44	0,45	0,55	0,33	0,52	0,35	0,50
1,30	0,26	0,41	0,44	0,52	0,32	0,50	0,33	0,47
1,35	0,25	0,39	0,43	0,50	0,30	0,47	0,31	0,45
1,40	0,24	0,37	0,42	0,47	0,29	0,45	0,30	0,44
1,45	0,23	0,36	0,41	0,45	0,27	0,43	0,29	0,42
1,50	0,22	0,34	0,40	0,44	0,26	0,41	0,28	0,40
1,55	0,21	0,32	0,39	0,42	0,26	0,39	0,27	0,38
1,60	0,20	0,31	0,38	0,40	0,25	0,37	0,26	0,37
1,65	0,20	0,29	0,37	0,39	0,24	0,35	0,25	0,35
1,70	0,19	0,28	0,37	0,38	0,24	0,34	0,24	0,34
1,75	0,19	0,27	0,36	0,37	0,23	0,32	0,24	0,33
1,80	0,18	0,26	0,35	0,36	0,23	0,31	0,23	0,32
1,85	0,18	0,25	0,35	0,36	0,22	0,30	0,23	0,30
1,90	0,18	0,24	0,34	0,35	0,22	0,29	0,22	0,29
1,95	0,18	0,23	0,33	0,35	0,22	0,28	0,22	0,28
2,00	0,17	0,22	0,32	0,34	0,22	0,27	0,22	0,27

2.9 жадвал

№	Биноларнинг конструктив ечими	Тебранишлар декременти
1.	Пландаги ўлчами катта бўлмаган баланд иншоотлар (миноралар, мачталар, мўрилар, лифтларнинг алоҳида шахталари ва ҳ.к)	0,15
2.	Девор тўлдиргичлари каркас деформациясига таъсир этмайдиган, устун баландлигини бинонинг сейсмик куч йўналишига кўндаланг ўлчамига нисбати 25 га тенг ёки ундан катта бўлган каркасли бинолар	0,15
3.	1 ва 2 бандларда кўрсатилган бинолар	0,3



2.2-расм.

2.17. Кэт коэффициенти 2.10 жадвал бўйича олинади.

2.10 жадвал

№	Биноларнинг конструктив ечими	Кэт коэффициенти
1.	Қаватлр сони 5 дан ортиқ бўлган каркасли, диафрагмали ёки бикрлик ўзаги бўлган, йирик блокли, комплекс конструкцияли ёки монолит темирбетон бинолар.	Кэт=1+0,1(п-5), бироқ 1,5 дан катта эмас.
2.	Қаватлар сони 5 гача бўлган йирик панелли-бинолар	0,75
3.	Қаватлар сони п 5 дан юқори бўлган йирик панелли бинолар ва ҳажмий блокли бинолар.	Кэт=0,9+0,075(п-5), бироқ 1,3 дан катта эмас
4.	1-3 бандлардан кўзда тутилмаган бинолар.	1,0

2.18. Консол тарх бўйича ҳисобланадиган бинолар учун (η_{ik})нинг қиймати қуйидаги формуладан аниқланади:

$$\eta_{ik} = \frac{X_i(x_k)\sum_{j=1}^{n} Q_j X_i(x_j)}{\sum_{j=1}^{n} Q_j X_i^2(x_j)} \qquad (2.6)$$

бу ерда $X_i(x_k)$, $X_i(x_j)$ - бино иншоотлар і-тон бўйича эркин тебранганида қаралаётган К нуқтаси ва массалар тўпланган нуқталарда вужудга келадиган кўчишлар;

Q_j - нуқтасига тўпланган массанинг вазни бўлиб, 2.1 бандга мувофиқ аниқланади.

2.19. Қаватлар сони 5 гача бўлиб, $T_1 < 0,4$ бўлса, η_k коэффициенти қуйидаги соддалаштирилган формуладан аниқланиши мумкин;

$$\eta_k = \frac{X_k \sum_{j=1}^{n} Q_j X_j}{\sum_{j=1}^{n} Q_j X_j^2} \qquad (2.7)$$

бу ерда X_k ва X_j- пойдеворнинг юқори сиртидан К за j нуқталаригача бўлган масофа.

2.20. Биноларнинг асосий шакл бўйича хусусий тебранишлари даври $T_1>0,4$ с бўлса, конструкциялардаги зўриқишлар тебранишларнинг юқори шаклларини ҳисобга олган ҳолда аниқланиши зарур; бунда тебраниш шакллари сони 3 тадан ошмаслиги керак. Юқори шакл тебранишлари учун декремент биринчи тон тебранишлари декрементига тенг қилиб олиниши мумкин.

2.21. Биноларни 2.6 бандга кўра биринчи чегаравий ҳолат ЧХ-1 га эришмаганлигини текширишда конструктив система элементларида алоҳида жамлама (особое сочетание) юклардан ҳосил бўлган зўриқишлар қуйидаги формуладан топилади:

$$F_{\alpha} = L_0 \pm r\sqrt{\sum_{i=1}^{m} N_i^2 + 0{,}6\sum_{i=1}^{m-1}\sum_{j>i}^{j=m} N_i N_j} \qquad (2.8)$$

бу ерда

L_0 - юкларнинг асосий жамламасидан ҳосил бўлган зўриқиш бўлиб, 2.1 банд талабларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади;

r - 2.22 бандга кура аниқланадиган редукция коэффициенти;

N_i, N_j - сейсмик юклар таъсирида ҳосил зўриқишлар бўлиб, хусусий тебранишларнинг і ва j шаклларига мос равишда (2.3) формуладан аниқланади;

m -тебраниш шакллари сони.

2.22. Редукция коэффициент элементнинг рухсат этилган нисбий ноэластик деформацияси ва бинонинг хусусий тебранишлари даври T_1 га боғлиқ равишда 2.3-расмдан ёки (2.9) формуладан аниқланади:

$$r=1\text{-}1{,}07\mu\, T_1 \qquad (2.9)$$

Бунда қуйидаги шарт бажарилиши лозим:

$$r \geq r_1 = 0{,}03 + 1.95\, T_1 \qquad (2.10)$$

Агар $r < r_1$ бўлса, редукция коэффициенти қуйидаги формуладан аниқланади:

$$r = 0{,}85\mu^{-0{,}67} \qquad (2.11)$$

Соф эластик системаларни ҳисоблашда (μ=1) редукция коэффициенти r=1 деб олинади.

2.23. Элементларнинг чегаравий нисбий ноэластик деформацияси элементнинг масъуллик синфи ва конструктив хусусиятларига боғлиқ равишда 2.11 жадвалдан аниқланади.

Зилзила жараёнида бинони чегаравий ҳолатга ўтиш масъуллиги бўйича конструктив системанинг элементлари 3 синфга бўлинади:

I-синф - ёпмалардан тушадиган юклар ва горизонтал сейсмик кучларни қабул қиладиган элементлар;

II-синф - фақат горизонтал сейсмик кучларни қабул қиладиган элементлар;

III-синф - горизонтал сейсмик кучларлари қабул қилишда иштирок этмайдиган ўзини-ўзи кўтарувчи конструкциялар, осма панел ва тўсиқлар.

2.24. 2.6 б банд бўйича бажариладиган ҳисобларда иккинчи чегаравий ҳолат ЧХ-2 га етмаганлик, конструкциянинг эластиклик зонасида (2.3) формуладан топилган кучлар таъсирига текширилади. Бунда бинолар деформацияси 2.6-жадвалдаги қийматлардан ортмаслиги зарур. Биринчи чегаравий ҳолат бўйича биноларнинг деформациясини аниқлаш зарурати туғилганда (масалан, 3.1.4.талабларига биноан антисейсмик чоклар

кенглигини белгилайда), сейсмик кучлар таъсирида вужудга келадиган деформациялар эластик ҳолат учун аниқланади.

2.25. Планда ва баландлик бўйича номунтазам тузилишига эга бўлган биноларни горизонтал сейсмик кучлар таъсирига ҳисоблашда, 3.11. банд талабларидан келиб чиқиб, бир ўлчамли моделлар қўлланилган ҳолларда бинога таъсир этувчи тезланишнинг қиймати K_p коэффициентига кўпайтириш йўли билан оширилади. Мазкур коэффициентнинг қиймати конструктив системанинг мунтазамлиги кўрсатгичига қараб 2.12 жадвалдан аниқланади.



2.3-расм.

2.11 жадвал

№	Конструкция элементлари	Маъсуллик синфи	Чегаравий нисбий ноэластик деформацияси, μ
1	2	3	4
1.	Юк кўтарувчи вертикал элементлар		
	- йирик панелли ва ҳажмий блокли биноларда	I	0
	- монолит бнноларда	I	0
2.	Монолит ҳажмий блокли тош-ғишт деворли биноларнинг темирбетон сарбастаси (перемичка)	III	15
3.	Бино устунлари		
	- темирбетон каркасли биноларда	I	5
	- пўлат каркасли биноларда		7,5
4.	Темирбетон каркасларнинг сарровлари (регель)	I	7,5
5.	Пўлат каркасларнинг сарровлари	I	10
6.	Комплекс конструкциялар деворлари, тўлдиргичлари		
	- олий тоифадаги деворлар учун	I II	7 10
	-I,II тоифадаги деворлар учун	I II	4 8
7.	Тош-ғишт деворлар		
	- олий тоифадаги	I II	3,5 5
	- I, II тоифадаги	I II	2 3
8.	Йирик блокли деворлар	I,II	5
9.	Каркасли биноларда темирбетон диафрагмалар (бикрлик диафрагмалари)	I	7,5
10.	Эвакуация йўли мавжуд бўлган бикрлик ядроси	I,II	5
11.	Биринчи ёки пастки бир неча қавати каркасдан иборат бўлган, юк кўтарувчи деворли биноларнинг устунлари ва сарровлари	I	3
12.	Пўлат каркасларининг боғловчилари	II	15
13.	Юк кўтармайдиган конструкциялар ва меъморий деталлар	III	
	а) металл боғламалар, жиҳозлар элементлари		10
	б) темирбетон ва металл консоль элементлар, соябонлар, балкон плиталари, фронтонлари		7,5
	в) зинапоя элементлари		7,5
	г) тўсиқлар		
	- майда ўлчамли элементлардан		3
	- йирик ўлчамли элементлардан		6
	д) осма панеллар		7,5
	е) ўзини кўтарувчи деворлар		
	- тош-ғишт		3
	- темирбетон		7,5

Эслатма: *1.Сейсмик юклар шу элементларнинг ўзига қўйилган деб ҳисобланади, редукция коэффициенти (2.9) формуладан аниқланади.*

2. Чегаравий нисбий ноэластик деформация (μ)нинг қиймати, ЎзР архитектқурилишқўм билан келишилгаи ҳолда, тажрибавий ишлар ва (техник-иқтисодий даллиллар ососида ойдинлаштирлиши мумкин.

2.12 жадвал

Тарҳ	Параметр	Мунтазамлик кўрсатичи		
		$К_р$ коэффициенти		
		мунтазам	ўта мунтазам	номунтазам
1	2	3	4	5
1 	$\frac{L_x}{L_y}$	$\frac{< 5}{1,0}$	$\frac{5 \div 8}{1,1}$	$\frac{> 8}{1,2}$
2 	$\frac{L_1}{L}$ $\frac{L_2}{L}$	$\frac{< 0,15}{1,0}$	$\frac{< 0,15 \div 0,25}{1,15}$	$\frac{> 0,25}{1,25}$
	$\frac{L_{2y}}{L_y}$	$\frac{< 0,5}{1,0}$	$\frac{> 0,5}{1,25}$	$\frac{> 0,5}{1,25}$
3	$\frac{L_1}{L}$ $\frac{L_2}{L_y}$	$\frac{< 0,15}{1,0}$	$\frac{0,15 \div 0,25}{1,15}$	$\frac{> 0,25}{1,25}$
4 	$\frac{L_1 + L_2}{L}$	$\frac{\le 0,2}{1,0}$	$>0,2$ $\frac{\frac{h}{H} \le 0,15}{1,1}$ *да*	$>0,2$ $\frac{\frac{h}{H} > 0,15}{1,2}$ *да*
5 	$\frac{L_1 + L_2}{L}$ $\frac{L_i + L_{i+1}}{L_i}$	$\frac{< 0,25}{1,0}$ $\frac{< 0,1}{1,0}$	$\frac{0,25 \div 0,5}{1,1}$ $\frac{0,1 \div 0,3}{1,1}$	$\frac{> 0,5}{1,2}$ $\frac{> 0,3}{1,2}$

Эслатма. 1. *Жадвалдаги 1,2,3 позициялар бинонинг пландаги шаклига, 4 ва 5 позициялар эса ўлчамларнинг баландлик бўйича ўзгаришга тааллуқли.*

2. Бино ўлчамлсри баландлик бўйича бир томонлама ўзгарса (4,5, поз.) ҳисобий параметрлар 2 га кўпайтирилади.

3. Агар битта тархга иккита параметр тўғри келиб қолса, у ҳолда ҳисоблаш учун Кр коэффициентини таъминлайдиган параметр қабул қилинади.

2.26. 2,6 б бандга кўра сейсмик кучлар таъсирига ҳисобланадиган бинонинг пландаги узунлиги 30 м дан ортиқ бўлса, вертикал ўқларга нисбатан ҳосил бўладиган буровчи моментни ҳам ҳисобга олиш лозим. Агар бикрлик маркази билан масса маркази устма-уст тушса, элементлардаги зўриқишлар (ξ) коэффициентга кўпайтирилади.

$$\xi = 1 + 0,4\frac{X}{B} \qquad (2.12)$$

бу ерда Х - сейсмик юк таъсирига перпендикуляр йўналишда симметрия марказидан элементгача бўлган масофа;

В - бинонинг ўша йўналишдаги ўлчами.

Бикрлик маркази билан массалар маркази бир ўқ устида ётмаса, К баландликдаги буровчи момент қуйидаги формуладан топилади:

$$M_{кр}=Q_k(e_k +0.05B), \qquad (2.13)$$

бу ерда Q_k хусусий тебранишларнинг биринчи шаклига мос бўлган, горизонтал сейсмик юклардан бинонинг К сатҳидан ҳосил бўлган қирқувчи куч;

$e_к$ - бинонинг бикрлик ва массалар марказлари орасидаги масофа.

2.27. Ҳисоб ишлари 2.6 а банд бўйича, 2,5 банд талабларига мувофиқ равишда амалга оширилса, вертикал сейсмик юклар грунтнинг горизонтал ва вертикал тебранишларининг синхрон акселерограммаси кўринишида таъсир эттириш йўли билан ҳисобга олинади.

Ҳисоб ишлари 2.6 б банд бўйича бажарилса, вертикал сейсмик юклар (2.3) формуладан аниқланади (юк кўтарувчи вертикал конструкциялар бундан мустасно).

Вертикал сейсмик юкнинг қиймати ҳисобий сейсмиклик 7, 8, 9, >9 ва 9* балл бўлганда тош-ғишт конструкцияларида вертикал статик юкнинг мос равишда 15, 30, 45, 60%, каркас устунларида 10, 25, 40, 50% миқдорига қабул килинади.

Вертикал сейсмик юкнинг йўналиши ҳисобланаётган элементнинг кучланиш ҳолатига нисбатан тарзда белгиланади.

Вазни бинога нисбатан анча енгил бўлган консол конструкциялар (балконлар соябонлар ва ҳ.к.)ни вертикал сейсмик таъсирига ҳисоблашга $W_η$=3, $K_δ$=$K_п$=$K_р$=1,0 деб олинмоғи лозим.

2.28. Бинонинг кўтариб турадиган кесим ва вазни бинога нисбатан

анча кичик бўлган конструкциялар (парапетлар, фронтонлар ва ҳ.к.) 2.6 б ва 2.13 бандларга биноан горизонтал сейсмик юклар таъсирига ҳисобланмоғи лозим; бунда W_η=3 ва $К_\delta К_п К_р$ коэффициентлар 2.27 банд бўйича олинади.

2.29. Ўзини кўтарувчи деворлар, панеллар, тўсиқлар алоҳида конструкцияларнинг бириккан ерлари технологик ва муҳандислик жиҳозларининг маҳкамланган жойларини 2.6 б ва 2.13 бандларга биноан ҳисоблашда сейсмик ўша деталнинг ўзига таъсир этади деб қаралади. W_η иншоотнинг қаралаётган сатҳига мос равишда олинади, бироқ 1,0 дан кам бўлмаслиги лозим $К_\delta$, $К_п$ ва $К_р$ коэффициентлари 2.27 бандга мувофиқ равишда олинади.

Учма-уч бирикмаларни ҳисоблашда ишқаланиш кучларини этиборга олиш мумкин.

2.30. Конструкцияларни мустаҳкамлик ва устуворликка ҳисоблашда ҚМҚ нинг бошқа бобларига мувофиқ равишда танланган иш шароити коэффициентларидан ташқари, қўшимча иш шароити коэффициенти (m_{kp}) киритилиши лозим. Бу коэффициент 2.13 жадвалдан аниқланади.

2.31 Агар қуйидаги шарт қаноатлантирилса сейсмик таъсирларга ҳисоблаш жараёнида, конструктив системанинг деформацияланиши натижасида келадиган қўшимча зўриқишларни эътиборга олиш лозим:

$$\frac{\sum_{k=1}^{n} Q_k X(x_k)}{\sum_{k=1}^{n} S_k X_k} > 0{,}1 \qquad (2.14)$$

Деформацияланган ҳолатни ҳисобга олиш учун ҳисобий сейсмик юклар катталаштирилади. Қўшимча сейсмик юкнинг (2.15) формуладан аниқланади:

$$\Delta S_{1k} = \frac{Q_k \Delta_k}{X_k - X_{k-1}} \qquad (2.15)$$

бу ерда

$S_{1к}$-тебранишларнинг биринчи шакли бўйича К-қаватда вужудга келадиган сейсмик юк;

Δ_k - хусусий тебранишларнинг биринчи шакли бўйича К қаватнинг ҳисобий оғиши.

2.32. Тиргак деворларини ҳисоблашда фунтнинг сейсмик босими ҳам ҳисобга олиниши зарур.

2.33. Яхлит бикр қисм сифатида қараладиган бино ағдарилиш ва силкишга ҳам ҳисобланиши лозим.

2.3 жадвал

№	Конструкциялар	m_{kp} коэффициентининг қиймати
	Мустаҳкамликка ҳисоблашда	
1.	Пўлат ва ёғоч	1,4
2.	Стерженли ва сим арматурали темирбетон (оғма кесимларни мустаҳкамликка ҳисоблашдан ташқари)	
	а) А-I, А-II, Вр-I синфли арматурали оғир бетондан ясалган	1,2
	б) бошқа синфли арматуралардан ясалган	1,1
	в) енгил бетондан ясалган	1,1
	г) арматуранинг барча синфлари қўлланган ғовак бетонли	1,0
3.	Оғма кесимлар бўйича текшириладиган темирбетон	
	а) кўп қаватли биноларнинг устунлари	0,9
	б) турли элементлар	1,0
4.	Тош, арматош ва бетон	
	а) номарказий сиқилишга ҳисоблашда	1,2
	б) силжиш ва чўзилишни ҳисоблашда	1,0
5.	Пайванд бирикмалар	1,0
6.	Болт (шу жумладан ўта мустаҳкам болталар) ва парчин михли бирикмалар	1,1
	Устуворликка ҳисоблашда	
7.	Эгилувчанлиги 100 дан ортиқ бўлган пўлат элементлар	1.0
8.	Эгилувчанлиги 20 га қадар бўлганда	1,2
9.	Эгилувчанлиги 20 дан 100 га қадар бўлганда	1,2 дан 1,0 гача (интерпаляция орқали)

3. ТУРАР ЖОЙ, ЖАМОАТ, САНОАТ БИНОЛАРИ ВА БОШҚАЛАР.

3.1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.

3.1.1. Жамоат ва саноат биноларида юк кўтарувчи конструкция сифатида пўлат ва темирбетон каркас (рамали, рама-боғловчили, бикрлик ядросига эга бўлган, тўлдирувчили каркас ва бошқа), монолит темирбетон, йирик панель, тош-ғишт девор, ҳажмий темирбетон блоклар, шунингдек аралаш конструктив системалардан фойдаланиш тавсия этилади. Бир бинода антисейсмик чоклар қўлламай, турли конструктив системалардан фойдаланиш рухсат этилмайди.

Темирбетон бинолар орасида монолит (қуйма) ва йиғма-монолит конструкциялар афзалроқ саналади.

Бино плани геометрик тўғри шакллардан ташкил этиши зарур. Планда бинонинг туртиб чиққан қисмлари мавжуд бўлса, уларнинг ўлчамлари:

- ғишт-тош биноларида - 2 м дан;

- монолит темирбетон, йирик панелли, хажмий-блокли ва каркасли биноларда - 6 м дан ошмаслиги лозим.

Битта отсек чегарасида (антисейсмик чоклар оралиғида) бино қисмларининг баланд-пастлиги 6 м (икки қават)дан ошмаслиги керак. Бунда горизонтал сейсмик кучлар таъсирига ҳисоб 2.25 банд талабларига мувофиқ равишда бажарилади.

Айрим ҳолларда, тегишли равишда асосланган тақдирда план ва баландлик бўйича 3.1.1 банд талабларига жавоб бермайдиган номунтазам биноларни лойиҳалаштиришга рухсат этилади. Бундай ҳолларда горизонтал сейсмик таъсирларга ҳисоблаш учун фазовий моделлардан фойдаланиш зарур.

Биноларнинг конструктив чегаравий ўлчамлари 3.1 жадвалдан олиниши лозим.

3.1 жадвал

№	Юк кўтарувчи конструкциялар	Баландлик, м (қаватлар сони)					Оралиқлар, м					Кўндаланг девор, устун, рама қадамлари, м					Бино (отсек) узунлиги, м				
		Қурилиш майдончасининг сейсмиклиги, баллар																			
		7	8	9	>9	9*	7	8	9	>9	9*	7	8	9	>9	9*	7	8	9	>9	9*
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22
1.	Металл ёки темирбетон каркас	НСТТ бўйича		НСТТ бўйича			НСТТ бўйича			24	18	НСТТ бўйича		12	9	6	НСТТ бўйича			36	24
	1.1 Бир қаватли каркаслар																				
	1.2 Кўп қаватли каркаслар																				
	а) бикр арматурали монолит темирбетон, металл каркас	65(16)	40(12)	30(9)	18(4)	12(3)	НСТТ бўйича			9	6	12	12	9	6	6	НСТТ бўйича			36	24
	б) бикр рама-тугунли фазовий монолит, йиғма-монолит темирбетон каркас	50(12)	38(9)	26(6)	10(3)	7,5(2)	12	9	7,5	6	6	9	7,5	6	6	6	НСТТ бўйича			36	24
	в) йиғма темирбетон каркас	40(9)	30(7)	15(4)	7,5(2)	5(1)	9	7,5	7,5	6	6	9	7,5	6	6	6	80	60	40	24	18
	г) рама-боғлагичли ва бикрлик ядросига эга бўлган каркас	80(20) 65(16)	65(16) 50(12)	50(12) 38(9)	20(5) 18(4)	12(3) 10(3)	18 12	12 9	9 7,5	6	6	12 9	12 7,5	9 6	6	6	100	80	60	40	30
	д) сейсмик таъсирларни қабул қилувчи тўлдиргувчили (тош, блок, ғишт) каркас	40(9)	30(7)	15(4)	10(3)	7,5(2)	12	12	9	6	5	12	9	7,5	6	6	80	60	40	24	18
	е) тўлиқсиз каркас	14(3)					7,2					7,2					НСТТ бўйича				

3.1 жадвал давоми

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22
	ж) ригеллар устунларга шарнирли таянадиган каркас	14(3)	7,5(2)	5(1)			6	6				6	6	6			НСТТ бўйича				
	Монолит темирбе-тон деворлар, йирик панели деворлар, ҳажмий темирбетон блоклари																				
	а) кўндаланг деворлар қадами ≤4,2 м	НСТТ бўйича			15(4)	10(3)	НСТТ бўйича			7	5	НСТТ бўйича			4,2	3,5	60	45	36	36	30
	б) >4,2м≤6,6м	66(20)	53(16)	40(12)	12(3)	9(2)	НСТТ бўйича			9	7,2	НСТТ бўйича			6,6	6,0	60	45	36	36	30
	в) >6,6м	35(9)	22(6)	16(4)	9(2)	5(1)	НСТТ бўйича			9	7,2	НСТТ бўйича			7,2	6,0	60	45	36	36	30
	Йирик бетон ва виброғишт блоклари, арматураланган виброғишт панелларидан ташкил топган деворлар	27(8)	21(6)	15(40)	-	-	7,2	7,2	7,2	-	-	7,2	7,2	7,2	-	-	80	60	40	-	-
	Қўлда терилган комплекс конструкцияли девор-лар																				
	олий, I тоифа	44(7)	32(6)	24(5)	12(3)	7(2)		НС	ТТ	7,2	6		НС	ТТ	7,2	6,0	80	60	40	30	24
	II тоифа	38(6)	27(5)	20(4)	8(2)	4(1)		НС	ТТ	6,0	4,8		НС	ТТ	6,0	4,8	60	40	30	24	20
	Қўлда терилган со лёки бетон тош-деворлар, ғишт деворлар																				
	олий, I тоифа	27(5)	18(4)	12(3)	-	-	12	9	7,2	-	-	15	12	9	-	-	40	30	20	-	-
	II тоифа	12(2)	5(1)	4,5(1)	-	-	12	9	6	-	-	12	9	7,2	-	-	30	24	18	-	-

3.1 жадвал давоми

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22
	Қуйи маркали материаллардан тикланган деворлар																				
	а) хом ғишт, тупроқ блок, грунтоблокдан антисейсмик чоралар қўллаб тикланган деворлар	4,5(1)					5					5					20				
	б) пойдевори бетон ёки тошдан ишланган, ғишт ёки тупроқ материаллари билан тўлдирилган ёғоч синчли деворлар	8(2)	4(1)				6	6				6	6				24	18			
	в) ўшанинг ўзи, темирбетон элементлар билан кучайтирилган	8(2)	7(2)	5(1)	-	-	9	7	5	-	-	6	5	4	-	-	24	18	12	-	-
	Ёғоч шчит деворлар	8(2)	5(1)	5(1)	5(1)	5(1)	6м	дан	кўп эмас			6м	дан	кўп эмас			30	24	18	12	12

Эслатма: *1.- Бинонинг баландлиги сифатида отмостканинг пастки сатҳи ёки бинога тақаб текисланган ер сатҳи ўлчами билан ташқи деворлар ўлчами (отместкаси) орасидаги фарқ қабул қилинади.*

2. Шифохона ва мактаб биноларининг баландлиги қурилиш майдончасининг сейсмиклиги 8 ва 9 балл бўлганда 3 қават, болалар боғчалари учун 2 қават; 9 балдан ортиқ бўлса - икки ва 9 балда бир қават билан чекланади.*

3. *Юк кўтарувчи аралаш конструкцияли (ички деворлари –йирик панелли ёки монолит, ташқи деворлари-комплекс конструкцияли) биноларнинг чегаравий баландлигини 4 банд талабларига нисбатан 2 баравар ошириш мумкин; 9 ва 9* балли ҳудудлар бундан мустасно.*

4. НСТТ бўйича- носейсмик туманлар учун талаблар бўйича қабул қилинади.

5. Суратда берилган ўлчамлар пўлат, маҳраждагиси эса темирбетон каркасларга тегишлидир.

6. ЎзР Давархитектқурилишқўм билан келишилган ҳолда, тегишли тажрибавий-назарий тадқиқот натижаларига кўра асослаб, 3.1 – жадвалдаги параметрларни катталаштириш мумкин.

3.1.2. Амалда биринчи бор қўлланилаётган янги конструктив системалар, натуравий синовдан ўтгандан кейингина оммавий қурилишга жорий этилиши мумкин.

3.1.3. Агар бинонинг ҳажмий-режавий ва конструктив ечимлари 3.1.1. банд талабларига жавоб бермаса ёки бинонинг пландаги ўлчамлари 3.1-жадвалдаги ўлчамлардан катта бўлса, уни антисейсмик чоклар ёрдамида отсекларга ажратилади. Антисейсмик чоклар бинони бутун баландлик бўйлаб ажратиб туриши лозим. Пойдеворларда антисейсмик чок қолдирилмаслиги мумкин; антисейсмик чок билаи чўкма-чок бир бўлган ҳол бундан мустасно.

3.1.4. Антисейсмик чок ҳосил қилиш учун қўшдевор ёки қўш рама тикланади.

Антисейсмик чокнинг кенглиги қўшни отсеклар (бино қисмлар)нинг ҳисобий юклар таъсирларидан ҳосил бўлган солқиликлари йиғиндисидан, айни пайтда 30 мм дан кам бўлмаслиги керак.

Тўлдиргич ва антисейсмик чокларнинг конструкцияси зилзила чоғида отсекларнинг икки йўналишда - силжишига қаршилик қилмаслиги зарур.

3.1.5. Зинапоя катаклари ва лифтларнинг сони ва жойлаштирилиши ҚМҚнинг тегишли боблари талабларига, шунингдек ёнғинга қарши чоралар мажмуига, жавоб бериши лозим. Қаватлари сони уч ва ундан ортиқ бўлган биноларда ҳар отсекда камида битта зинопоя катаги бўлиши зарур.

Одамлар доимий равишда тўпланмайдиган отсекларда, агар ҚМҚнинг бошқа боблари талаб этмаса, зинапоя катаги шарт эмас.

Баландлиги 2 қаватдан (6 метр) ортиқ бўлган биноларда сейсмиклиги 8 балдан зоналарда зинапоя катагини бинога ёпиштириб қуриш ёки алоҳида

турувчи кўринишида ишлаш рухсат этилмайди.

Зинапоя катаги конструкциясини танлашда йирик элементли конструкциялар, зиналар майдончанинг яхлит турлари афзал саналади. Зилзила чоғида зина ва майдончалар сирпаниб тушиб кетмаслиги учун уларни боглағичлар ёрдамида маҳкамлаш зарур. Боғловчилар зилзила таъсирида вужудга келадиган чўзилиш ва силжиш кучларига ҳисобланган бўлиши карак.

Эвакуацияга мўлжалланган горизонтал йўллар яшаш ва ишлаш хоналарини зинапоя катаги билан тўғридан тўғри ёки йўлак бўйлаб исталган йўналишда бир марта бурилиш орқали боғлаши лозим.

3.1.6. Зилзилавий ҳудудларда бунёд этиладиган бино ва иншоотларнинг заминининг тегишли боблари талабларига амал ҳолда лойиҳалаштириши зарур.

3.1.7. Тасмасимон йиғма пойдеворларнинг юқори сиртига қалинлиги камида 40 мм бўлган 100 маркали цемент қоришма ётқизиш назарда тутилади, қоришма қатлами орасига сейсмиклиги 7,8 ва 9 балли туманларда диаметри 10 мм бўлган бўйлама арматуралардан мос равишда 3,4 ва 6 дона ётқизилади. Бўйлама стерженлар ҳар 300-400 мм да кўндаланг стерженлар билан бириктирилади.

Сейсмиклиги >9 ва 9* балл бўлган туманларда тасмасимон пойдеворлар, одатда, монолит ҳолда ишланиб, тагига диаметри 12 мм бўлган стерженлардан 6 дона ётқизилади. Тасмасимон йиғма пойдеворлар қўллаш ҳам мумкин, бироқ бунинг учун пойдевор остига қалинлиги 10 см бўлган арматураланган монолит темирбетон плита қопланиши зарур. Йиғма пойдеворлар устига қалинлиги 40 мм дан кам бўлмаган, 100 маркали қоришма қатлами ётқизилиб, орасига диаметри 12 мм бўлган 6 та арматура жойланади.

Тасмасимон пойдеворларнинг чуқурлиги носейсмик туманлардаги сингари қабул қилинади. Пойдеворлар сатҳи бир хил бўлиши керак. Пойдеворлар сатҳи турлича бўлса, бир қисмдан иккинчи қисмга ўтиш, баландлиги 60 см ва тиклиги 1:2 гача бўлган ўйиқлар орқали амалга оширилади.

Агар ертўла деворлари тасмасимон пойдеворлар билан конструктив боғланган йиғма панеллардан иборат бўлса, арматураланган қоришма қатлами ётқизиш талаб этилмайди.

3.1.8. Йирик блоклардан кўтариладиган пойдеворлар ва ертўла деворлари ҳар бир қаторда, шунингдек бурчак ва кесишув ерларида бир-бирига тишлатилиши керак; пойдевор блоклари узлуксиз тасма кўринишида терилиши лозим.

Сейсмиклиги 9,>9 ва 9* балл бўлган майдончалардаги ертўла деворларининг бурчак ва кесишув ерларига горизонтал чок бўйлаб 2 м узунликда (бўйлама арматурасининг умумий юзаси мос равишда 1; 1,5 ;2,0 см2 бўлган) сим тўр ётқизилади. Баландлик бўйича сим тўрлар орасидаги масофа 1 м дан ошмаслиги зарур. Антисейсмик камарларга диаметри мос равишда 12;14 ва 16 мм бўлган 4 та бўйлама стержень жойланади.

Блоклар орасидаги чокка ёйиладиган қоришманинг маркаси 100 дан кам бўлмаслиги керак.

Сейсмиклиги 7 ва 8 балл бўлган майдончаларга қуриладиган бичо 3 қаватдан паст бўлса, ертўла деворларига 50% бўшлиқли блоклар ишлатса бўлади.

3.1.9. Гидроизоляция қатлами сиртида қалинлиги 30 мм дан кам бўлмаган цемент қоришмаси ишлатилади.

3.1.10. Ёпма (перекрытие) ва томёпма (покрытие) ларнинг конструкциялари отсек чегарасида горизонтал ва вертикал текисликлар бўйича бикр ва мустаҳкам бўлиши лозим, вертикал элементларга пухта боғланиши зарур, бу боғланиш горизонтал кучларни вертикал элементларга узатиши зилзила жараёнида конструкцияларнинг биргаликда ишлашини таъминлаши зарур.

Узунлиги 6,5 м гача бўлган ёғоч ёки металл хариларнинг тош-ғишт деворларга таяниш масофаси 120 мм дан; узунлиги 6,5 м дан ортиқ бўлса - 150 мм дан кам бўлмаслиги керак.

Ёғоч - тўсинлар антисейсмик камарларга маҳкамланиб, диагонал йўналишда тўшама ётқизилиши лозим.

Ёпма плиталарни таяниш масофаси юк кўтарувчи конструкциянинг турига қараб:

- ош-ғишт деворлар учун – 120 мм дан;
- йирик панелларда, агар контур бўйлаб таянса-60 мм, тўсин каби таянса - 70 мм дан;
- бетон блокли деворларда – 100 м дан;
- йиғма темирбетон ва металл ригелларда - 80 мм дан;
- монолит темирбетон деворларда (диафрагма) - 70 мм дан кам бўлмаслиги керак.

Зинапоя майдончалари деворларга маҳкамланиши зарур. Тош-ғишт бинолардда майдончалар девор орасига камида 250 мм киритилиши керак. Зиналар, косоурлар ёки йиғма маршлар бир-бирига ва майдончаларга пайвандлаш йўли билан бириктирилиши лозим.

Деворга маҳкамланган консол зиналар рухсат этилмайди.

Ёпма ва томёпма элементларини юк кўтарувчи вертикал элементлар билан уловчи боғлагичнинг кесими, 2.29 бандга мувофиқ аниқланадиган ишқаланиш ва ёпишиш кучларини ҳисобга олувчи горизонтал зўриқишларни қабул қила олиши лозим.

Йиғма темирбетон плиталарнинг ён томони ботиқ-ўйиқ (нотекис) сиртлардан иборат бўлиши керак, агар плита контур бўйлаб таянса ён сирти периметр бўйлаб ғадир-будир ишланиши зарур.

3.1.11. Комбинация қилинган ёпмаларнинг юқори қисмига қалинлиги камида 40 мм бўлган (қуйма бетон қатлами ётқизилади, бетоннинг синфи В15 дан кам бўлмай, унга катаклари 300 мм дан катта бўлмаган, диаметри 3 мм бўлган Bpl синфли симдан тўқилган арматура тўри жойланади.

Йиғма темирбэтон плиталарнинг қуйидаги конструктив ечимларини қўлласа бўлади:

а) плиталар орасидаги чоклар цемент ёки полимер-цемент қоришма ёки

синфи В7.5 дан кичик бўлмаган майда заррали бетон билан тўлдирилади; плиталар антисейсмик камар ёки темирбетон боғлама (объязка) ларга маҳкамланади. Кўп бўшлиқли плиталарни тўртбурчак кесимли ригелларга таянган ерига темирбетон боғлама ётқизилади. Боғлама оралиқ рамаларда ясси каркас, четки рамаларда эса фазовий каркас билан арматураланади. Кўп бўшлиқли плиталар ригелнинг устига қўйилса, у ҳолда ригелдан диаметри 16 мм дан кам бўлмаган, ораси 400 мм дан ошмаган ёки ригелнинг ҳар бир метригача юзаси камида 5 $см^2$ бўлган вертикал арматуралар қолдирилиши керак, бу арматуралар боғлагич вазифасини ўтайди;

б) бўйлама йўналишда ёпма плиталари орасидаги масофа 120 мм дан кам бўлмаслиги керак. Плиталар орасига арматура каркаси ўрнатилиб, каркас диаметри 10 мм дан кам бўлмаган тўртта бўйлама за диаметри 6 мм дан кам бўлмаган ва оралиғи 200 мм бўлган кўндаланг арматурадан ташкил топади ҳамда антисейсмик камар ёки темирбетон боғламаларга маҳкамланади. Оралиқ В15 синфли майда донали бетон билан тўлдирилади;

в) плитани анкерлаш ва бетонлаш конструкцияси б) турдаги плиталар билан бир хил, бироқ буларда қўшимча равишда плита устига камида 50 мм қалинликда синфи В15 дан кам бўлмаган майда донали бетон қатлами ётқизилади, қатлам диаметри 3-4 мм, катакларининг ўлчами кўпи билан 250 мм бўлган сим тўр билан арматураланади.

3.1.12. Йиғма конструкциялар учларини улашда пайвандсиз бирикмалар афзалроқ саналади. Бундай бирикмалар болтлар ёрдамида ёки бирикувчи элементлардан чиқиб турган арматураларни бетонлаш йўли билан амалга оширилади. Биритирувчи бетоннинг мустаҳкамлиги йиғма элементларникидан бир поғона юқори бўлиши зарур.

Уланувчи учларга таъсир этувчи зўриқишларни фақат ишқаланиш кучларининг ўзи қабул қилиши рухсат этилмайди.

3.1.13. Қўлланиладиган муҳандислик ускуналари бинонинг юк кўтарувчи конструкциялари зилзилабардошлилигига путур етказмаслиги, аксинча ёнғин ва сув босишининг олдини олиши, қабул қилинган ҳисоблаш тарҳини ўзгартирмаслиги лозим.

Муҳандислик ускуналарини ва уларнинг бириктирилишни лойиҳалаштиришда, уларда ҳисобий сейсмик кучлар таъсирида зўриқишлар пайдо бўлишининг олдини оладиган, таъмирлашга яроқли ҳолда сақланиб қолишни таъминлайдиган техник ечимлар қабул қилиниши зарур.

3.1.14. Юк кўтармайдиган элементлар ва юк кўтарувчи конструкция билан боғловчи тугунлар бинонинг зилзилабардошлилигига путур етказмаслиги ва қабул қилинган ҳисоблаш тарҳини ўзгартирмаслиги лозим.

Ҳисобий куч билан содир бўлган зилзиладан сўнг юк кўтармайдиган конструкциялар ва уларнинг элементлари таъмирбоп бўлиб қолишн зарур.

3.2. КАРКАСЛИ (СИНЧЛИ) БИНОЛАР

3.2.1. Каркасли биноларда сейсмик юкларни қабул қилиш учун унинг қуйидаги турларидан фойдаланиш мумкин:

- бикр тугунли фазовий каркас;

- сейсмик юкларнинг бир қисмини ўзига қабул қиладиган тўлдирувчили фазовий каркас;

- сейсмик юкларни қабул қилишга мўлжалланмаган тўлдирувчили фазовий каркас;

- сейсмик юкларни тўлиқ ўзига қабул қилувчи бикрлик ядросига эга бўлган фазовий каркас.

Вертикал юкларни одатда каркас қабул қилади. Қаватлараро ёпмалар монолит темирбетондан ишланиб, бикрлик ядроси билан мустаҳкам боғланиши ва бутун системанингбиргаликда ишлашини таъминлаши зарур.

3.2.2. Сейсмиклиги 7 балл бўлган туманларда бинонинг ташқи қисми тош-ғишт, йиғма ёки қуйма темирбетон деворлардан ташкил топган, ички қисми - бир тугунли каркас бўлган тўлиқсиз каркаслардан фойдаланиш мумкин.

Кам қаватли биноларда (3.1-жад. қар.) ригеллар устунларга шарнирли таяниши мумкин. Бунда устун пойдеворга мустаҳкам бириккан бўлиши лозим.

3.2.3. Горизонтал сейсмик юкларни қабул қилувчи диафрагмалар, боғлагич(связь)лар ва бикрлик ядролари бинонинг бутун баландлиги бўйлаб узлуксиз бўлиши, ортогонал йўналишларда ётиши ва бинонинг оғирлик марказига нисбатан симметрия равишда жойлашиши зарур.

Юқоридаги техник қават сатҳида диафрагма ускуналаш шарт эмас. Йиғма бикрлик диафрагмасига эга бўлган биноларда юк устки боғловчи панелдан, ораликдаги монолит бетон қатламини четлаб ўтиб, бевосита остки панелга узатилиши лозим.

Бикрлик ядроси бўлган бино ёки отсекларнинг узунлиги 24 м дан (сейсмиклиги >9 ва 9* балл бўлса - 18 м дан) ортиқ бўлса, камида иккита бикрлик ядроси кўзда тутилади.

3.2.4. Йиғма сарров (ригель)лар устунлар билан бириктириладиган ерларда бўртиқ жойлар (вутлар), металл ёки темирбетон консоллар кўзда тутилиши лозим.

Каркаснинг йиғма элементларини раманинг бикр тугуни атрофида қўйилма деталларни пайвандлаш йўли билан бириктириш мумкин эмас. Каркас рамасининг тугунлари мустаҳкамликка ҳисоблаш жараёнида шартли равишда қисқа оғма элемент сифатида қаралади. Устун ҳамда бўйлама ва кўндаланг йўналишлардаги сарровларнинг кесишувларидан ҳосил бўлган фазовий рама тугунини ҳисоблашда, оғма калта элементнинг кенглиги устун кесимининг иккиланган кенглигига тенг деб қабул қилинади.

3.2.5. Каркасли биноларнинг ташқи тўсиқ деворлари сифатида қуйидаги конструкциялар қўлланилади:

- зилзила чоғида каркаснинг деформацияланишига тўсқинлик қилмайдиган енгил осма панеллар;

- юк кўтарувчи каркасга эгилувчан боғлагич ёрдамида бириктирилган ўзини кўтарувчи темирбетон ёки тош-ғишт деворлар (3.5.4. банд).

Сейсмиклиги 9 баллгача бўлган туманларда сейсмик юкларни қабул қиладиган ёки қабул қилинмайдиган ғишт ёки тош тўлдирувчилардан фойдаланиш мумкин.

Каркас ишида қатнашмайдиган тўлдирувчилар сифатида енгил сертешик блоклар, тошлар, ғиштлар ёки тупроқ материалларидан

фойдаланса бўлади. Бунда тўлдирувчи билан каркас орасида камида 20мм лик очиқ чок қолдирилиши ҳамда зилзила чоғида тўулдирувчининг қуламаслигини таъминловчи чоралар қурилиши лозим.

Қолдирилган чок эластик материал билан тўлдирилади. Тўлдирувчининг устуворлиги ва мустаҳкамлиги уни горизонтал ва вертикал йўналишларда арматуралаш, ром элементларини қўллаш ҳамда боғлагичлар ёрдамида таъминланади.

Сейсмиклиги > 9 ва 9* балл бўлган туманларда каркас тўлдирувчиси сифатида кучайтирилмаган тош-ғишт девор қўллашга рухсат этилмайди. Тўлдирувчининг кучайтириш учун горизонтал чокларни арматурлаш, темирбетон ўзаклар қўллаш, 9* балли туманларда деворнинг ички томонини арматурали цемент сувоқ ёки торкретбетон қилиш тавсия этилади.

3.2.6. Сейсмиклиги 9 баллгача бўлган туманларда устунлар ораси 6 м дан ортмаса ва сиқилишга бўлган мустаҳкамлиги 50 кгк/см2 дан кам бўлмаса, блок, тош ва ғиштлардан ўзини кўтарадиган деворлар тиклаш мумкин. Юк кўтарувчи устунлар оралиғи 6 м дан катта бўлса, орага қадами 6м дан кўп бўлмаган қўшимча устунлар қўйилади. Ўзини кўтарувчи деворнинг эркин баландлиги қават (бино) баландлигидан юқори бўлмаслиги керак; 7, 8 ва 9 балли майдончаларда бинонинг услубий баландлиги кўпи билан 18, 16 ва 9 м бўлганда, девор баландлиги мос равишда 9, 6 ва 4,2 м дан ортмаслиги керак.

Юк кўтарувчи устунлар оралиғи 6 м дан кам бўлса бетон синфи 7,5 дан кам бўлмаган, ўзини кўтарувчи темирбетон деворлар қўллашга рухсат этилади.

3.2.7. Ўзини кўтарувчи девор за устун оралиғида 20 мм дан кам бўлмаган очиқ чок қолдирилади. Деворнинг бутун узунлиги бўйлаб ёпма сатҳида каркас билан бириктириладиган, антисейсмик камарлар ускунаади.

Четки кўндаланг(торцевой) девор билан бўйлама деворларнинг кесишув ерларида бутун девор баландлигида вертикал чоклар ускуналаш зарур. Ўзини кўтарувчи деворлар ва уларнинг боғлагичлари деворга тик йўналишда шу ерга таъсир этувчи сейсмик кучларга ҳисобланиши зарур.

3.2.8. Кўп қаватли рама-боғлагичли системаларда отсекнинг ҳар бир ҳисобий йўналиши учун диафрагма ва боғлагичларнинг сони 2 дан кам бўлмаслиги керак.

Бунда улар симметрик равишда, турли текисликларда жойлаштирилиши лозим. Диафрагмалар ва боғлагичлар орасидаги масофа қаватлараро ёпманинг турига қараб ҳисобий йўл билан аниқланади. Ёпманинг а), б) ва в) турлари учун бу масофа мос равишда 12, 15 ва 18 метрдан ошмаслиги зарур.

3.2.9. Каркасли биноларда зинапоя катаги ва лифт шахтаси элементлари каркас билан биргаликда ишламайдиган қилиб ёки сейсмик юкларни қабул қиладиган, бикрлик ядроси кўринишида ускуналаниши мумкин.

Баландлиги 1 - 5 қават бўлган каркасли биноларда ҳисобий

сейсмиклик 7, 8 балл бўлганда зинапоя катаги ва лифт шахтасинннг бино плани чегарасида, каркасдан ажратилган алоҳида отсек кўринишда ишланиши мумкин. Зинапоя катагини алоҳида турувчи иншоот кўринишда ишлаш рухсат этилмайди.

3.2.10. Грунт тоифаси III бўлган майдончаларда, сейсмиклиги 9 ва ундан ортиқ бўлган зоналарда эса I ва II тоифали грунтларда қуйи қавати каркас, юқори қаватлари бикр бўлган бинолар қуриш мумкин эмас.

3.2.11. 9 ва ундан ортиқ қаватли биноларнинг пойдеворлари агар грунт тошлоқсиз бўлса, қозиқли (свайный) ёки яхлит пойдевор плитаси кўринишида ишланади.

3.3. ЙИРИК ПАНЕЛЛИ БИНОЛАР

3.3.1. Йирик панелли биноларни ёпма плиталари бўйлама ва кўндаланг деворларни ўзаро бириктириш орқали, сейсмик юкларни қабул қиладиган, ягона фазовий система сифатида лойиҳалаштириш керак.

3.3.2. Йирик панелли биноларда девор ва ёпма панеллари, одатда, хона ўлчамида тайёрланади. Йирик панелли жамоат биноларида тўсин плиталари ишлатишга рухсат этилади.

Сейсмиклиги >9 ва 9* балл бўлган туманларда ёпма плиталарни хона чегарасида улашга рухсат этилмайди. Бинолар камида битта ички юк кўтарувчи деворга эга бўлиши шарт, девор қалинлиги 16 см дан кам бўлмаслиги керак.

3.3.3. Девор ва ёпма панелларни ўзаро бириктириш учун арматуранинг чиқиб турган учлари ва қўйилма деталлар пайвандланади, горизонтал ва вертикал чоклари майда донали бетон билан тўлдирилади. Панель қирралари тарам-тарам ариқчалар кўринишига ёки шпонка ўйиқларига эга бўлиши керак.

3.3.4. Ёпмалар ташқи девор ёки антисейсмик ва температура чоклари деворларига таянса, арматуранинг ёпма панеллардан чиқиб турган учлари девор панелларининг вертикал арматураларига пайвандланади.

3.3.5. Юк кўтарувчи ташқи девор панеларининг енгил бетони синфи сиқилиш мустаҳкамлиги бўйича 9 балли туманлар учун В 7,5 дан, >9 ва 9* балли туманлар учун эса В20 дан кам бўлмаслиги лозим.

3.3.6. Девор панелларининг арматураси фазовий каркас ёки пайвандланган арматура тури кўринишда бўлади. Агар ташқи деворларга 3 қатламли панель ишлатилса, панелнинг юк кўтарувчи ўрта қатламининг қалинлиги камида 100 мм олинади. Панелнинг ҳар икки томонига ўрнатилган вертикал ва горизонтал арматуранинг юзаси, тегишли кесим юзасининг 0,025% дан кам бўлмаслиги керак.

Тўсинсимон ёпма плитаси қўйилган жамоат биноларининг девор панеллари юқори қисмига, панелларнинг вертикал чокларида бириктириладиган (камида 2 Ø 12) узлуксиз горизонтал арматура кўзда тутилиши лозим.

3.3.7. Бирикув чокларининг конструктив ечимлари ҳисобий зўриқишларни қабул қиладиган бўлиши зарур.

Панель чокларига қўйиладиган металл боғлагичларнинг кесимлари ҳисоблаш йўли билан аниқланади. 1 м чок учун уларнинг энг кичик кесими қуйидагича бўлади:

Сейсмиклик, балларда	7	8	9	>9	9*
Боғлагичнинг кесим Юзалари, см2/м	0,5	0,5	1,0	1,5	2,0

Боғлагичларнинг диаметрлари 10 мм дан сейсмиклиги >9 ва 9* бўлган зоналарда эса 12 мм дан кам бўлмаслиги лозим.

3.3.8. Эшик ўринларининг ёнларига 7, 8, 9, >9 ва 9* балли туманларда кесим юзаси мос равищда 1; 1,5; 2 ва 3 см2 бўлган вертикал арматура кўзда тутилиши керак.

3.3.9. Ички девор панелларининг сарбастаси (перемычка) симметрик тарзда арматураланади. Ташқи деворларда, агар дераза ости ва дераза усти сарбасталари биргаликда ишласа, қўшалоқ кесим ҳам симметрик равишда арматураланади. Агар сарбасталарнинг биргаликда ишлаши таъмин этилмаса, у ҳолда дераза ости ва дераза усти сарбасталари симметрик тарзда арматураланади.

3.3.10. Сарбасталарнинг юк кўтариш қобилияти, кўндаланг кучлар таъсирида бузилганда, эгувчи моментлар таъсирида бузилганга нисбатан 25% га юқорироқ бўлиши лозим. Сейсмик кучлардан ҳосил бўлган зўриқишларни созлаш ва тақсимлашда сарбасталардан фойдаланса бўлади.

3.4. КАРКАССИЗ МОНОЛИТ БИНОЛАР.

3.4.1. Монолит (қуйма, яхлит) бетондан тикланадиган биноларни лойиҳалаштиришда кесишувчи деворли конструктив системалардан фойдаланиш зарур. Ёпмалар (перекрития) монолит ёки йиғма бўлиши мумкин. Тўсин каби ишлайдиган ҳамда 3.3.3 бандининг талабларига жавоб берадиган йиғма темирбетон плиталар ишлатишга ҳам рухсат этилади.

3.4.2. Монолит биноларнинг юк кўтарувчи ички деворлари камида В 7,5; синфли ва ўртача зичлиги D1700 дан кам бўлмаган оғир ёки енгил бетондан, сейсмиклиги >9 ва 9 бўлган туманларда камида В15 синфли бетондан тикланади.

Ташқи деворлар синфи В5 дан кам бўлмаган монолит бетондан бир ёки кўп қатламли қилиб тикланади, йиғма панеллар ва донали материаллар қўллаш ҳам мумкин. Иссиқ сақловчи қатлам юк кўтарувчи қатламнинг ташқи томонига ишланади.

3.4.3. Қават баландлигини девор қалинлигига нисбати 20 дан, деразалар оралиғидаги деворни (простенка) ўзининг энига бўлган нисбати 2,5 дан ошмаслиги лозим.

Сарбаста (перимычка)ларни шундай конструкциялаш лозимки, уларнинг оғма кесимлар бўйича юк кўтариш қобилияти нормал кесимлар бўйича юк кўтариш қобилиятидан 1,25 мартаба катта бўлсин.

3.4.4. Деворлар фазовий каркаслар билан арматурланиб, горизонтал ва вертикал стерженлар бир текисда ейилади.

Дераза ва эшик ўринлари (проём)ларнинг контури бўйлаб, 3.3.8.банд талабларига мувофиқ, арматура жойланади.

3.4.5. Йиғма темирбетон ёпмалар ва томёпқичлари сатҳида ички ва ташқи деворларга узлуксиз арматура ётқизилади. Арматуранинг кўндаланг кесими ҳисобий сейсмиклик 7-8 балл бўлганда камида 1 $см^2$, 9 балда камида 2,>9 ва 9 балларда камида 3 $см^2$ олинади.

3.4.6. Ташқи ва ички деворларни арматуралаш кўзда тутилиши лозим, бунда арматуралаш фоизи девор кесимининг 0,025% дан кам бўлмаслиги керак.

3.4.7. Қамров (захват)ларнинг чегарасидаги вертикал технологик чокларда, ўзаро тик деворлар турли вақтларда бетонланганда ҳамда ташқи ва ички деворлар учун турли материаллар қўлланганда, баландлик бўйлаб бир текисда шпонкалар ишланади в - горизонтал арматураларнинг учлари чиқариб қолдирилади.

Эски ва янги бетоннинг ёпишувини яхшилаш учун технологик чокдаги эски бетоннинг сиртига махсус ишлов берилади.

3.5. ТОШ-ҒИШТ ДЕВОРЛИ БННОЛАР.

3.5.1. Юк кўтарувчи ғишт ёки тош деворлар, одатда, ғишт, сопол, бетон, табиий тошлар ёки блоклардан тикланиб, теришда ишлатиладиган қоришмаларга пластиклаштирувчи ва ёпишув кучини оширувчи қўшимчалар қўшилади.

Ҳисобий сейсмиклик 5 балдан юқори бўлганда қўлда териладиган девор қуйидаги усулларнинг бири билан кучайтирилади:

- горизонтал арматуралаш ва темирбетон ўзаклар киритиш;
- горизонтал арматуралаш ва деворларнинг кесишув ерларига тўрсимон арматура қоплаб, темирбетон ўзак киритиш;
- вертикал йўналишда бир ёки икки томонлама арматураланган цемент қоришмасини ёки бетон қоплаш.

Ҳисобий сейсмиклик 9* балл бўлганда:

- кучайтирилган горизонтал арматура ва темирбетон ўзак қўллаш деворларнинг кесишув ерларига кучайтирилган арматура тўрлари қоплаш;
- вертикал йўналишда икки томонлама арматураланган қоришма ёки бетон қоплаш йўли билан кучайтирилади.

3.5.2. Ҳисобий сейсмиклик 9 ва ундан бўлганда манфий ҳароратли ҳавода юк кўтарувчи ва ўзини кўтарувчи ғишт ёки тош девор тиклаш (арматура ёки темирбетон ўзак билан кучайтирилганда ҳам) тақиқланади.

Ҳисобий сейсмиклик 9 балдан кам бўлса қишда ғишт-тош терса бўлади, бироқ бунинг учун манфий ҳароратли ҳавода қоришманинг қотишини таъминлайдиган қўшимча қўшиш талаб этилади.

3.5.3. Юк кўтарувчи ва ўзини кўтарувчи деворлар тиклашда ёки каркаслар орасини тўлдиришда қуйидаги буюм ва ашёлардан фойдаланса бўлади:

а) маркаси 75 дан кам бўлмаган яхлит ёки тешиклари 14 мм гача бўлган бўшлиқли пишиқ ғиштлар;

б) Ҳисобий сейсмиклик 7 балл бўлганда маркаси 75 дан кам бўлмаган, ҳисобий сейсмиклик 8 ва 9 балл бўлганда маркаси камида 100, бўшлиқлари 20% гача бўлган сопол тошлар;

в) бетон тошлар, маркаси 50 ва ундан ортиқ бўлган яхлит ва бўшлиқли (шу жумладан зичлиги камида 1200 кг/м^3 бўлган енгил бетонли) блоклар;

г) маркаси 35 дан кам бўлмаган чиғаноқтош ва оҳактошлардан ясалган тўғри шаклли тошлар ва блоклар.

Агар девор тошлари қўлда терилса, аралаш цемент қоришманинг маркаси ёзда 25, қишда 50 олинади.

Блок ва панелларни ўрнатишда маркаси 50 дан кам бўлмаган қоришмалар ишлатилади. Қоришманинг ёпишиш хоссасини яхшилаш учун унга махсус қўшимчалар қўшилади.

3.5.4. Деворлар сейсмик кучлар таъсирига қаршилик кўрсатиш қобилиятига қараб тоифаларга бўлинади. 3.5.3. банда кўзда тутилган материаллардан тикланган ғишт ёки тош деворларнинг тоифаси боғланмаган чокларда (меъёрий ёпишув) ўқ бўйича чўзилишга бўлган муваққат (вақтинча) қаршиликка қараб, қуйидаги тартибда аниқланади:

олий тоифа деворлар учун –

$R_t^B \geq 500$ *кПА* (5 *кг/см*^{2});

I тоифа деворлар учун –

500 *кПа* $\succ R_t^B \geq 180$ *кПа* *(1,8 кг/см*^{2}*)',*

II тоифа деворлар учун –

180 *кПа* $\succ R_t^B \geq 120$ *кПа* *(1,2 кг/см*^{2}*)*

R_t^B нинг талаб этилган қиймати лойиҳада кўрсатилиши керак. Лойиҳа жараёнида R_t^B нинг қиймати, қурилиш майдонида олиб борилган тажриба натижаларига белгиланаши зарур. Бунда участкалар сони ғишт билан қоришманинг мустаҳкамлигини аниқлаш бўйича қурилишнинг ўзида бажариладиган тажрибалар услуби, стандарт талабларига жавоб бериши зарур.

Агар қурилиш майдончасида R_t^B нинг қиймати 120 кПа (1,2 кгк/см2) га тенг ёки ундан ортиқ қийматини аниқлаш имкони бўлмаса, ғишт ёки тош девор тиклашга рухсат этилмайди.

Эслатма. *Ҳисобий сейсмиклик 7 балл бўлса, Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилишқўмининг розилиги билан* R_t^B *< 120 кПа (1,2 кгк/см^2), бироқ 60 кПа (0,6 кгк/см^2) дан катта бўлган ҳолларда девор тиклашга рухсат этилади..*

Бунда бинонинг баландлиги икки қаватдан, простенкалар эни 0,9 м дан, девор ўқлари орасидаги 12 м дан ошмаслиги зарур.

3.5.5. Девор ҳисобий қаршиликлари Rt, Rsq, Rtw нинг қийматлари боғланган чоклар бўйича тош ва арматош конструкцияларни лойиҳалашга доир ҚМҚ дан олинади, боғланмаган чоклар бўйича эса, қурилиш майдонида ўтказилган тажрибаларда аниқланган R_t^B га боғлиқ ҳолда (3.1-3.3) формулалардан топилади:

$$R_t=0{,}45 \quad R_t^b \qquad (3.1)$$

$$R_{sq}=0{,}7 \quad R_t^b \qquad (3.2)$$

$$R_{tw}=0{,}8 \quad R_t^b \qquad (3.3)$$

Rt, Rsq, Rtw нинг қийматлари ғишт ёки тошнинг девор бузилганда ҳосил бўладиган тегишли қийматларидан ортиб кетмаслиги зарур.

3.5.6. Юк кўтарувчи ғишт ёки тош деворли бино қаватининг баландлиги, агар у арматура ёки темирбетон ўзак билан кучайтирилмаган бўлса, ҳисобий сейсмиклик 7, 8, 9 балл бўлганда мос равишда 5,4 ва 3,5 м дан ошмаслиги лозим. Бунда қават баландлигининг девор қалинлигига нисбати ғишт ва сунъий тошлар учун 12 дан, табиий тош учун 9 дан ошмаслиги керак.

Агар девор темирбетон ўзаклар билан кучайтирилса, қават баландлиги 7, 8, 9 балли зоналарда мос равишда кўпи билан 6,5 ва 4,5 м ҳисобий сейсмиклик 9 дан катта ва 9* бўлса, мос равишда кўпи билан 3,5 ва 3 м олинади. Девор баландлигининг қалинлигига нисбати сейсмиклик 9 баллгача бўлган зоналарда 15 дан ва сейсмиклик >9 ва 9* балл бўлганда 10 дан ошмаслиги зарур.

Баландлиги икки ва ундан ортиқ қаватли, деворлари юк кўтарадиган биноларда камида битта ички бўйлама девор бўлиши даркор.

3.5.7. Кўндаланг девор ўқлари ёки улар ўрнига қўйилган рамалар орасидаги масофа ҳисоблаш йўли билан текширилиши ва у 3.1 жадвалдаги қийматдан ортиб кетмаслиги зарур.

3.5.8. Тош-ғишт деворли бино элементларининг ўлчамлари ҳисоб орқали аниқланади. Улар 3.2 жадвалда келтирилган талабларни қондириши лозим.

3.5.9. Деворларнинг горизонтал кесим бўйича йиғинди юзаси II тоифасидаги девор учун, уларнинг ташқи периметри бўйлаб ҳисобланган,

қават юзасига (ички деворлар давомида жойлашган лоджия ва айвонлар юзаси ҳам шунга киради) нисбатан фоиз ҳисобида аниқлаганда 3.3.жадвалдагидан кам бўлмаслиги керак.

3.2. жадвал

№	Девор элементи	Ҳисобий сейсмиклик, балларда				Эслатма
		7	8	9	>9, 9*	
1.	Простенкалар кенглиги, м девор тоифасига қараб, камида олий тоифа I тоифа II тоифа	 0,6 0,77 0,9	 0,7 0,9 1,16	 0,9 1,16 1,55	 1,2 1,55 2,0	Простенка баландлигининг кенглигига нисбати ғишт ва тош деворларда 2 дан комплекс консгрукцияли деворларда 3 дан ортиқ бўлса, сейсмик кучлар таъсирига ҳисоблашда эътиборга олинмайди.
2.	Проемлар кенглиги, м, кўпи билан	3,5	3,0	2,5	2,0	Проемлар кенглиги бундан ортиқ бўлса, атрофига темирбетон рама ишланади.
3.	Простенка кенглигининг проем кенглигига нисбати камида	0,75	0,35	0,5	1.С	

3.3. жадвал

Юк кўтарувчи конструкциялар	Ҳисобий сейсмиклик, балларда				
	7	8	9	>9	9*
Ғишт ёки тош конструкциялар	3	4,5	6	-	-
Комплекс конструкциялар	2	3	4,5	5,5	6,5

Эслатма. *Олий ва I тоифадаги деворларнинг йиғинди кесим юзасини мос равишда 50 ва 25% га қисқартириш мумкин.*

3.5.10. Плиталар ўрнатилгач, ёпма ва том ёпмаси сатҳида бутун бўйлама ва кўндаланг деворлар бўйлаб, монолит темирбетон ёки ёнлари тарамланган йиғма антисейсмик камарлар ётқизилади. Юқори қаватнинг антисейсмик камарлари девордан чиқиб турувчи вертикал арматураларга боғланади.

Монолит темирбетон ёпмалар бино деворларига бутун контур бўйлаб таянган бўлса, у ҳолда бу ёпмалар сатҳида антисейсмик камарлар ўрнатмаса ҳам бўлади.

3.5.11. (Ёпмаларга таянадиган) антисейсмик камарлар, одатда, деворнинг бутун қалинлиги бўйича ётқизилади, агар ташқи деворларнинг қалинлиги 500 мм ва ундан ортиқ бўлса, камарлар кенглигини 100-150мм га қичқартириш мумкин.

Камар баландлиги 150мм дан, бетон синфи В12,5 дан кам бўлмаслиги лозим.

Антисейсмик камарларнинг бўйлама арматураси ҳисобий сейсмиклик 7-8 бўлса - 4Ø10, 9 баллда - 4Ø12, 9 дан юқори ва 9* баллда-4Ø14 олинади.

3.5.12. Деворларнинг туташув ерларига арматура тўри ётқизилади.

Бўйлама арматуранинг умумий кесим юзаси 1см^2, узунлиги 1,5м олиниб, баландлик бўйича 7-8 балли зоналарда ҳар 700мм га битта, 9 ва ундан ортиқ балли зоналарда ҳар 500 мм масофага битта сим тўр мўлжалланади.

Ҳисобий сейсмиклиги >9 ва 9* балл бўлган зоналарда мос равишда баландлик бўйлаб ҳар 300 ва 200 мм масофада бўйлама арматурасининг умумий кесим юзаси 1,5 см^2; дан кам бўлмаган сим тўр жойланади. Бунда туташув зонасидаги ҳажм бўйича умумий арматуралаш фоизи 0,15 дан кам бўлмаслиги лозим.

Чордоқ ёпмасига тикланган, баландлиги 400 мм дан ортиқ бўлган девор қисмлари ва устунлар арматураланиши ва темирбетон элементлар билан антисейсмик камарларга лозим.

Ғишт устунлар ўрнатиш фақат 7 балли зоналарда рухсат этилади.

Бунда қоришма маркаси 50 дан кам бўлмаслиги, устун бадандлиги эса 4м дан ошмаслиги.зарур.

Устунлар икки йўналишда деворларга маҳкамланган тўсинлар билан боғланади.

3.5.13. Комплекс конструкциялардаги вертикал темирбетон элементлар (ўзаклар) антисейсмик камарларга бириктирилиши ва ўрнатилганда камида бир томони очиқ қолиши керак. Ўзаклар простенкаларнинг чеккасига, яхлит деворларда эса камида ҳар 5 м да ўрнатилиши лозим.

Деворларнинг туташув ерлари темирбетон ўзаклар билан кучайтирилади, ўзак ва кесишув ери орасидаги масофа 2 м дан ортмаслиги керак. Ўзак бетонининг синфи В12.5 дан девор қоришмасининг маркаси 50 дан кам бўлмаслиги зарур.

Деворни кучайтириш учун қопланадиган вертикал цемент ёки бетон қопламанинг қалинлиги 25 мм дан ва мустаҳкамлиги 100 кг/см^2 дан кам бўлмаслиги керак. Қатлам девор арматурасига маҳкамланган арматура тўри сиртига қопланади. Боғлагичлар юзаси девор ён сиртининг ҳар 1 кв.м га камида 1см^2, сейсмиклиги >9 ва 9* бўлган зоналарда эса камида 2 см^2 олиниши зарур. Боғлагичлар орасидаги масофа 50 см дан ортмаслиги лозим.

3.5.14. Юк кўтарувчи деворли бинонинг биринчи қавати кенг майдон талаб этадиган дўкон сингари хоналардан ташкил топса, унинг биринчи қавати 3.2.10-банд талабларига мувофиқ темирбетон конструкциялардан ишланиши лозим.

3.5.15. Сарбаста (перемычка)лар, одатда, бетон қалинлигида ишланиб, деворга таянадиган қисми камида 350 мм ни ташкил этади. Проемнинг эни 1,5 м дан кичик бўлса, сарбастанинг таяниш қисмини 250 см олса ҳам бўлади.

3.5.16. Зинапоя майдончаларининг тўсинлари деворга камида 250 мм киритиб маҳкамланиши лозим.

Поғоналар, косаурлар, йиғма маршларни маҳкамлаш, зинапоя майдончасини ёпма билан боғлашни кўзда тутиш зарур. Деворга маҳкамланган консоль поғоналар ўрнатиш рухсат этилмайди. Ғишт-тош деворли зинапоя катагидаги эшик ва дераза ўринлари 8-9 баллли зоналарда темирбетон рама билан қопланиши зарур.

3.5.17. Қаватлари сони уч ва ундан ортиқ бўлган ғишт ёки тошлардан

тикланган комплекс конструкцияли юк кўтарувчи деворли биноларда, ҳисобий сейсмиклик 9 ва ундан кўтарувчи деворли биноларда, ҳисобий сейсмиклик 9 ва ундан ортиқ бўлса, зинапоя катагидан ташқарига чиқиш бинонинг ҳар икки томонига мўлжалланиши лозим.

3.6. ҲАЖМИЙ БЛОКЛИ БИНОЛАР.

3.6.1 Биноларнинг ер ости қисми, одатда, оғир бетондан ясалган йирик панелли конструкциялар кўринишда лойиҳалаштирилиши лозим. Панелларнинг конструктив ечими ва туташув чоклари 3.3 бўлимининг талабларига мувофиқ равишда қабул қилинади.

3.6.2. Ҳажмий блокли бинонинг, сейсмик таъсирларни қабул қиладиган, асосий конструкцияси ҳажмий блок бўлиб, у фазовий бикрликка эгадир. Ҳажмий блок яхлит қўйиладиган қилиб лойиҳалаштирилиши лозим. Вертикал қовурғаларнинг камида 4 жойида тарамланган чуқурчалар кўзда тутилиши зарур, бу чуқурчалар монтаж жараёнида блоклар орасидаги бўшлиқни ташкил этади. Блокнинт ёпма плитаси текислигида арматуранинг очиқ учлари учун ўйиқ жой қолдирилади, қурилиш майдончасида арматура учлари пайвандланади.

Вертикал қовурғаларни ҳисобга олганда блок деворининг келтирилган қалинлиги 9-мм дан кам бўлмаслиги керак.

3.6.3. Ҳажмий блоклар зичлиги кўпи билан D1600, ташқи девор панелларининг зичлиги 1200 дан кўп бўлмаган енгил бетондан лойиҳалаштирилиши зарур.

3.6.4. Ҳажмий блоклар юк кўтарувчи деворларнинг бутун узунлиги бўйлаб, цемент-қум қоришмаси қатламига ўрнатилади.

3.6.5. Ёпма сатҳида блокнинг бўйлама ва кўндаланг деворлари бўйлаб яхлит горизонтал арматура стерженлари ўрнатилади, блокларнинг монтаж қилиш жараёнида улар вертикал каналлардаги арматураларга пайвандланади.

3.6.6. Қурилиш майдончасида тўлдириладигаи, вертикал, каналларда бино баландлиги бўйлаб узлуксиз арматура ўтказиш кўзда тутилади. Арматуралар сони ҳисоб асосида белгиланади, бироқ 7-8 балли зоналарда - 1,5см^2 дан, 9 баллда 2,0 см^2, 9 баллдан катта бўлса -2,5 см^2, 9* баллда-3,0 см^2 дан кам бўлмаслиги керак. Бунда стерженларнинг минимал диаметри >9 ва 9* балли зоналарда мос равишда 10 ва 12 мм дан кам бўлмаслиги зарур.

3.6.7. Ёнма-ён блокларни ёпма текислигида бир-бирига боғлайдиган горизонтал пўлат боғлагичларнинг (связи) йиғинди юзаси 1 пог. м.чок учун: сейсмиклик 7-8 балл бўлса - 0,5см^2, 9 да -1,0 см^2, >9 да – 1,5см^2 ва 9*баллда 2,0 см^2 дан кам бўлмаслиги керак. Боғлагичлар диаметри 10 мм дан, сейсмиклиги >9 ва 9* балл бўлган зоналарда 12 мм дан кам бўлмаслиги зарур.

3.6.8. Айвон ва ёзги хоналар бино ҳажми ичида лойиҳалаштирилиши зарур. Блокларнинг деворлари айвон ва ёзги хоналарнинг девори вазифасини ўтмоғи лозим.

3.7. МУСТАҲКАМЛИГИ ПАСТ БЎЛГАН МАТЕРИАЛЛАРДАН ТИКЛАНГАН КАМ ҚАВАТЛИ БИНОЛАР

3.7.1. Мустаҳкамлиги паст материалларга сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси 3,5 МПа (35 кг/см^2) дан кам бўлган маҳаллий ашёлар киради. Биноларнинг юк кўтарувчи ва ўзини кўтарувчи деворлари учун қуйидаги мустаҳкамлиги паст материаллар қўлланилади:

а) табиий шароитда қуритилган яхлит хом ғишт;

б) грунтбетон, грунт материаллари, нам ҳолида териладиган грунт блоклар;

в) ёғоч синчли деворларни тўлдиришда ишлатиладиган пишиқ ёки хом ғишт;

г) шунинг ўзи, фақат синчи (каркаси) енгил темирбетондан ишланади.

3.7.2. Антисейсмик чоклар орасидаги масофа, бино баландлиги ва қаватлари сони 3.1 жадвалда берилган ўлчамлардан ошмаслиги керак. Битта қават ёки отсек чегарасида девор материали ва конструкцияси бир хил бўлиши зарур. Юқори қаватдаги девор оғирлиги пастки қаватдаги девор оғирлигидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

3.7.3. Эни 5 дан катта бўлиб, юк кўтарувчи деворлари мустаҳкамлиги паст материаллардан бўлса, бино ичида камида битта бўйлама девор кўзда тутилиши лозим. Барча ички деворлар бино тархида тўппа-тўғри бўлиши зарур. Кўндаланг девор ўқлари орасидаги масофа 3.1 жадвалдагидан катта бўлмаслиги керак.

3.7.4. Деворларнинг ҳар қайси йўналишидаги простенкаларнинг йиғинди кесими қават баландлигининг ўрта сатҳида бинонинг ташқи деворлари периметри бўйича олинган юзасинин 4% дан кам бўлмаслиги лозим. Простенкалар кенглиги 1 м дан кам бўлмаслиги, проемлар кенглиги эса 1,5 м дан ортиқ бўлмаслиги керак. Деворлардаги эшик ва дераза ўринлари (проемлар) ёғоч рама билан қопланиши ёки темирбетон ўзак билан кучайтирилиши лозим. Қават баландлигининг девор қалинлигига нисбатн 9дан ошмаслиги зарур. Бино тархида деворларнинг чиққан (синган) жойлари бўлишига рухсат этилмайди.

3.7.5. Хом ғишт ёки бошқа грунт материалларган тикланган деворнинг ўқ бўйлаб чўзилишга бўлган муваққат қаршилиги боғланмаган кесимда 0,3кг/см^2 дан кам бўлмаслиги керак.

3.7.6. Антисейсмик камарлар бўйлама ва кўндаланг деворларнинг бутун периметри бўйлаб ускуналанади.

Ёғоч синчли биноларда, синчнинг барча устунларига бириккан боғловчи тўсинлар (сарровлар)дан антисейсмик камар сифатида фойдаланиш мумкин.

3.7.7. Грунт материалли биноларда антисейсмик камарлар ёғочдан ёки монолит темирбетондан ишланиши мумкин. Камарлар ёпма тўсинлари сатҳида ўрнатилади ва уларга бириктирилади.

3.7.8. Ёгоч антисейсмик камарлар ғўлачалардан ёки кесими 10х10 см бўлган иккита брусдан ишланади ва деворларнинг ташқи қирғоқларига

ўрнатилади, таг томонига ҳар 500 мм да қоқилган бруслар ёрдамида ўзаро боғланади. Камарнинг бурчак қисмлари бикрлик элементлари билан кучайтирилади.

3.7.9. Монолит темирбетон камарлар синфи В5 дан кам бўлмаган бетондан ишланиб, тош-ғишт биноларга қуйиладиган талабларга мувофиқ равишда, деворнинг тўла қалинлигида ётқизилади. Деворнинг ҳар 0,5 м да вертикал арматура учлари чиқариб қолдирилиб, арматуранинг ўзи деворга 30см киритиб анкерланади. Деворнинг ҳар 1 м да камида 30 см чуқурлигида, кесими 14х14 см бўлган уячалар қолдириш, сейсмокамарга бетон қуйиш жараёнида, уячага ҳам 5мм диаметрли тўртта стержень жойлаб, бетонлаш мумкин.

3.7.10. Грунт материаллардан тикланган деворларнинг бурчаклари ва кесишув ерлари сим тўрлар ёрдамида кучайтирилади. Сим тўрнинг узунлиги кесишув еридан ҳар бир томонга 1 м, бўйлама арматуранинг умумий кесим юзаси 1 $см^2$ бўлиб, баландлик бўйлаб ҳар 500 мм га қуйилади, устига суюқ цемент қоришма қопланади. Ҳисобий сейсмиклик 7 балл бўлганда бир қаватли биноларнинг кесишув ерлари иссиқ битум шимдирилган қамиш қатлами билан кучайтирилиши мумкин.

3.7.11. Қўшсинч ёки яккасинчларнинг устунлари камида 100х100 мм кесимга эга бўлиб, камида ҳар 1200 мм масофада ўрнатилади, диагонал хавонларнинг ҳам ўшанча бўлади.

Синчнинг вертикал элементлари (устунлар) кўндаланг кесими камида 100х150 мм бўлган тагсинч ва тепасинч (сарров)ларга бириктирилади. Тагсинч бино цоколи билан диаметри 10-12 мм бўлган металл боғлагичлар ёрдамида боғланади. Эшик ва дераза ўринларининг тепа қисмига ва дераза ўринларининг пастки қисмига кесими 100х100 мм дан кам бўлмаган горизонтал ёғоч ўрнатилади Устунни сарров ва тагсинчларга маҳкамлаш учун, устундан чиқарилган турумлар сарров за тагсинчлардаги тешикларга киритилади ва металл тасмача билан қопланади.

3.7.12. Деворларни кучайтиришга мўлжалланган темирбетон элементларни, йиғма ёки қуйма (монолит) ёпмаларни бикр тугунли рама кўринишда ягона системага бирлаштириш лозим.

Конструкция элементлари 3.2 ва 3, 7, 8 қисмлар талабларига жавоб бериши зарур.

3.7.13. Бинонинг ҳисобий сейсмиклиги 9 балл ва ундан юқори бўлса, синчларга диаметри 3-4 мм, катаклари 300х300 мм бўлган симтўр қопланади. Ўз навбатида симтўр синчга маҳкамланади, устидан цемент сувоқ қилинади.

3.7.14. Деворлари кам мустаҳкамликка эга бўлган материаллардан тикланган биноларнинг ёпмаларига ёғоч тўсинлар ишлатилиб, тўсинлар орасидаги масофа кўпи билан 1500 мм, кўндаланг кесими 150х200 мм дан кам бўлмаслиги лозим. Тўсиқларга диагонал йўналишда (45° бурчак остида) икки қават тахта тўшалади. Ёпма тўсинлари антисеймик камарларга боғланиши зарур.

3.7.15. Томлар енгил бўлиши лозим. Лой томлар қилиш тақиқланади.

3.7.16. Деворлар остига тасмасимон пойдеворлар ишланади. Пойдеворга

чақилмаган йирик тош ишлатиш тақиқланади.

Деворлари грунт материалларидан тикланган бинонинг ёндош отсеклари турли сатҳларда жойлашган бўлса (ёки бинонинг бир қисми ертўлага эга бўлса), бинонинг чуқур қисмидан саёзроқ қисмига ўтиш 3.1.7 бандниг талабларига биноан бажарилади, бунда отсекларнинг туташувчи қисмлари остидаги пойдевор чокдан камида 1 м масофада бир хил чуқурликка эга бўлиши лозим.

3.7.17. Мустаҳкамлиги заиф бўлган материаллардан тикланган деворларни кучайтириш мақсадида ишлатиладиган арматура ёки металл буюмлар буюмлар занглашга қарши моддалар билан зарур.

3.8. ТЕМИРБЕТОН КОНСТРУКЦМЯЛАР.

3.8.1. Эгилувчи ва номарказий сиқилувчи элементларнинг нормал кесимлар бўйича мустаҳкамликка ҳисоблашда бетоннинг сиқилиш зонаси чегаравий характеристикаси бетон ва темирбетон конструкцияларни лойиҳалаштиришга доир ҚМҚ талабларига мувофиқ равишда 0,85 коэффициенти билан қабул қилинади.

3.8.2. Ҳисобий сейсмиклиги > 9 ва 9* балл бўлган майдонларга қуриладиган биноларнинг темирбетон конструкцияларни мустаҳкамликка ҳисоблашда материалларнинг ҳисобий қаршиликлари қиймати 0,75 коэффициент орқали қабул қилинади.

3.8.3. Темирбетон конструкцияларнинг элементларида:

- пўлат арматура узилгандан кейин, унинг нисбий узайиши 2% дан кам бўлса;
- пўлат арматура пайвандлангандан кейин ёки унга юқори даражадаги ҳарорат таъсир этгандан сўнг у узилиб, рухсат этилган эгилиш бурчаги камайса, бундай арматура пўлатларидан фойдаланишга рухсат этилмайди.

3.8.4. Сейсмиклиги 9 ва ундан ортиқ бўлган туманларда кўндаланг кесими халқа, крестсимон, Т-симон, трапеция шаклларда бўлган устунлар, шунингдек томонларининг нисбати 2 дан ортиқ бўлган тўғри бурчак кесимли ва бўшлиқли устунлар кесимда-тўсинлар ишлатишга рухсат этилмайди.

3.8.5. Йиғма темирбетон элементларнинг уланиш ерларида қирқувчи кучларни эгилувчан арматура орқали узатиш мумкин эмас.

3.8.6. Сейсмик кучлар таъсирига ҳисобланадиган, олдиндан зўриқтирилган конструкцияларни лойиҳалаштиришда аралаш арматуралашга, яъни таранглангаи арматура билаи бирга юмшоқ пўлат стерженлардан (25% га қадар) фойдаланишга алоҳида аҳамият бериш зарур.

3.8.7. Сейсмик кучлар таъсирига ҳисобланиши зарур бўлган, олдиндан зўриқтирилган конструкцияларда ҳосил бўладиган ички кучларни мустаҳкамлик шарти бўйича аниқланганда, уларнинг қиймати ёриқлар ҳосил бўлишида кесим қабул қиладиган зўриқишдан камида 25% катта бўлиши лозим.

3.8.8. Арматураси бетонга ёпишмаган темирбетон конструкцияларни

қўллаш мумкин эмас.

3.8.9. Сейсмиклиги 9, >9 ва 9* балли майдончаларда диаметри 28 мм дан ортиқ бўлган сим арқон (канат) ва даврий профилли арматура стерженларини махсус анкерларсиз ишлатишга рухсат этилмайди.

3.8.10. Сейсмик кучларни ўзига қабул қиладиган, арматураланмаган юк кўтарувчи бетон элементлардан фойдаланиш мумкин эмас.

Тўсинсимон конструкцияларда бўйлама арматуранинг кесим юзаси элемент кесим юзасининг 0.1% дан кам бўлмаслиги керак.

3.8.11. Эгилувчи элементда кўндаланг арматураларнинг сони ҳисоб билан белгиланади. Тўсиннинг таянч қисмидаги ҳисоблаш масофаси доирасида хомутлар орасидаги - масофа (қадам) қуйидагича олинади:

- сейсмиклиги 7-8 балл бўлган майдончаларда тўсиқ баландлиги h дан кичик ва 200 мм дан катта бўлмаслиги керак;

- 9 баллда 150 мм дан ортмаслиги;

- >9 ва 9* баллда 100 мм дан ошмаслиги; хомутлар диаметри эса 8 мм дан кам бўлмаслиги лозим.

3.8.12. Агар сиқилган элементларда арматуралаш фоизи 3% дан ортиқ бўлса, хомутлар қадами 8d ва 200 мм дан кам бўлиши керак, бу ерда d-бўйлама (сиқилган) ишчи арматуранинг энг кичик диаметри, сиқилган элементларнинг рамаларнинг бикр тугунларига туташган, узунликдаги масофасида (h элемент кесимининг баландлиги) ҳисоб бўйича белгиланадиган хомутлар қадами, сейсмиклиги 7,8 балл бўлган майдончаларда 150 мм дан, 9 ва >9 баллда - 100 ва 9* баллда 70 мм дан ошмаслиги зарур. Кўндаланг арматуранинг диаметри 8 мм дан кам бўлмаслиги лозим.

3.8.13. Тўқима арматура каркасларида хомутларнинг учи бўйлама арматура атрофида букилиб, бетон ичига киритилади. Букманинг узунлиги 6dsw дан кам бўлмаслиги керак.

Элементлардаги бўйлама арматураларнинг устма-уст (внахлестку) улоқлари энг катта зўриқишлар зонасидан узоқроқда бўлиши лозим.

3.8.14. Эгилувчи элементларнинг бўйлама ишчи арматуралари устмауст уланса, уланган жойга қўйиладиган хомутларнинг диаметри камида 8 мм, қадами кўпи билан 10 мм бўлиши лозим.

Бунда арматураларнинг устма-уст тушган қисми узунлиги ва пайванд чоклар узунлиги бетон ва темирбетон конструкциялар учун ҚМҚ да берилган қийматдан 30% ошириб олинади. Устунлардаги бўйлама арматуралар устма-уст (ёнма-ён) уланса, албатта пайвандланади. Арматура диаметри 25 мм дан кам бўлса, пайванд қилмай, симтўр қопласа ҳам бўлади ёки устма-уст тушган учларни ҚМҚ да белгиланадиган 30% га узайтирилади. Бунда хомутлар қадами 100 мм дан ошмаслиги зарур.

Сейсмиклиги >9 ва 9* балл бўлган майдончаларда арматураларни устма-уст (внахлестку) улаш мумкин эмас.

3.8.15. Олдиндан зўриқирилган конструкция ва элементларнинг, эксплуатацион юклар таъсирида сиқиладиган зонасида тайёрлаш, ташиш ва ўрнатиш жараёнларида ёриқлар пайдо бўлишига йўл қўйилмайди.

3.8.16. Ҳисобий сейсмиклик 8 ва 9 балл бўлганда сиқилувчи

элементлар, шунингдек эгилувчи элементларнинг сиқилиш зонасига ҳисоблаш йўли билан қўйиладиган кўндаланг арматуралар орасидаги масофа h (элемент кесимининг кичик ўлчами) дан ва 300 мм дан катта бўлмаслиги керак.

Ҳисобий сейсмиклик 9 дан катта ва 9* балл бўлганда кўндаланг арматуралар орасидаги масофа 1/2h ва 200 мм дан катта бўлмаслиги зарур. Хомутлар диаметри 8 мм дан кам бўлмаслиги лозим.

Кўндаланг арматура сиқилувчи стерженларни исталган йўналишда эгилишдан сақлаши лозим.

3.8.17. Кўпқаватли каркасли биноларнинг йиғма устунларни имкони борича бир неча қаватга етадиган қилиб йириклаштириш керак. Уланиш ерларида устунларидан чиқиб турадиган бўйлама арматуралар албатта пайвандланиши лозим. Устунларни тайёрлаш, кўтариш, ташиш ва ўрнатиш жараёнларида бетонда ёриқлар пайдо бўлмаслиги керак.

Темирбетон каркасларнинг бикр тугунлари қўшимча арматура, пайванд тўрлар, спираллар ёки ёпиқ хомутлар билан кучайтирилиши лозим. Агар ҳисоб бўйича қўшимча арматура қўйиш талаб этилмаса, ушбу зонани конструктив нуқтаи назардан ёпиқ кўндаланг арматура билан арматуралаш лозим. Бунда стерженлар диаметри 8 мм кам қадами эса 100 мм дан ортиқ бўлмаслиги зарур. Сарров (регель)ларнинг рама бикр тугунлари билан туташган қисмида – узунлиги сарров баландлигининг иккиланганлигига тенг бўлган масофада, ҳисоб бўйича аниқланган кўндаланг арматура (хомут)лар ўрнатилиши лозим. Хомутлар қадами 100 мм, бикр диафрагмали рамаларда 7-9 балли зоналарда 200 мм дан, > 9 ва 9* балли зоналарда эса 70 ва 150мм дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

3.8.18. Элементга жойлаштирилган бўйлама арматура исталган кесимда пайванд қилиниши ёки механик равишда уланиши мумкин. Бунда ҳар бир кесимда уланадиган стерженлар сони уларнинг ярмидан ошмаслиги лозим. Элемент узунлиги бўйича уламалар орасидаги масофа 40 d дан кам бўлмаслиги керак (d уланаётган стерженлар диаметри).

3.8.19. Йиғма –қуйма конструкцияларда йиғма элементлардаги арматура учларини монолитбетонга анкерлашда, ҳисоб йўли аниқланган – анкерлаш узунлиги, 25% га узайтирилиши лозим.

Сейсмиклик 9 дан ортиқ ва 9* балл бўлган майдонларда анкерланган стерженларни қопловчи қуйма бетон, анкерлаш зонасида қўшимча пайванд тури ёки қадами 70 мм бўлган хомутлар билан кучайтирилиши зарур.

3.8.20. Девор элементлари ва диафрагмалар қирғоқлари бўйлаб кесим юзаси девор ёки диафрагма кўндаланг кесимининг 0.05% дан кам бўлмаган бўйлама вертикал стерженлар кўзда тутилмоғи лозим. Девор ва диафрагмаларнинг иккала ён қиррасида умумий юзаси девор ёки диафрагманинг тегишли кесимининг 0.1% дан кам бўлмаган горизонтал ва вертикал арматура ўрнатилиши керак.

Девор ва диафрагманинг ён сирти бўйлаб ёпилган арматура махсус кўндаланг стерженлар ёрдамида қабаришдан ҳимоя қилиниши зарур. Кесишув ерларида девор қалинлиги кескин ўзгарадиган жойларда ва проёмлар

қирғоқларида конструктив арматура назарда тутилмоғи лозим.

Девор элементларини бир-бирига улаш ҳисоб бўйича амалга оширилади. Бунда бетонга маҳкамланган пўлат боғлагичнинг кесими чокнинг ҳар метрига 1см^2 дан кам бўлмаслиги керак.

3.9. ЮК КЎТАРМАЙДИГАН КОНСТРУКЦИЯЛАР ВА БИНОЛАРНИНГ МЕЪМОРИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРИ.

3.9.1. Юк кўтармайдиган (ўзини кўтарадиган) элементларга бинонинг бикрлигига таъсир этмайдиган ҳамда умумий сейсмик юкларни қабул қилишда қатнашмайдиган қуйидаги элементлар киради: ташқи юк кўтармайдиган деворлар, юк кўтармайдиган деворларнинг маҳкамлагичлари, тўсиқлар, тош элементлари, пардоз қопламалар, соябонлар, балконнинг консол плиталари, парапетлар, пана қилувчи элементлар, пештоқлар, қувурлар, антенналар, сейсмик-юкларни қабул қилишда иштирок этмайдиган каркас тўлдирувчилари, шийпонлар, пешайвонлар, зинапоялар, ёнғиндан муҳофаза қилувчи конструкциялар, осма шиплар, киритма шкафлар, токчалар, технологик ва муҳандислик ускуналарининг маҳкамлагичлари ва б.элементлар юк кўтарадиган конструкцияларга маҳкамланиши зарур.

Тахлаб қўйиладиган элемент ва материалларни ҳам юк кўтармайдиган элементлар тоифасига қўшса бўлади.

3.9.2. Юк кўтармайдиган конструкциялар, элементлар ва уларни маҳкамлагичлари (крепления) 2 бўлим талабларига мувофиқ равишда биринчи чегаравий ҳолатлар (ЧХ-1) бўйича ўша жойга қўйилган сейсмик юклар таъсирига ҳисобланиши зарур.

Конструкцияларни маълум бир жойда(местный) қўйилувчи сейсмик юклар таъсирига мустаҳкамлик ва устуворлик бўйича ҳисоблаш ишлари, бузилганда инсонлар ҳаётига ва қимматбаҳо ускуналарга ҳавф соладиган элементлар учун бажарилади.

3.9.3. Юк кўтармайдиган конструкцияларнинг маҳкамлагичлари, бирикмалари ва боғлагичлари эластиклик ва қайишқоқлик хоссаларига эга бўлиб, юк кўтарувчи конструкциялар бикрлигининг ошувига, бузилишнинг катталашувига йўл қўйилмаслиги зарур.

3.9.4. Тўсиқларни енгил материаллардан ишлаш керак. Йирик панелли ва каркасли тўсиқлар бошқаларидан афзал саналиб, девор ва устунларга маҳкамланади, агар узунлиги 3 м дан ортиқ бўлса-шипга ҳам бириктирилади. Тўсиқлар кичик ўлчами материал ва буюмлардан, ғишт, сопол тошлар, табиий ва сунъий блоклар ҳамда гипс плиталардан ишланиши мумкин. Тўсиққа ишлатиладиган майда буюмлар материалининг мустаҳкамлиги 35 кгк/см^2 дан кам бўлмаслиги керак.

Елим ёки қоришманинг меъёрий ёпишув мустаҳкамлиги 1,2 кгк/см^2 дан кам бўлмаслиги, эгилишдаги мустаҳкамлиги эса асосий материалники каби бўлиши зарур. Кичик ўлчамли материал ва баландлиги 16 қаватгача, 8 ва 9 балли зоналарда $W\eta<2$ бўлганда баландлиги 5 қаватгача бўлган биноларда қўлланилиши мумкин. Сейсмиклиги 9 дан катта ва 9* балл бўлган кичик

ўлчамли буюм ва материаллардан ташкил топган тўсиқлар қўллаш рухсат этилмайди.

3.9.5. Сейсмик юклар таъсирида тўсиқлар ва юк кўтарувчи элементларни мустақил равишда деформацияланишига эришмоқ учун;

а) тўсиқнинг вертикал қиррасй билан юк кўтарувчи элементлар орасида, сейсмик кучлар таъсирида қаватнинг максимал оғишига тенг, бироқ 30 мм дан кам бўлмаган тирқиш қолдирилиши лозим;

б) устки горизонтал қирра ва ёпма орасида унинг солқилигини ҳисобга олиб камида 20 мм га тенг бўлган тирқиш қолдирилади;

в) тирқишлар эластик қайишқоқ материаллар билан тўлдирилади.

3.9.6. Кичик ўлчамли материаллардан тикланган тўсиқларни мустаҳкамликка ҳисоблашда уларни яхлит фараз этилади. Зарур бўлса тўсикларни кучайтириш учун вертикал ва горизонтал элементлар киритилади ва улар бинонинг юк кўтарувчи конструкцияларига боғланади.

3.9.7. Ғишт тўсиқлар ва каркас тўлдирувчилари орасига қўйиладиган арматура бутун узунлик бўйича баландликка кўра ҳар 700 мм да ётқизилади. Чокдаги арматура стерженларнинг умумий юзаси 7 балли зонада камида 0,2см^2, 8 ва 9 баллда камида 0,3 см^2 бўлиши керак.

3.9.8. Осма конструкцияларда, илгаклар кесими конструктив тарзда белгиланадиган бўлса, улар элемент вазнидан тўрт карра оғир юкни кўтара оладиган бўлиши керак.

3.9.9. Том кичик ўлчамли элементлар (черепица, асбест плиталар ва ҳ.к.) дан ёпиладиган бўлса, уларнинг ҳар қайсисини юк кўтарувчи конструкцияларга боғлаш зарур.

3.9.10. Лифтларнинг йўналувчилари, шахта элементлари ва юк кўтарувчи конструкциялар орасида бинонинг ҳисобий оғишидан икки марта катта, аммо 100 мм дан кам бўлмаган тирқиш (масофа) қолдирилиши лозим.

3.9.11 Тахланадиган элементлар ёки материаллар хусусий оғирлиги ҳисобига устувор ҳолатда жойлашган бўлиши керак (омонат ҳолда турмаслиги лозим):

- ағдарилиш оқибатида бинонинг асосий юк кўтарувчи конструкцияларига зарар етказмаслик;
- йўлларни ва заҳира майдонларнн тўсиб қўймаслик учун, уларни юк кўтарувчи элементларга маҳкамланади.

3.9.12. Одамлар доимий равишда бўладиган хоналарни пардозлашда енгил материаллар қўллаш тавсия этилади. Девор ва бинонииг бошқа қисмларига пардоз қопламалар қопланса, улар албатта анкерланиши лозим.

3.10.ПЎЛАТ КАРКАСЛИ БИНОЛАР.

3.10.1. Бир қаватли каркасли биноларни кўндаланг ва бўйлама йўналишларда пойдеворга мустаҳкам ўрнатилган, том ригелларига шарнирли ёки бикр бириктирилган устунлар кўринишида лойиҳалаштириш тавсия этилади; бунда бўйлама йўналишда, одатда, устунлар орасига боғлагичли ўрнатилади.

3.10.2. Бир қаватли биноларда орасига ўрнатиладиган вертикал боғлагичлар бинонинг ўрта қисмида ҳар бир бўйлама ўқ бўйлаб жойлаштирилиши лозим. Боғлагичлар сони уларнинг юк кўтариш қобилиятига қараб ҳар бир устунлар қатори учун аниқланади. Агар отсек чегарасида иккита боғлагич ўрнатиш лозим бўлса, улар орасидаги масофа устунлар қадами 6 м бўлганда 48 м дан; устунлар қадами 12 м бўлганда-24 м дан ошмаслиги зарур.

3.10.3. Устунлар орасидаги кран усти боғлагичлари, одатда, устунларнинг охирги қадамларига, шунингдек стропил фермаларнинг таянчлари бўйлаб горизонтал боғлагичлар кўзда тутилса, устунларнинг оралиқдаги қадамларига ўрнатилиши лозим.

3.10.4. Бир қаватли биноларнинг устунлари орасига ўрнатиладиган вертикал боғлагичлар, одатда, сиқилиш ёки чўзилишга ишлайдиган бўлиб, устуннинг кран ости қисмида икки текисликда жойлаштирилади.

3.10.5. Бир қаватли каркаснинг фазовий бикрлигини, яхлит том ва унинг алоҳида элементларининг устуворлигини таъминлаш учун томнинг юк кўтарувчи конструкциялари (фермалар) орасида устки ва остки тасмалар текислигида боғлагичлар тизими кўзда тутилмоғи лозим.

3.10.6. Пўлат фермалар устига темирбетон ёпмалар ёпиш сейсмиклиги 7 баллгача бўлган ҳудудлардагина рухсат этилади.

3.10.7. Кўп қаватли каркасли биноларнинг конструктив тизимини танлашда 3.2 бўлимнинг тавсияларига амал қилмоқ зарур. Каркас конструкциялари орасида пластик зоналар маълум горизонтал элементларда ҳосил бўладиган каркаслар бошқаларига қараганда афзалроқ саналади.

3.10.8. Кўп қаватли биноларнинг рама типидаги пўлат устунининг кўндаланг кесими бош инерция ўқларига нисбатан тенг устуворли-қутисимон шаклда рама-боғлагичли каркасларда-қўштавр шаклида лойиҳалаштирилиши лозим. Рамали каркасларнинг устунларда сарровлар (ригеллар) сатҳида кўндаланг бикрлик қовурғалари ўрнатилмоғи лозим.

3.10.9. Кўп қаватли биноларнинг пўлат каркаслари сарровларнинг таянч кесимларини токча(полка) кенглигини ошириш ёки вутлар ускуналаш ҳисобига кенгайтириш мумкин.

Сарровларни устунларга улашда уларнинг таянч кесимларини катталаштирмай, ўта мустаҳкам болтлар қўлласа ҳам бўлади.

4. ЕР ОСТИ ИНШООТЛАРИ ВА МУҲАНДИСЛИК ТАРМОҚЛАРИ.

4.1. УМУМИЙ КЎРСАТМАЛАРИ.

4.1.1. Мазкур бўлимнинг талаблари, оддий шароитдаги қурилишлар учун берилган меъёрий талаблар билан бир қаторда, зилзила кучи 7-9 балл бўлган ҳудудларда суриш учун мўлжалланган қуйидаги ер ости иншоотлари ва муҳандислик тармоқларини лойиҳалаштиришда амал қилиниши лозимдир:

а) сув билан таъминлаш;

б) канализация;

а) биноларни сув билан таъминлаш ва канализация;

г) иссиқлик тармоқлари;

д) газ билан таъминлаш;

е) магистрал қувурлар;

ж) қурилиш конструкциялари (канализацион насос станциялари, чучук сув заҳираси резервуарлари, ишлаб чиқариш бинолари);

з) а-е бандларда берилган тармоқлардаги камера ва қудуқлар.

Сеймиклиги >9 ва 9* бўлган ҳудудларда қуриладиган иншоот ва тармоқлар 4.10 бандга мувофиқ равишда лойиҳалаштирилади.

4.1.2. Кучли зилзилалар чоғида ер ости иншоотлари ва муҳандислик тармоқларининг енгил шикастланишига йўл қўйилади, аммо бу шикастланиш халқ хўжалиги ва саноатнинг бетўхтов ишлаб туришига путур етказмаслиги керак.

4.1.3. Муҳандислик иншоотларининг конструкциялари қувурлар ва уларнинг мураккаб тугунларини эркин кўчишини таъминлаши зарур, бунинг учун иншоот деворлари билан қувурлар орасида бўш жой қолдирилади.

4.1.4. Сейсмик ҳудудлар учун тармоқли ер ости иншоотларини лойиҳалаштиришда қуйидаги омилларни эътиборга олиш зарур:

- тармоқда босимли пўлат ва темирбетон қувурлар ишлатилиб, уларнинг уланиш ерларида қайишқоқ материаллар (резина халқа, турли мастиклар ва ҳ.к.) қўлланилса, тармоқнинг зилзилабардошлиги ортади;
- тўғри участкаларда қудуқлар орасидаги масофа калта бўлса, шунингдек уйларга уланадиган жойларда тармоқнинг зилзилабардошлиги камаяди;
- тармоқнинг план ва профил бўйича йўли (трассаси), технологик зарурат, йўлни ташкил этувчи грунтнинг ҳолати ва хоссасидан келиб чиққан ҳолда мураккаб тугунлар сони камайтирилиб, қувур чуқурлиги оптимал танланса, тармоқнинг зилзилабардошлиги сезиларли даражада ортади;
- заиф ва чўкувчан грунтлардан ўтган тармоқнинг зилзилабардошлиги сезиларли даражада ортади;
- заиф ва чўкувчан грунтлардан ўтган тармоқнинг зилзилабардошлиги паст бўлади.

Ушбу омилларнинг технологик ва техника-иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги кўриб чиқилиб, лойиҳада ҳисобга олиниши керак.

4.1.5. Ер ости иншоотлари ва муҳандислик тармоқларининг зилзилабардошлиги:

а) қулай ва маъқул трасса танлаш;

б) ҳудуднинг ва трассадаги грунтларнинг сейсмологик маълумотларини аниқлаш;

в) оддий шароит учун мустаҳкамликка ҳисоблаш ва қўшимча равишда сейсмик таъсирларни ҳам эътиборга олиш йўли билан қувурларнинг мустаҳкамлик синфини танлаш каби тадбирлар орқали таъминланади.

4.1.6. Қаттиқ ва бир жинсли ташкил топган трассалар яхши ҳисобланади.

Трасса танлашда, имкони борича, заиф ва турли жинсли, шунингдек кескин геологик ва топографик ўзгарувчан грунтлардан нари бўлган яхши.

4.1.7. Агар трассани нобоп грунтлардан олиб ўтишга мажбур бўлинса, у ҳолда антисейсмик чоралар қўлланилади (сунъий замин-пойдевор тўшалади, замин шиббаланади ёки мустаҳкам грунт тўкилади, уланиш ерлари эгилувчан қилинади).

4.1.8. Трассанинг сейсмологик маълумотлари деганда, балларда ифодаланадиган зилзила кучи тушунилади.

Тўлқинларнинг тарқалиш тезлиги Ср ва грунтларнинг тебраниш даврлари Т трассадаги грунтларнинг сейсмологик маълумотлари ҳисобланади. Ср ва Т эксплуатация жараёнида грунт ўзгаришини ҳисобга олган мухандислик-геологик натижалари асосида аниқланади. Бундай маълумотлар бўлмаса, грунт тебранишларининг даври 4.1 жадвалдан аниқланади.

4.1. жадвал

Ср, м/с	5600-2100	2100-900	900-600	600-200	<200
Т, с	0,3	0,4	0,5	0,6	0,7

4.1.9. Ер ости иншоотлари ва муҳандислик тармоқлари қурилишининг сифати қурилиш ва фойдаланиш жараёнларида текшириб борилиши лозим.

4.1.10. Муҳим аҳамиятга эга бўлган иншоотларда мухандислик-сейсмометрик ҳизмати кўзда тутилиши лозим. Бундай иншоотларнинг рўйхати ЎзР Давархитектқурилишқўм томонидан тузилади.

4.2. СУВ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ.

4.2.1. Сейсмиклиги 8 ва 9 балл бўлган ҳудудларда I а II тоифадаги сув билан таъминлаш тизимларини лойиҳалаштиришда камида иккита сув манбаидан фойдаланиш кўзда тутилмоғи лозим. Сув беришни бир вақтнинг ўзида тўхтаб қолишини олдини олиш учун, ер сиртида жойлашган манбадан қўш қувурлар орқали сув олишга рухсат этилади.

III тоифадаги сув таъминоти тизимлари, агар асосланса - II тоифа тизимлари, шунингдек сейсмиклиги 7 балл бўлган ҳудудларда барча

тоифадаги сув таъминоти тизимлари битта манбадан фойдаланишлари мумкин.

Сейсмиклиги 7, 8 ва 9 балл бўлган ҳудудларда сув таъминоти манбаи сифатида серёриқ ва карс жинсларидан ташкил топган ер ости сувларидан фойдаланилса, сув таъминотининг барча жинслардан ташкил топган ер ости сувларидан фойдаланилса, сув таъминотининг барча тоифалари учун иккинчи манба - ер сирти ёки қум-шағалли жинслардан ташкил топган ер ости сувлари кўзда тутилиши лозим.

4.2.2. Сейсмиклиги 8 ва 9 балл бўлган ҳудудларда битта сув манбаидан фойдаланилса (шу жумладан ер сиртидан бир томонлама), сув сақланадиган идишларда ўт ўчириш учун оддий шароитдаги нисбатан икки баробар кўп; авария ҳамда хўжалик-ичиш эҳтиёжлари учун ҳисобий сув 8 балли зоналарда камида 8 соатга, 9 балли зоналарда эса камида 12 соатга етарли бўлиши керак.

4.2.3. Бир вақтнинг ўзида содир бўладиган ёнғинларнинг ҳисобий сони 9 балли зоналарда, шунингдек сеймиклиги 8 балл, грунт тоифаси (1.1жадвалга мувофиқ) III бўлса, оддий шароитдагига нисбатан битта кўпроқ олинади (ташқи ёнғинни ўчиришда сув сарфи кўпи билан 15 л/с бўлган аҳоли пунктлари, корхоналар ва алоҳида қад кўтарган бинолар бу ҳисобга кирмайди).

4.2.4. Сув таъминоти тизими ишининг ишончлилигини ошириш учун босим резервуарларини бир-биридан узоқроқ жойлаштириш имкониятини кўриб чиқиш; сув босими миноралари босим резерзуарлари билан алмаштириш; санитария-эпидемиологик ҳизматларининг розилиги билан хўжалик-ичиш ишлаб чиқариш тармоқларининг ва ўт ўчириш сув қувурлари (водопроводи) орасига улама (перемычка) ускуналаш, шунингдек хўжалик-ичимлик тармоғига ишлов берилмаган зарарсизлантирилган сув беришни ташкил этиш лозим.

4.2.5. Ёнғинга қарши ва хўжалик-ичимлик сувлари билан таъминлайдиган насос станцияларини ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари тўсиб қўймаслиги лозим.

Насос станциялари сув таъминоти бинолари ва иншоотлари билан ўралган бўлса сув сақланадиган иншоотларнинг тиғизли (герметиклиги) бузилганда машина заллари за электр ускуналари хонасига сув тошиш ҳавзаси бартараф этадиган чора-тадбирлар кўрилмоғи лозим.

4.2.6. Чуқур ўрнатилган насос станциялари резерзуар ва қувурлардан 10 Дн (Дн қувурнинг ташқи диаметри, м), лекин 10 м дан кам бўлмаган масофада жойлашиши зарур. Бу масофа насос станцияларини боғловчи қувурларга тааллуқли эмас.

4.2.7. Сув тайёрлаш станцияларида ҳовуз иншоотларини алоҳида блокларга тақсимлаш лозим, блоклар сони иккитадан кам бўлмаслиги керак.

4.2.3. Сув тайёрлаш станцияларида тармоққа сув берадиган иншоотни четлаб ўтувчи, айланма қувурлар ўтказиш кўзда тутилиши лозим. Айланма қувурлар бошқа иншоот ва коммуникациялардан камида 5 Дн ёки 5м дан кам бўлмаган масофада ётиши керак. Бунда ичимлик суви

тармоғига бериладиган сувга хлор қўшадиган олдин мослама ўрнатилиши зарур.

4.2.9. Битта тугунда бир хил вазифани бажарувчи камида иккита резервуар бўлиши шарт. Бунда сув берувчи ва олувчи қувурлар ҳар бир резервуарга алоҳида уланади, ёндош резервуарлар орасига умумий камера ишланмайди.

4.2.10. Қувурларни девор ва пойдеворга мустаҳкам бириктириб бўлмайди. Туйнук билан қувур орасида периметр бўйлаб камида 10 см бўшлиқ бўлиши керак; грунт чўкувчан бўлса, бўшлиқ баландлик бўйича 20 см дан кам бўлмаслиги лозим; бўшлиқ зич эластик материал билан тўлдирилиши зарур.

Қувурларни насос станциялари ва иншоотлари деворларининг ер ости қисмидан ўтиш жойларини шундай ишлаш керакки, зилзила чоғида девор ва қувур бири-бирига уринмасин. Бунинг учун сальниклардан фойдаланиш тавсия этилади.

4.2.11. Қувурларни бино ёки иншоотларга кириш ёки чиқиш жойларида, қувурларки насос ёки сув тортиш қудуқларига уланадиган ерлари яқинида, сув босими миноралариниг вертикал қувурларини (стояк) горизонтал қувурлар билан уланиш жойлари яқинида, шунингдек трассадаги қувурлар ўз йўналишини кескин ўзгартирган жойларн яқинда қувур учларини бўйлама йўналишда силжишига имкон берадиган, эгилувчан бирикмалар қўллаш мақсадга мувофиқ саналади. Яқинида деганда бевосита уланадиган жойдан 5-10 Дн узоқликдаги масофа тушунилади.

Мазкур чегаравий масофа лойиҳаланаётган қувур диаметрига мос равишда тескари танлаш йўли билан аниқланади. Аҳоли компенсаторлар, қувурларнинг резина халқачалар билан зичланган улама чоклари, тола ҳамда асфальт-битум мастикаси билан қопланган уламалар эгилувчан бирикмаларга киради.

Сейсмиклиги 7-8 балл бўлган қурилиш майдончаларида қувурларни насосларга эгилувчан улаш ишлари насос станцияси биносидан 5-10Дн масофа нарида бажарилиши мумкин.

4.2.12. Сейсмик ҳудудларда сув ўтказиш тармоқларини лойиҳалашда, оддий шароитдаги сингари, қувурларнинг барча хилларидан фойдаланиш мумкин. Қувурларни ётқизиш чуқурлиги ҳам оддий шароитдаги каби олинади.

4.2.13. Қувурларнинг мустаҳкамлик синфини танлашда уларнинг қуйидаги тавсифларига қаралади:

а) сув ўтказгичлар (водовод) ва магистрал тармоқ;

б) тақсимлаш тармоқлари;

в) мавзе ичи тармоғи.

4.2.13.1. Мавзе ичи тармоғи қувурларининг мустаҳкамлик синфини танлашда юкларнинг фақат асосий жамламаси (сочетание) ҳисобга олинади.

4.2.13.2. Тақсимланиш тармқллари қувурларининг мустаҳкамлик синфини танлашда сейсмиклиги 8-9 балл бўлган ҳудудларда юкларнинг алоҳида жамламаси ҳисобга олиниши зарур.

4.2.13.3. Сув ўтказгичлар ва магистрал қувурларининг мустаҳкамлик

синфини сейсмиклиги 7-9 балл бўлган ҳудудларда юкларнинг алоҳида жамламаси ҳисобга олиниши зарур.

4.2.13.4. Сув ўтказгич ва тармоқларнинг ҳисоби тўғри чизиқли ва мураккаб тугун олди участкалари (турли назорат қудуқлари, шохобчаларга тақсимланиш мойлари, насослар, идишлар артезиан қувурлари, сув босимли минорага уланиш ерлари)нинг ҳисобидан ташкил топади. Ҳисоб қуйидаги тартибда бажарилади:

а) материал ва қувурнинг мустаҳкамлик синфи танланади;

б) сейсмик куч ҳисобга олинганда қувур ўқига тик йўналишда таъсир этувчи келтирилган ҳисобий ташқи юк аниқланади ва қувурнинг мустаҳкамлик синфи ойдинлаштирилади;

в) қувурнинг бўйлама ўқи бўйлаб йўналган сейсмик юк аниқланади, қувурнинг бўйлама йўналишидаги мустаҳкамлиги текширилади;

г) мураккаб тугун яқинида жойлашган қувур ҳисобланади;

д) қувурлар уланган чоклар ҳисобланади.

4.2.13.5. Сейсмик куч ҳисобга олинганда, қувур ўқига тик йўналган келтирилган ҳисобий ташқи юк қуйидаги формуладан аниқланади;

$$\overline{P_p} = \alpha_c P_p \qquad (4.1)$$

бу ерда $P_р$ – сейсмик куч олинмаганда қувурга таъсир этувчи ҳисобий юк, кН/м;

$\alpha_с$ – сейсмик куч таъсирида юкнинг ортишини ҳисобга олувчи коэффициент,

$$\alpha_c = 1 + \frac{g}{4\pi^2} AT^2 D_n KK_n P_p^{-1} \qquad (4.2)$$

бу ерда g - 9,81 м/с^2

А - қиймати 7,8,9 балл учун 0,1; 0,2; ва 0,4 олинадиган коэффициент;

Т – грунт тебранишлари даври бўлиб, 4.1 жадвалдан аниқланади;

К – қувур ва грунтнинг ўзаро кўндаланг таъсири коэффициенти, грунтнинг ўзаро кўндаланг таъсири коэффициенти, кН/м^3;

$$K = 2(1+\mu)K_x \qquad (4.3)$$

бу ерда μ – грунтнинг Пуассон коэффициенти;

$К_х$ – қувур ва грунтнинг ўзаро бўйлама таъсири коэффициенти:

$$K_x = \left(\alpha + \frac{G_B}{100\ B}\beta\right)100 \qquad (4.4)$$

бу ерда α ва β – грунт шароитига боғлиқ коэффициентлар бўлиб, 4.2 жадвалдан аниқланади;

$G_в$ – қувурнинг ҳар метрига таъсир этувчи вертикал босим бўлиб, кн/м; қувурнинг ўлчамлари, ётқизиш шароити ва чуқурлиги, замин тури, тўқиладиган ёки кўтариладиган грунт хилига қараб аниқланади;

В – қувур зовурининг кенглиги, м. Агар қувур кўтарма грунтга ётқизилса, В=Дн олинади;

4.2. жадвал

Грунт шароитлари	Коэффициентлар	
	α, - 1/м	β, кн/м^3
Майда, ўртача, йирик донали қум ва қумли шағал	313	50
Чангсимон қум, пластик қумлоқ тупроқ, ярим тупроқ, ярим қаттиқ, таранг-юмшоқ ва чўзилувчан пластик қумоқ тупроқ	113	50
Қаттиқ қумлоқ ва қумлоқ тупроқ, бошқа қаттиқ жинслар	304	335

$К_н$ - бино ва иншоотларнинг масъуллик синфи (I, II, III)га боғлиқ бўлган коэффициент бўлиб, 4.3 жадвалдан аниқланади.

4.3. жадвал

Қувурлар	Биноларнинг маъсуллик синфи		
	I	II	III
Пўлат	0,25	0,15	0,12
Чўян	0,30	0,20	0,12
Темирбетон, босимли	0,35	0,25	0,15
Асбестцемент босимли	-	-	0,25
Полиэтилен	-	-	0,20

4.2.13.6. Қувурнинг бўйлама йўналишдаги мустаҳкамлиги қуйидаги шарт бўйича текширилади:

$$R_p \geq \sum \sigma_p \qquad (4.4)$$

бу ерда $R_р$ – қувурнинг чўзилишга бўлган ҳисобий қаршилиги, кН/м^2;

$\sum \sigma_p$ – ҳисобланаётган қувур кесимида ҳосил бўлган бўйлама чўзилиш кучланишлари йиғиндиси;

$$\sum \sigma_p = \sum \sigma + \sum \sigma_c \qquad (4.5)$$

бу ерда $\sum \sigma$ - сейсмик кучлар ҳисобга олинмаганда бўйлама чўзилиш кучланишлари йиғиндиси;

σ_c - сейсмик кучлар таъсирида ҳосил бўладиган бўйлама чўзилиш кучланишлари;

$$\sigma_c = \frac{g}{2\pi} ATB_{пр} K_и C_p^{-1} F^{-1} \eta_g \qquad (4.6)$$

- қувурнинг келтирилган бикрлиги, кН;

$$B_{np} = \frac{EF}{1 + \frac{EF}{K_N I}} \qquad (4.7)$$

бу ерда Е – қувур материалининг эластиклик модули, кН/м^2;

I - қувурнинг бир бўлаги (уламалар ораси) узунлиги, м;

K_N - бўйлама куч таъсирида қувур уламаларининг бикрлик коэффициенти.

Улама-чокларнинг (стык) турли кўриниши ва усуллари учун K_N нинг қийматлари 4.4.-4.7 жадвалларда берилган.

Жадвалдаги қийматлар қувурнинг битта ташқи диаметри учун берилган. Қолган диаметрлар учун K_N нинг қиймати қуйидаги формуладан аниқланади:

$$K_N = \left(\frac{D_n}{D_{n1}}\right)^n \left(\frac{D_{n1} I_{ct}}{D_n I_{1ct}}\right)^m \frac{I_{ct}\delta_{1ct}}{I_{1ct}\delta_{ct}} K_{n1} \qquad (4.8)$$

бу ерда K_N - диаметри изланаётган $Д_п$ қувурнинг улама-чоки бикрлиги коэффициенти;

K_{N1} - ташқи диаметри Дн1 маълум бўлган қувурнинг 4.4-4.7 жадваллардан аниқланадиган улама-чоки бикрлиги коэффициенти;

$I_{ct}, \delta_{ct}, I_{1ct}, \delta_{1ct}$ - ташқи диаметри мос равишда Дн ва Дн1 бўлган қувурларнинг уланаётган чоклардаги ишчи тирқишларнинг номинал чуқурлиги ва кенглиги, м. Ер ости иншоотларининг пўлат қувурлари пайвандлаш йўли билан уланса, $K_N = \infty$ бўлади:

C_p - бўйлама сейсмик тўлқинларнинг грунтдаги тарқалиш тезлиги бўлиб, тажриба йўли билан аниқланади, м/с;

F - қувурнинг кўндаланг кесими юзаси, м^2;

$п_g$ - динамик коэффициент бўлиб, қийматлари τ_0 ва λ га боғлиқ ҳолда графикдан аниқланади (4.1-расм):

$$\tau_0 = \frac{C_p T}{2I}, \qquad \lambda = \sqrt{\frac{\pi D_n K_x}{B_{np}\left(1 - M^2\right)}} \qquad (4.9)$$

(4.9) формуласида $M = \frac{C_p}{\alpha_t}$,

бу ерда α_t - қувурда тўлқин тарқалишнинг келтирилган тезлиги

$$\alpha_t = \sqrt{\frac{B_{np} g}{\gamma \cdot F}}$$

(γ - қувур материалининг солиштирма оғирлиги, кН/м^2)

Агар М=1 бўлса, ҳисобларда $п_g$ =1 олинади.

а)

б)



4.1-расм.

4.4 жадвал

Чўян қувурларнинг улама чок (стык)лари.

Параметр	Эшилган арқон ва		Резина ҳалқали чоклар
	Асбест-цемент билан беркитиш	Асфальт-битум мастика билан беркитиш	
K_N (кН/м)			
D_{n1} = 0,118 м учун	$17,70\text{-}10^4$	$4,75\text{-}10^4$	$5,00\text{-}10^4$
n	1,5	1,2	1
m	0,5	0,1	0
$[\varepsilon_{ct}]$, %	0,7	2,2	3

4.5 жадвал

Бетон ва темирбетон қувурларнинг улама - чоклари

Параметрлар	Оғзи кенг қувурлар		Тирқишли қувурлар	
	Эшилган арқон ва			
	Асбест-цемент билан беркитиш	Асфальт-битум мастика билан беркитиш	Асбест-цемент билан беркитиш	Асфальт-битум мастика билан беркитиш
K_{N1} (кН/м)				
D_{n1} = 0,4 м учун	$70,00\cdot10^4$	$9,80\cdot10^4$	75,00·104	$11,00\cdot10^4$
n	1	1	1	1
m	0	0	0	0
$[\varepsilon_{ct}]$, %	0,5	2,0	0,6	2,5

4.6 жадвал

Асбест-цемент қувурларнинг улама-чоклари

Параметр	Асбест-цемент муфта			Чўян муфта ва резина халқачалар
	Эшилган арқон ва		резина халқачалар	
	Асбест-цемент билан беркитиш	Асфальт-битум мастика билан беркитиш		
K_{N1} (кН/м)				
D_{n1} = 0,119 м учун	$44,0\cdot10^4$	$0.82\cdot10^4$	$0,44\cdot10^4$	$0,42\cdot10^4$
n	1,0	1,0	1,0	1,0
m	0	0	0	0
$[\varepsilon_{ct}]$, %	0,5	2,3	3	3,2

4.7 жадвал

Сопол қувурларнинг улама-чоклари

Параметрлар	Эшилган арқон ва	
	Асбест-цемент билан беркитиш	Асфальт-битум мастика билан беркитиш
K_{N1} (кН/м)		
D_{n1} = 0,119 м учун	$1,20\cdot10^4$	$0,25\cdot10^4$
n	1,0	1,0
m	0	0
$[\varepsilon_{ct}]$, %	0,5	0,5

4.2.13.7. Узунлиги I_1, мураккаб тугунларга туташадиган қувурлар учун N_g нинг қиймати графикдан олинади (4.1 -расм, б). Пўлат, чўян, асбест-цемент қувурлар учун I_1 узунлик бир секция узунлигига тенг бўлиши, бироқ 3м дан кам бўлмаслиги керак. Сопол қувурлар учун I_1 узунлик учта секция узунлигига тенг бўлиши лозим. Бетон ва темирбетон қувурлар учун I_1=6Дн, бироқ 3 м дан кам ва 10 м дан ортиқ бўлмаслиги зарур.

4.2.13.8. Уланган чўян, бетон, темирбетон, асбест-цемент ва сопол қувурлар бўйлама ўқ бўйлаб йўналган сейсмик тўлқинлар таъсирига, қуйидаги шарт бўйича ҳисобланиши лозим:

$$[U_{ct}] \geq U_{ct} \qquad (4.10)$$

бу ерда $[U_{ct}]$ - улама-чокнинг рухсат этилган мутлоқ деформацияси бўлиб, қуйидаги формуладан аниқланади:

$$[U_{ct}] = [\varepsilon_{ct}]\, I_{ct} \qquad (4.11)$$

бу ерда $[\varepsilon_{ct}]$ - улама-чокнинг рухсат этилган нисбий деформацияси бўлиб, 4.4 - 4.7 жадвалдан аниқланади.

U_{ct} - улама-чокнинг мутлоқ деформацияси бўлиб, қуйидаги формулздан аниқланади:

$$U_{ct} = \frac{g}{2\pi} AT^{2} K_{n} \eta_{g} I \left(2I + C_{p} T\right)^{-1} \qquad (4.12)$$

Агар ҳисоб натижасида $U_{CT} > [U_{ст}]$ чиқса, у ҳолда L масофада бикрлик коэффициенти С бўлган қўшимча қайишқоқ чок ишлаш зарурати туғилади. Бу ерда:

$$C \leq \frac{2\delta_{c} FI}{\left(2I + C_{p} T\right) U_{ct}}$$

$$L = \frac{C_{p} T}{4}$$

Агар $L > L_k$ бўлса (L_k - мураккаб тугунлар орасидаги масофа), қўшимча қайишқоқ қувурларнинг мураккаб тугунларга уланган ерларига қўйилади. Улама-чокнинг бикрлик коэффициенти қуйидаги шартдан аниқланади:

$$C \leq \frac{\delta_{c} FI}{L_{k} U_{ct}}$$

Агар $L_k > L$ бўлса, қўшимча қайишқоқ улама-чоклар L га тенг

бўлган масофаларда ишланади.

4.2.14. Ҳар бир манбадан сув олувчи қувурлар сони иккитадан кам бўлмаслиги керак. Бошқа йўлга ўтказиш миқдори сув ўтказгичда иккита авария содир бўлиши шартига асосан белгиланади. Бунда хўжалик-ичимлик сувларини бериш ҳисобий сарфга нисбатан 30% га қисқартириш мумкин, ишлаб чиқариш эҳтиёжларига авария графиги бўйича берилади.

III тоифадаги сув таъминоти тизимларида, агар асосланса, II тоифада ҳам сув ўтказгичларни бир чизиқли қилиш мумкин. Бунда сув сақловчи идишлар ҳажмини 4.2.2 банднинг талабларига мувофиқ қабул қилинади.

Сув таъминоти тармоғи кўринишида лойиҳалаштирилиши лозим.

4.2.15. Муҳим иншоотларнинг сейсмик таъсирларга ҳисоби 2.4 а бандга мувофиқ бажарилади.

4.3. КАНАЛИЗАЦИЯ.

4.3.1. Мазкур қисмнинг талабларига, “Сув билан таъминлаш” қисмида белгиланган талабларга қўшимча равишда, сейсмиклиги 7-9 балл бўлган ҳудудларда канализация тизимларини лойиҳалашда амал қилиниши зарур.

4.3.2. Зилзилавий ҳудудларда жойлашган саноат корхоналари ва аҳоли яшайдиган пунктлар канализациясини лойиҳалашда, канализация қувурлари ёки иншоотлари шикастланганда атрофни сув босиши, ер ости сувлари ва очиқ сув ҳавзаларини ифлосланишдан асраш чоралари назарда тутилмоғи лозим.

4.3.3. Канализация тархини танлашда, агар ишлар мураккаблашиб ва қимматлашиб кетмаса, иншоотларни бир-биридан узоқ жойлаштириш назарда тутилгани маъқул. Тозалаш иншоотларининг технологик элементларини ҳам алоҳида секцияларга бўлиш мақсадга мувофиқдир.

4.3.4 Маҳаллий шароит қулай бўлса, оқар сувларни табиий шароитда тозалаш лозим.

4.3.5. Чуқур ўрнатилган бинолар бошқа иншоотлардан камида 10 м ва қувурлардан 10Дн масофада жойлаштирилиши керак.

4.3.6. Насос станцияларида қувурларнинг насосларга уланадиган жойлари яқинида, қувур учларини бўйлама йўналишда ўзаро силжишига имкон берадиган, эгилувчан уламалар назарда тутилиши лозим (4.2.11.га қ).

4.3.7. Авария содир бўлганда канализация объекти майдонини оқар сув тошқинидан асраш, шунингдек ер ости сувлари ва очиқ сув ҳавзалари (оқар сувлар) нинг ифлосланишини олдини олиш учун, (босим остида) бир тармоқдан иккинчи тармоққа ўтказадиган мосламалар ёки махсус резервуарлар ускуналаниши лозим.

4.3.8. Босимли ва босимсиз канализация коллекторлари ва тармоғига вазифаси, мустаҳкамлиги, улама-чокларнинг компенсацион хоссаси, шунингдек техник-иқтисодий ҳисоб натижаларини эътиборга олиб қувурларнинг исталган туридан фойдоланиш мумкин.

4.3.9. Канализация тармоқларининг мустаҳкамлиги “Сув билан таъминлаш” қисмнинг 4.2.13 бандида келтирилганидек, сейсмик таъсирларни

эътиборга олиб, статик ҳисоб асосида қувурнинг материали ва мустаҳкамлик синфини танлаш йўли билан таъминланади. Бунда Кн коэффициэнтининг қийматлари 4.8 жадвалдан аниқланади.

4.8 жадвал

Қувурлар	Кн қийматлари
Пўлат	0,12
Чўян	0,12
Темирбетон босимли ва босимсиз	0,15
асбест-цемент босимли ва босимсиз	0,25
Полиэтилен	0,20

4.3.10. Улама-чок (стык)ларнинг компенсация хоссаси, ҳисоблаш йўли билан аниқланадиган, эгилувчан уламалар қўллаш орқали таъминланади.

4.3.11. Босимли қувурларни лойиҳалаштириш “Сув билан таъминлаш” қисмига мувофиқ амалга оширилади.

4.3.12. Сувга тўйинган грунтларда (тошлоқ яримтошлоқ ва йирик синиқ тошли ерлар бундан мустасно), намлигидан қатъий назар тўкма грунтларда, шунингдек тектоник бузилиш излари мавжуд бўлган ерларда коллекторлар ўтказиш тавсия этилмайди.

Агар санаб ўтилган шароитларда коллекторлар ўтказиш жуда зарур бўлса, техник-иқтисодий жиҳатдан асосланган ҳолда Давлат назорати органларининг розилиги билан қуриш мумкин. Бунда лойиҳада қувурларнинг ишончлигини таъминловчи қўшимча чоралар кўзда тутилмоғи лозим.

4.4. БИНОЛАРДА ИЧКИ ВОДОПРОВОД ВА КАНАЛИЗАЦИЯ. ВОДОПРОВОД.

4.4.1. Сейсмиклиги 7-9 балл бўлган ҳудудларда сув таъминоти тармоқлари ва иншоотларини лойиҳалаштиришда зилзила чоғида чиққан ёнғинни ўчириш ҳамда ичиш, шунингдек ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун сув беришни таъминлайдиган махсус тадбирлар (мумкин бўлган жойларда авария насослари, электр ускуналари ўрнатиш ва ҳ.к.) назарда тутилиши лозим.

4.4.2. Сейсмиклиги 6-9 балли зоналарда қуриладиган, сувнинг тўхтаб қолиши аварияга олиб келиши ёки катта моддий зарар етказиш мумкин бўлган бинолар ва саноат корхоналарининг сув таъминоти тизимини лойиҳалашда, иккита мустақил манбадан фойдаланувчи иккита киритиш тармоғини кўзда тутмоқ лозим.

4.4.3. Қувурларни бино ва иншоотларнинг девор ва пойдеворларига мустаҳкам бириктириш мумкин эмас. Девор ва пойдеворларда қувурлар учун қолдирилган туйнукларнинг ўлчами, қувур атрофида 0,2 м бўшлиқ қолишини таъминлаши зарур. Бўшлиқ (тирқиш) ёнмайдиган эластик материал билан тўлдирилиши лозим. Қувурлар сув сақлаш иншоотларининг деворидан сальник-лар орқали ўтказилади.

4.4.4. Пойдевор остидан ўтказиладиган қувурлар пўлат ёки темирбетон ниқоблар (футляр) орқали ўтади. Бунда пойдевор ости билан ниқоб усти орасида-ги масофа 20 см дан кам бўлмаслиги керак.

4.4.5. Сейсмиклиги 7-8 балл бўлган зоналарда, бино ичкарисида, деформация чоклари билан қувурларнинг кесишган ерларида уларга компенсатор ўрнатиш назарда тутилиши лозим.

9 баллик зоналарда ички водопровод қувурлари бинонинг деформация чокларини кесиб ўтишига рухсат этилмайди.

4.4.6. Киритмаларда (ввод) ўлчов асбобларидан олдин, шунингдек қувурларни насос ва бакларга уланадиган ерларида қувур учларнинг эркин ҳаракат қилишга имкон берадиган, эгилувчан уламалар ўрнатиш кўзда тутилиш керак.

4.4.7. Водопровод киритмалари (ввод), ички водопровод тармоқлари, насос ускуналари сувни тозалаш ва тайёрлаш ускуналари, қувурлари, сув босими бакларининг вертикал қувурлари (стояклари) учун пўлат ёки оғир полиэтилен қувурлар ишлатилиши лозим.

Бундай мақсадлар учун чўяп, асбест-цемент, шиша, шунингдек енгил ва ўртача вазндаги полиэтилен қувурлари ишлатиш мумкин эмас

4.4.8. Пулат қувурларни улашда пайванд чокларнинг мустаҳкамлиги бир хил булишига эришмоқ зарур. Қўлда газ билан пайванд килишга рухсат этилмайди. Бинога кираверишда ва тақсимлаш тармоқлсрида диаметри Ду>25мм бўлган қувурлар уламасини кучайтириш учун чокларга муфталар пайвандланади.

4.4.9. Ўт учириш гидратлари, шунингдек зулфин (задвижка) ўрнатилган қудуқларнн бино ёки иншоотнинг вайроналари остида қолиб кетмайдиган қилиб жойлаштиришга ҳаракат қилиш керак.

КАНАЛИЗАЦИЯ

4.4.10 Қувурларни бино ва иишоотларнинг девор ва пойдеворларига мустаҳкам бириктириш мумкин эмас. Девор ва пойдеворларда қувурлар учун қолдириладиган туйнукларнинг ўлчами, қувур атрофида камида 0,2м бўшлиқ қолишини таъмирлаши зарур. Бўшлиқ сув за газ ўтказмайдиган эластик материал билан тўлдирлиши лозим.

4.4.11. Канализация қувурлари биноларнинг деформация чокларини кесиб ўтмаслиги керак.

4.4.12. Сейсмиклиги-8,9 балл бўлган ҳудудларда оғзи кенг қувурлар ёки муфталар ёрдамида уланадиган қувурларниинг уланиш чоклари тасодифий чўкишларни коплайдиган бўлиши керак, бунинг учун зичловчи резина ҳалқалардан фойдаланилади.

4.4.13 Қувурларнинг вертикал йўналишдан горизонтал йўналишга ўтиш жойларига бетон таянчлар ускуналанади.

4.5. ИССИКЛИК ТАРМОҲЛАРИ

4.5.1. Сейсмиклиги 8,9балл бўлган зоналврда, ишлов берилаётган ҳудудларда, чўкувчанлик бўйича II тур, шўрхок ва бўртувчан грунтлардан ташкил топган туманларда иссиқлик тармоқлари ва иншооатларини лойиҳалашда мазкур моъёр ва қоидалар талаблари билан бир қаторда, биринчи қисимнинг талабларига ҳам амал қилиш зарур.

Чўкувчанлик бўйича II турдаги грунтларда сиғимли (ёмкосные) иншоотларни лойиҳалашда "Суз билан таъминлаш" қисмининг талабларига) ҳам амал қилиш эарур.

Эслатма. *Чўкувчанлик бўйича I турдаги грунтларда иссиқлик пармоқлари мазкур қисм талабларига рноя қилмаган ҳолда лойиҳаланади.*

4.5.2. Беркитувчи, созловчи ва сақловчи арматуранинг материали, қувур диаметри ва иссиқташувчиининг параметрларидан қатъий назар, пўлат бўлиши лозим.

4.5.3 Секция ташкил қилувчи зулфин (задвижка)лар орасидаги масофа 1000м дан ошмаслиги зарур. Агар асосланса транзит қуаурларда масофани 3000м га қадар узайтириш мумкин.

4.5.4. Иссиқлик тармоқларида нометалл қувурлар ишлатиш мумкин эмас.

4.5.5. Иссиклик тармоқлари билан газ қувурларини, газнинг босимидан қатъий назар, бир канал ёки тоннелдан ўтказиш мумкин эмас.

Газ босими 0,005МПа дан кам бўлган ҳолларда фақат мавзе ичидаги туннель ва умумий траншеяларда табий газ қувурлари билан бирга ўтказса бўлади.

4.5.6. Иссиқлик тармоқлари бино ва иншоотларининг ҳисобий сейсмиклиги қурилиш майдонининг сейсмиклиги билан бир ҳил оилнади.

4.5.7. Қувурлар диаметри Ду $\leq$ 400мм бўлса, иссиқлик тармоқларини каналсиз ўтказса ҳам бўлаверади.

4.5.8. Транзит иссиқлик тармоқларини турар жой, жамоат ва саноат бинолари остидан, шунингдек бино деворлари, фермалар, устунлар ва б. бўйлаб ўтказишга рухсат зтилмайди.

4.5.9. Иссиқлик тармоқлари қувурлари бино пейдевори ва деворларидан ўтган туйнукларда иссиқлик сақловчи қоплама сирти билан туйнук тепа қисми орасида камида 0,2м бўшлиқ қолдирилиши кэрак бўшлиқни тўлдириш учун сув ва ҳаво ўтчазмайдиган эластик материал қўлланилиши зарур.

4.5.10. Қувурларнинг насосларга сув иситгич ва бакларга уланиш ерлари бўйлама ва айланма йўналишида харакатланиш имкониятига эга бўлиши лозим.

4.5.11. Ер остидан ўтказиладиган иссиқлик тармоқлари қувурнинг диаметри Ду $\geq$ 400мм бўлган тақдирдагина пўлат сальникларда фойдаланишга рухсат этилади.

Сальник компенсаторларнинг ҳисобий компенсациялаш компенсатор конструкциясида кўзда тутулганидан 100мм камроқ олиниши лозим.

4.5.12. Қувурларда сирпанув ва шарикли таянчлардан фойдаланишга рухсат этилмайди.

4.5.13. Кувурлар ер сиртидан ўтса, эстакада ёки баландлиги 1,2м дан ортиқ бўлмаган, алоҳида пастак таянчлардан фойдаланилади.

Қувурларни алоҳида турувчи баланд таянчлардан олиб ўтиш ва шу қуқурлардан таянчлар боғловчиси сифатида фойдаланиш мумкин эмас.

4.6. ГАЗ ТАЪМИНОТИ

4.6.1. Сейсмиклиги 7,3 ва 9 балл бўлган ҳудудларда газ билан таьминлаш тизимларини лойихалашда биринчи қисмнинг талаблари эътиборга олиниши зарур.

4.6.2. Газни муаофиқлаштириш пунктлари (ГМП), газ тўлдириш станциялари (ГТС), газ тўлдириш пунктлари (ГТЛ), баллонлар учун оралиқ омборлари (5ОО), автоматик газ тўлдириш станциялари (АГТС) нинг қуритиш майдончалари ва газ қувурлари трассаларининг сейсмиклиги, сейсмик микроҳудудлаштириш асосида ёки биринчи қисмнинг кўрсатмаларига мувофиқ равишда аниқланади.

4.6.3. Ички газ ускуналари одатдаги қурилиш шароитлари учун жорий этилган кўрсатмаларга муофиқ равишда лойиҳалаштирилади.

4.6.4. Аҳолисининг сони 1млн. кишидан ортиқ, сейсмиклиги 7 ва ундан ортиқ бўлган шаҳарларда, шунингдек аҳоли сони 100 мингдан ортиқ сейсмиклиги 8 ва 9 балл бўлган шаҳарлар учун газ таъминоти лойиҳалаштирилганда шаҳарнинг қарама-қарши томонларига камида иккита газ тақсимлаш станциялари (ГТС) жойлаштириш назарда тутилиши керак. Газни узлуксиз истеъмол қиладиган корхоналгрга шахарнинг икки қувуридан газ бериш кўзда тутилиши лозим.

4.6.5. Кириш босими 0,6 МПа (6 кгк/см^2) бўлган ва бетўхтов технологик жараёнда ишлайдиган корхоналарнинг ГРПлари учун ташқи айланма газ қувурлари (байпаслар) назарда тутилиши лозим.

4.6.6. (4.6.4) бандда кўрсатилгаи аҳоли пунктилари ва объектлар юқори ва ўрта босимли газ қувурлари орқали таъминланса уларни беркитиш мосламалари ёрдамида секцияларга ажратиб, халқа кўринишида лойиҳалаштириш зарур.

4.6.7. Ер ости газ қувурларининг

-уланиш ерларида;

- кувурлар буриладиган бурчакяарда;

- -ер ости каналларига ётқизилган муҳандислик тармоклари билан кесшув ерларига:

-биноларга кираверишда назорат қувурчаларини ўрнатиш кўзда тутилиши лозим.

4.6.8. Газни беркитиш мосламалари оддий шароит учун берилгаг тартибда жойлаштирилади.

4.6.9. Газ қувурларининг бино ва қудуқ деворларидан ўтадиган ерларига қўйилган ниқоб (футляр) билан қувур оралиғи сув ўтказмайдиган эластик материал ёрдамида беркитилиши лозим; эластик материал қувур ҳаракатига қаршилик курсатилмаслиги зарур.

4.6.10. Сейсмиклиги 8 ва 9 балл бўлган ҳудудларда ўтказиладиган ер ости газ қувурлари мустақил компенсацияга эга бўлмаса, табиий ва сунъий тўсиқлар билан кесишув ерларида, газ қувурларининг пойдеворларига ўрнатилган ускуналар суюлтирилган углеводород газ (СУГ резервуарлари, компрессорлар, насослар ва б.) билан туташув ерларига, шунингдек

биноларга кираверишда компенсация қилувчи мосламалар назарда тутилиши лозим.

4.7. МАГИСТРАЛ ҚУВУРЛАР

4.7.1. Қувурларнинг тўғри чизиқли қисми ва улардан ажралиб чиқувчи ер ости шохобчаларини сейсмиклиги 7 балл ва ундан ортиқ ер ости қувурлари учун 8 балл ва ундан ортиқ бўлган худудлар учун лойихалаганда, сейсмик таъсирларни хисобга олиш зарур.

4.7.2. Қувурларнинг зилзилабардошлиги

- трасса ва қурилиш майдончалари учун сейсмик жиҳатидан қулай бўлган ерларни танлаш;
- мақбул конструктив ечимлар ва антисейсмик чоралар кўллаш;
- қувурларни мустаҳкамлик ва устиворликка ҳиссблашда, қўшимча мустаҳкамлик запаси қолдириш каби йўллар билан таъминланади.

4.7.3. Сейсмик ҳудудларда қувурлар трассасини танлашда тоғлардаги тик қияликлар, ноустивор ва чўкувчи грунтлар, тоғдаги конлар ва фаол тектоник синиқлар, шунингдек сейсмиклиги 9 балдан юқори бўлган участкаларни четлаб ўтишга интилиш керак.

Юқорида санаб ўтилган шароитларда қувур ўтказиш жуда зарур бўлса, тегишли тартибда техника-иқтисодий жиҳатдан асослаб, Давлат назоратининг тегишли органлари розилиги олинса, қувур ўтказса бўлади. Бунинг учун лойиҳада қувурларнинг ишончлигини таъминлайдиган, қўшимча тадбирлар кўзда тутилиши лозим.

4.7.4. Сейсмиклиги 7-9 балл бўлган ҳудудларда 4.6.1 бандга мувофиқ ўтказиладиган қувурларнинг пайвандланган чоклари, қувурнинг тоифасидан қатъий назар, радиографик назорат остига олиниши керак.

4.7.5. Қувурлар бино деворларига ва ускуналарга бикр бириктирилмаслиги лозим.

Бикр бирикмалар (уламалар) қилиш зарур бўлса, у ҳолда эгри чизиқли қўйилма (аставка) ёки компенсация қилувчи мослама ўрнатилиши лозим. Мосламанинг улчамлари ва компенсация хоссаси ҳисоб йўли билан белгиланади.

4.7.6. Қувурлар трассанинг сейсмик хоссаларига кўра бир-биридан кескин фарқ қиладиган грунтлардан ташкил топган участкасини кесиб ўтса, қувурларнинг эркин ккчиши ва деформацияланишига имконият яратиш зарур.

Бундай участкаларда қувурлар ер остидан ўтказилса траншея нишабини кия олиб, қувур устини йирик қум билан тўлдириш тавсия этйлади.

4.7.7. Агар қувурлар трассаси фаол тектоник синиқларни кесиб ўтса, у ҳолда қувурларни ер устидан олиб ўтиш зарур.

4.7.8. Қувурлар ер осгидан олиб ўтилса, қувур замини зичлаштирилиши лозим.

4.7.9. Ер устидан ўтказилган қувур таянчларининг конструкциялари ер қимирлаганда қувурларнинг эркин ҳаракатига (кўчишларига) имкон бериши

керак.

4.7.10. Ер устидан ўтган қувурларнинг тебранишларини сўндириш учун хар бир ораликда сўндиргичлар (демпфер) қўйилиши зарур. Сўндиргичлар ҳарорат ва ички босим ўзгарганда қувурнинг кўчишларига каршилик кўрсатмаслиги зарур.

4.7.11. Трассанинг зилзилавий участкаларида автоматик назорат тизимлар ўрнатилиши ҳамда авария ҳолларида кувурларнинг тегишли участкалари беркитилиши лозим.

4.7.12. Диаметри 1000мм дан ортиқ бўлган қувурларга, шунингдек қувурларнинг дарё ёки бошқа тўсиқлардан ўтиш жойларида ер кимирлаганда қувур ва уни қамраб олган грунт массасининг тебранишларини ёзиб оладиган муҳандислик-сейсмометрик станцияларини ускуналаш кўзда тутилнши зарур.

4.7.13. Сейсмик ҳудудлардан ўтказиладиган қувуоларнинг турли участкаларида кутилажак зилзилаларнинг кучи сейсмик ҳудудлаштириш карталари ёки микросеисмо-ҳудудлаштириш маълумотларини эътиборига олган ҳолда республиканинг аҳоли яшайдиган пунктлари рўйхатидан аниқланади.

4.7.14. Сейсмик микроҳудудлаштириш жараёнида қувур трассаси узунлиги буйлаб, қувурдан камида 15км масофада жойлашган йўлак бўйича ҳудуднинг тектоник ҳолати ойдинлаштирилади.

4.7.15. Ер ости ва ер усти қувурлари учун зилзила кучининг ҳисобий қиймати биринчи қисмга асосан белгиланади.

Ер ости магистрал қувурларнинг ҳисобий сейсмиклиги ва грунт сейсмик тебранишларининг параметрлари қувур жойлашган чуқурликни ҳисобга олмай, ер сиртида жойлашган иншоотлардаги сингари белгиланади.

4.7.16. Қувур участкалари учун зилзиланинг ҳисобий қийматини белгилашда, қурилиш майдончасининг сейсмиклигидан ташқари, қувурнинг масъуллик даражаси ҳам эътиборга олиниши керак. Бунинг учун юк бўйича ишончлилик коэффицентига қўшимча равишда, қувурнинг тавсифига боглиқ ҳолда 4.7.2.1 банддан аниқланадиган, Ко коэффициенти киритилади.

4.7.17. Сейсмик ҳудудлардаги қувурлар, қандай жойлашувидан (ер ости, ер усти, ер сирти) қатъий назар, сейсмик кучларни эотиборга олган ҳолда асосий ва алохида юклар жамламаси таъсирига ҳисобланади.

4.7.18. Сейсмик ҳудудларга мўлжаллангаи қувурлар, 4.7.1. бандга биноан қўйидаги таъсирларга ҳисобланиши зарур;

- сейсмик кучлар таъсири инобатга олинган, шартли статик юклар.

Бунда чегаравий ҳолатлар носейсмик зоналарда ётқизиладиган қувурлардаги қаби қабул қилинади;

- қурилиш худудида илгари содир бўлган ёки сейсмик шароитига кўра шунга ўхшаш жойларда бўлиб ўтгач зилзилаларниинг (акселерограмма велосиграмма, сейсмограмма сингари) ёзувларини таҳлил қилиш асосида топилган сейсмик кучлар таъсирига ҳисобланади.

Кучли зиязилалар таъсирига ҳисоблаганда қувурларии кўтариб турадиган конструкцияларда ноэпастик ва қолдиқ деформациялар, кичик шикастла-

нишлар вужудга келишга йўл қўйилади.

4.7.19. Таянчяарга ўрнатилган ер усти қувурлари сейсмик кучлар таъсирига икки йўналишда қувур ўки буйлаб ва кўндаланг йўналишларда ҳисобланади. Бўйлама йўналишда ҳисоблаганда, қувурдаги кучланишларнинг қийматлари аниқланади, шунингдек таянч конструкцияси горизонтал сейсмик кучлар таъсирига текширилади. Сейсмик кучлар қувурга кўндаланг йўналишда таъсир эгса, қувур кўчишининг қийматлари ва ригель узунлигининг етарлилиги, яъни таянчлардан қувурнинг тушиб кетмаслиги, қувурлардаги қўшимча кучланишлар аниқланади, шунингдек таянч конструкцияларини горизонтал ва вертикал сейсмик кучлар таъсирига текширилади.

Таянчларнинг бир-бирига нисбатан силжишидан ҳосил бўладиган кучлар таъмирига қўшимча равишда текширув ҳисоби бажарилади.

4.7.20. Ер ости қувурларида ва кўтарма (насып)ларга ётқизилган қувурларда, қувур ўқи бўйлаб йўналган сейсмик тўлқинлардан ҳосил бўлган қўшимча кучланишлар ҳам аниқланиши зарур. Бундай шароитдаги қувурлар кўндаланг йўналишдаги сейсмик таъсирларга ҳисобланмайди.

4.7.21. Туғри чизиқли ер ости ва ер сирти (кўтармалар) қувурларида, бўйлама йўналишда таъсир этган сейсмик кучлардан ҳосил бўлган кучланишлар қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\sigma_{пр} = \frac{g}{2\pi} AK_{n} K_{0} ETC_{p}^{-1} \eta_{g} \qquad 4.11$$

бу ерда K_o - қувурнинг маъсуллигинн ҳисобга олувчи коэффициент бўлиб, 4.9 жадвалдан олинади;

K_n- зилзила такрорийлиги коэффициенти бўлиб, 2.4 жадвалдан олинади;

E - қувур материалининг эластиклик параметри (Юнг модули), МПа;

C_p - грунт массивида бўйлама тўлқинларнинг тарқалиш тезлиги, м/с;

η_g - динамиклик козффициенти.

4.7.22. Сейсмик таъсирларнинг такрорийлиги I иловадан олинади.

4.7.23. Ер ости қувурлари сейсмик кучлар таъсирига биринчи қисм талабларига мувофиқ равишда ҳисобланади.

4.9 жадвал

	Қувур тавсифномаси	K_o коэфициентининг қиймати
1.	Ишчи босими 2,5 дан 10,0 МПа (25-100 кг/см^2) га қадар бўлган газ қувурлари; ширтли диаметри 1000-1200 мм бўлган нефт ва нефт маҳсулотлари қувурлари. Муҳим объектларни газ, нефт ва нефт маҳсулотлари билан таъминлайдиган исталган ишчи босими ва диаметрига эга бўлган қувурлар. Эни 25м ва ундан ортиқ бўлган сув тўсиқлардан ўтказилган қувурлар.	1,5
2.	Ишчи босими 1,2 дан 2,5 МПа (12-25кг/см^2) гача бўлган газ қувурлари; шартли диаметри 500-800 мм бўлган нефт ва нефт маҳсулотлари қувурлари.	1,2
3.	Шартли диаметри 500 мм дан кичик бўлган нефт қувурлари.	1,0

Эслатма. *Майдон сейсмиклиги 9 балл бўлса, 1 бандда кўрсатилган қувурлар қўшимча равишда 1,5 га тенг коэффициентга кўпайтирилади.*

4.8. ҚУРИЛИШ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ.

(КАНАЛИЗАЦИОН НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ. ИЧИМЛИК СУВИ ЗАҲИРАСИ РЕЗЕРВУАРЛАРИ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИНОЛАРИ)

4.8.1. Бино ва иншоотларнинг конструкциялари биринчи ва мазкур қисмнинг талабларига мувофиқ равишда лойиҳаланиши зарур.

Сув таъминоти тизимига қарашли бино ва иншоотларнинг ҳисобий сейсмиклиги 4.10 жадвалдан аниқланади.

4.10 жадвал

"Сув таъминоти. Ташқи тармоқ ва иншоотлар" ҚМҚ га мувофиқ бино ва иншоотларнинг масъуллик синфи.	Қурилиш майдончасининг сейсмиклиги қуйидагича бўлганда бино ва иншоотларнинг ҳисобий сейсмиклиги, балларда		
	7	8	9
II-III III	7 Сейсмик таъсирлар ҳисобга олинмайди	8 7	9 7

Эслатма: *Бино ва иншоотлар ҳисобий сейсмикликка мос бўлган юклар таъсирига ҳисобланади. Бундай юклар, зилзила оқибатларини бартараф этишда ишлаб туриши зарур бўлган бино ва иншоотларни ҳисоблашда, 1,2 коэффицентига, ер юзасидаги сувларни қабул қиладиган иншоотларда 1,5га кўпайтирилади.*

4.8.2. Идиш вазифасини ўтовчи иншоотлар ва биноларнинг ер ости қисмлари конструкциянинг хусусий массасидан, идишдаги суюқлик ҳамда грунт массасидан ҳосил бўлган сейсмик кучларнинг энг ҳавфли жамламаси таъсирига ҳисобланиши зарур.

Суюқлик ва грунт массаларидан ҳосил бўлган сейсмик кучларнинг қиймати биринчи қисмга мувофиқ аниқланади.

Эслатма. *Сув босими миноралари ни ҳисоблашда ушбу банд талаблари бак конструкциясининг ҳисобига тааллуқлидир.*

4.8.3. Идиш вазифасини ўтовчи иншоотлар ва биноларнинг ер ости қисмлари конструкциянинг хусусий массаси ва унга қўйилган юклардан ҳосил бўладиган сейсмик кучлар бинолардаги сингари аниқланади. Бунда (2.3) формулага кирувчи коэффициентлар кўпайтмаси 4.11 жадвалдан аниқланади.

4.11 жадвал

Грунтга нисбатан бино ва иншоотнинг жойланиши	1.1 жадвалга мувофиқ грунт тоифасига кўра Wiηik коеффициенти кўпайтмасининг қийматлари									“Сув таъминоти. Ташқи тармоқ ва иншоотлар” ҚМҚ га мувофиқ бино ва иншоотларнинг маъсуллик синфига кўра коэффицентлар кўпайтмасининг қийматлари		
	I			II			III					
	Зилзилавий кучи, балларда											
	7	8	9	7	8	9	7	8	9	I	II	III
Ер усти	0,3	0,6	1,2	0,27	0,54	1,08	0,2	0,4	0,8	0,3	0,25	0,2
Ер ости	0,2	0,4	0,8	0,18	0,36	0,72	0,15	0,3	0,6	0,25	0,2	0,15

Эслатма. *Агар иншоот баландлигининг ярмидан кўпи ерга кириб турса - ер ости, ярмидан камроғи кирган бўлса – ер усти иншооти сифапшда ҳисобланади.*

4.9. КАМЕРА ВА ҚУДУҚЛАР.

4.9.1 Қудуқ ва камеранинг конструкциялари қувур ва унга туташган мураккаб тугунларни эркин силжишига имкон бериши зарур. Бунинг учун қудуқ ва камераларнинг деворида қувур диаметридан кенгроқ бўлган туйнук қолдирилади.

4.9.2. Қудуқларнинг баландлиги бўйича горизонтал туташув чоклари уланган ерда силжиб кетмаслиги учун тегишли чоралар кўзда тутилмоғи лозим. Туташув чокларининг мустаҳкамлиги қуйидаги йўллар билан таъминланиши мумкин:

- доиравий кесими йиғма элементлардан ташкил топган қудуқ чоклари боғловчи элементлар билан кучайтирилади;
- ғишт ва бетондан ташкил топган доиравий қудуқлар конструктив арматураланади;
- ғишт ва бетондан ташкил топган тўғри бурчакли қудуқ чоклари ҳам конструктив арматураланади.

4.9.3. Йиғма темирбетон халқали қудуқларнинг чокларига пўлат элементлар қўйилиши зарур. Пастки халқанинг тагига В10 синфли монолит бетондан гардиш ишланади.

4.9.4. Монолит бетондан ишланадиган қудуқнинг ишчи деворлари ва қудуқнинг оғзи стандартлар бўйича сим тўр билан арматураланиши лозим.

4.9.5. Ғишт қудуқларнинг деворлари стандартлар бўйича горизонтал йўналишда арматураланиши лозим.

4.9.6. Қудуқдаги туйнук қирғоғи билан қувур орасидаги тирқиш 0,1 м дан кам бўлмаслиги керак. Тирқиш эластик материал билан тўлдирилади.

4.9.7. Ишчи қисми 1,5 м дан кичик бўлган қуриш тавсия этилмайди, йўл юзасидан оғзи 0,5 м дан кам бўлган мумкин эмас.

4.10. СЕЙСМИКЛИГИ 9 БАЛЛДАН ЮҚОРИ БЎЛГАН ҲУДУДЛАРДА ИНШООТВА ТАРМОҚЛАРГА ҚУЙИДАГИ ҚЎШИМЧА ТАЛАБЛАР.

4.10.1. Сейсмиклиги 9 баллдан юқори бўлган ҳудудлар 1.2 бандга биноан белгиланади.

4.10.2. Сейсмиклиги >9 бўлган ҳудудларда иншоот ва тармоқлар қуриш ишлари ЎзР Давархитектқурилиш розилиги билан амалга оширилади.

4.10.3. Сейсмиклиги 9* балл ҳудудлардан грунт тоифаси III бўлса (1.1жадвал), иншоот ва тармоқлар қуришга рухсат этилмайди.

4.10.4. Иншоот ва тармоқларнинг сейсмик ҳисоби.

а) 4.2.13.4 - 4.2.13.8 бандларга мувофиқ аниқланадиган шартли статик юклар таъсирига амалга оширилади. Бунда А коэффициентининг қиймати сейсмиклиги >9 балл бўлган ҳудудларда – 0,6, сейсмиклик 9* балл бўлганда – 0,8 олинади;

б) мазкур ҳужжатга илова этилган қўлланмага мувофиқ, қурилиш туманига хос бўлган реал ёки синтезланган сейсмик таъсирларга амалга оширилади. Қўлланма чиққунга қадар ҳисоб ишлари ихтисослаштирилган илмий – тадқиқот институтлари томонидан бажарилиши лозим.

4.10.5. Сейсмиклиги >9 ва 9* балл бўлган туманларда мавзе ички тармоқлари қувурларининг мустаҳкамлик синфи, сейсмиклиги >9 бўлганда тақсимлаш тармоқлари қувурларининг мустаҳкамлик синфи 4.10.4 а бандга биноан танланади.

4.10.6. Сейсмиклиги 9* балл бўлган туманларда тақсимлаш тармоқларининг ва сейсмикли > 9 ва 9* балл бўлган туманларда, 4.2,4.3, 4.5,4.6 ва 4.7 бандларда келтирилган, магистрал қувурларнинг мустаҳкамлик бўйича синфи, 4.10.4. б бандга биноан танланади.

4.10.7. Идиш вазифасини ўтовчи иншоотлар ва биноларнинг ер ости қисмларига таъсир этувчи, конструкцияларнинг хусусий массалари ва уларга қўйилган юклардан ҳосил бўлган сейсмик кучлар 4.8.3 бандга мувофиқ, 4.12 жадвалдан аниқланади.

4.12 жадвал

Грунтга нисбатан бино ва иншоотнинг жойланиши	1.1 жадвалга мувофиқ грунт тоифасига кўра Wiηik коэффицентлари кўпайтмаларининг қийматлари				
	I		II		III
	Зилзила кучи, балларда				
	>9	9	>9	9*	>9
Ер усти Ер ости	1,6 1,2	2,4 1,6	1,62 1,08	2,86 1,44	1,2 0,8

4.10.8. (4.4.7) банд талабларини бажаришда фақат пўлат қувурлардан фойдаланиш зарур.

5. БИНОЛАРНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ ВА КУЧАЙТИРИШ.

5.1. Фойдаланишда бўлган биноларнинг зизилабарлошлигини таъминлаш ёки оширишда ер қимирлаш ёки бошқа табиий офатлар натижасида шикастланган биноларни қайта тиклашда, қурилиш майдончасининг сейсмиклиги ёки бинонинг ҳисобий сейсмиклиги ўзгариши муносабати билан уни кучайтиришда, объектни таъмирлашда ёки унинг масъуллик даражаси ўзгарганида мазкур қисмнинг талабларига риоя қилиш зарур.

5.2. Бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини таъминлашда қуйидаги икки ҳол учраши мумкин:

- қайта тиклаш (восстановление)- бу тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида, деформацияланган конструкцияларнинг ва улар орасидаги боғлагичларнинг юк кўтариш қобилияти дастлабки миқдорга (зилзилада шикастланишидан илгари ҳолатига) қадар қайта тикланади;
- кучайтириш (усиление) - бу шундай тадбирларки, уларнинг амалга оширилиши натижасида конструкциялар ва улар орасидаги боғлагичларнинг юк кўтариш қобилияти норматив ҳужжатлар талаби даражасига қадар ортади.

5.3. Қайта тиклаш ёки кучайтириш ҳақидаги қарор бинонинг ҳизмат муддати, физик ва маънавий эскириши, эксплуатацион вазифаси ва таъмирлаш-қайта тиклаш ишларини бажаришнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши лозим.

5.4. Объектларнинг шикастланиш даражасига бало беришда зилзилалар кучига баҳо берадиган ҳужжат ГОСТ 6949-52 нинг изоҳли қисмига ҳамда унга қўшимча равишда чиқарилган норматив-услубий материалларга амал қилиш зарур.

5.5. Бинонинг юк кўтарувчи ва ўзини кўтарувчи конструкцияларида силжиш, эгилиш, бетон емирилиши, ҚМҚ да белгиланганидан ортиқча ёрилиш содир бўлса, бундай конструкция шикастланган ҳисобланади.

5.6. Биноларни қайта тиклаш ишлари, одатда, тегишли тартибда тасдиқланган, типовой техник ечимлар бўйича бажарилади. Биноларни кўпайтириш ишлари, мазкур объект учун ишлаб чиқилган ва текширувдан ўтган, лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

5.7. Агар 2 қисм бўйича аниқланадиган ва бино қад кўтарган майдончанинг сейсмиклигига мос бўлган сейсмик юкнинг қиймати, бинонинг эксплуатицион вазифаси ўзгартирилган тақдирда ёки қурилиш майдончасининг сейсмологик хоссаси ўзгариши натижасида, бинонинг ҳисобий юк кўтариш қобилиятидан ортиб кетса, мавжуд бинонинги зилзилабардошлиги оширилиши лозим.

5.8. Биноларнинг зилзилабардошлигини ошириш бўйича тузиладиган лойиҳа-смета ҳужжатлари, илгари ишланган техник ечимлар, текширув ҳисоблари ҳамда конструкция материали ҳақиқий мустаҳкамлигини аниқлашни ўз ичига оладиган, техник назорат материалларига асосланмоғи лозим.

5.9. Сейсмик таъсирларни ҳисобга олган ҳолда бино ва иншоотларни алоҳида жамламалар (особые сочетания) таъсирига текшириш ҳисоблари 2-қисмга мувофиқ равишда бажарилиши зарур.

Бунда иккинчи чегаравий ҳолатлар (ЧХ-2) кўриб ўтилмайди.

5.10. Таъмирлаш қайта тиклаш лойиҳаларини тузишда, объектнинг техник ҳолатига қараб, қуйидаги кучайтириш усулларидан фойдаланиш зарур:

- бинонинг мавжуд конструктив тархини ўзгартирмасдан, бино элементлари ва улар орасидаги боғлагичларни қайта тиклаш кучайтириш;
- бинонинг мавжуд конструктив тархига, унинг фазовий ишини яхшиловчи ва зилзила таъсирига ишончлилигини оширувчи, кичик ўзгартиришлар киритиш: бикр конструктив тархга эга бўлган биноларда қўшимча равишда бўйлама ва кўндаланг деворлар тиклаш, антисейсмик чоклар ўтказиш ва ҳ.к.;
- бинонинг конструктив тархи ва динамик тавсифларини ўзгартириш: мунтазам бикрлик диафрагмалари киритиш, боғлагичлар ўрнатиш ва ҳ.к.

5.11. Таъмирлаш - қайта тиклаш ишларини лойиҳалашда ва уни амалга оширишда қабул қилинган конструктив тархлар, материаллар ва конструкциялар қуйидагиларни таъминлаши зарур:

- мавжуд конструкцияларнинг ҳақиқий мустаҳкамлигини ҳисобга олиб, уларнинг юк кўтариш қобилиятидан тўлиқ фойдаланиш;
- кучайтирувчи конструкция билан кучайтирилаётган элементнинг биргаликда ишлашини тўлиқ таъминлаш;
- элементларда ва уларнинг бирикмаларида пластик деформацияларнинг ривожланишига имкон бериш.

5.12. Эски биноларнинг зилзилабардошлигини оширишда мазкур ҳужжатнинг асосий қоидаларини эътиборга олиш зарур. Норматив талаблар даражасига мослаштириб бўлмайдиган конструктив тадбирлар характери ва ҳажми, махсус асосномалар ҳамда, агар зарур бўлса, фазовий ҳисоблаш моделлари, реал ёки синтезланган экселерограмма, деформациянинг чизиқсиз диаграммасини қўллаган ҳолда, оширилган сейсмик кучлар таъсирига ҳисоблаш натижаларига қараб белгиланиши лозим.

6. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ СИФАТИНИ ТЕКШИРИШ.

6.1. Материал ва маҳсулотлар тайёрлашда, шунингдек объектлар қуришда, уларнинг белгиланган ҳизмат муддати давомида бенуқсон ишлашини таъминловчи сифат даражасига эга бўлиш лозим.

Қурилиш материаллари бино элементлари ва қурилиш - монтаж ишлари сифатини қабул қилиш олдидан ўтказиладиган текширув қоидалари тегишли давлат стандартлари талаблари, қурилиш жараёнининг ташкил этиш меъёрлари, лойиҳа ҳужжатлари ҳамда мазкур ҳужжатни қаноатлантириши лозим.

6.2. Бетон лойиҳавий ёшга эришгач, унинг мустаҳкамлиги қуйидаги усуллардан бири ёрдамида аниқланади:

- бузмайдиган усул;
- бетонлаш жараёнида тайёрланган намуналар бўйича синаш;
- конструкция танасидан пармалаб олинадиган намуналарни синаш. Бетоннинг мустаҳкамлигини бузмайдиган усуллар ёрдамида текширишда камида конструкциянинг уч ери синовдан ўтказилади. Текшириладиган конструкциялар сони, уларнинг умумий ҳажмининг камида 15% ни ташкил этиши лозим.

Бетоннинг мустаҳкамлигини конструкция билан бир вақтда тайёрланган намуналар бўйича текширишда, кўпи билан 5 ишчи куни мобайнида камида уч серия назорат намуналари синаб кўрилиши керак.

Дастлабки икки усул бўйича олинган натижалар қониқарли бўлмаса, у ҳолда учинчи усулдан фойдаланилади.

6.3. Темирбетон конструкцияларида арматуралар уланган ердаги пайванд чоклар узунлигини ўлчаш ёки конструкцияни кўздан кечириш каби ишлар уларнинг умумий сонининг камида 15% ни ташкил этиши зарур. Пайванд чокларни ва асосий метални механик усулда синаш учун ҳар бир партиядан камида 6 дона назорат намуналари ажратиб олиниши керак.

6.4. Қоришмани ғишт ёки тош билан ёпишиш мустаҳкамлигини тажрибахона шароитида аниқлаш учун тегишли таркибдаги қоришма ғишт ёки тош партиясидан камида 10 та намуна синалади.

Қоришма билан ғишт ёки тошнинг ёпишувини қурилиш шароитида аниқланадиган бўлса, ҳар бир қаватда камида 5 та синов ўтказилиши лозим.

6.5. Оддий ғишт ва бетон тошларни теришда ишлатиладиган қоришманинг қўзғалувчанлиги (подвижность) стандарт конус чўкишининг 9,13 см га, серғовак ғишт ёки сопол тошлар учун 7-8 см га мос бўлиши керак. Конуснинг чўкиш чуқурлигини аниқлаш учун ҳар бир қоришмадан учтадан намуна синалади.

Қоришманинг қўзғалувчанлигини танлашда унинг сув сақлаш хоссаси, ғишт ёки тошнинг сув шимиши ҳамда иқлим шароитлари ҳисобга олиниши зарур. Қоришманинг сув сақлаш хоссаси 98% дан кам бўлмаслиги керак.

